


**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИННИ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ**

ТОШКЕНТ

IFMR

нашриёти

2013



УДК 338 (575.172)

ББК 65.9 (5Ўзб-6Кар)

у К59

ББК 65.9 (5Ўзб-6Кар)

К59

Ўзбекистон Республикаси
Ўзбекистон Республикаси

Қоракалпогистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси /
и.ф.д. А.М. Содиковнинг умумий таҳрири остида / Тошкент: IFMR, 2013. – 252 б.

Барча ҳукуклар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт Даствури ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхоналарига тегишилдирил. Ушбу материалларни тақрорлаш, кўплайтириш, нашр этиш, тарқатиш ва бошка усулда ишлаташ факат ҳукук эгаларининг ёзма руҳсати билан амалга оширилиши мумкин. Манбага ҳавололак бериш мажбурийдир.

Нашрда баён этилган фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, улар ҳукук эгалари нуткази назари билан мос келмаслиги хам мумкин.

ББК 65.9 (5Ўзб-6Кар)

Илмий раҳбар:

Содиков А.М., и.ф.д.

Муаллифлар гурӯҳи:

Назаров Ш.Х., и.ф.н. (гурух раҳбари),
Адизов А.Ж. и.ф.н., Якубова Э.Т., Асфандиярова З.М.,
Муродов Ч.М. и.ф.д., Сайдахмедов Х.М. и.ф.н.,
Жунайдуллаев Д.А. и.ф.н., Шукуров С.М.,
Тищенко Е.А., Ҳусайнкова О.Ш.

Мухаррир:

А. Тошхўжаев

Лойиха

мувофиқлаштирувчилари:

У. Камалетдинов (UNDP), С. Муродова (GIZ),
Р. Жўраева (GIZ).


© Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси
ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий
тадқиқотлар институти, 2013.<http://www.ifmr.uz/>

© Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
2013. <http://sovminrk.gov.uz/>

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт
Дастури (UNDP)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси,
2013. <http://www.undp.uz/>

© Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2013. <http://www.giz.de/>

ISBN 978-9943-4271-1-2 © IFMR



МУНДАРИЖА

Кириш	5
I. Қорабалпоғистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва салоҳияти	8
1.1. Қорабалпоғистон Республикаси табиий-иктисодий шароитининг умумий таснифи	8
1.2. Ташки мұхит таҳлили	11
1.3. Экологик ҳолат ва унинг таъсири	14
1.4. Ижтимоий ҳолат	16
1.5. Минерал-хомашё салоҳияти ва ундан фойдаланиш	39
1.6. Тадбиркорлық ва маҳаллий ташаббускорликнинг ҳолати	42
1.7. Қорабалпоғистон Республикаси иктисодиёті тармоклари ва соҳалари	47
1.7.1 Санаот	47
1.7.2 Қишлоқ хұжалиги	65
1.7.3 Хизматлар соҳаси	86
1.7.4 Инфратузилманинг ҳолати	94
1.7.5. Ташки иктисодий фаолият	96
1.8. Стратегик SWOT таҳлил натижалари	101
II. Қорабалпоғистон Республикасини ҳудудий ривожлантириш стратегиясы	111
2.1. Ривожланиш сценарийлари	111
2.2. Стратегиянинг миссияси ва бош мақсади	114
2.3. Минтақаған ривожлантиришнинг асосий омиллари ва истиқболли манбалари	115
2.3.1. Санаоттың ривожлантириш	115
2.3.1.1. Табиий хомашё салоҳиятидан самарали фойдаланиш	122
2.3.1.2. Бир-бири билан узвий бөгланған ва ёрдамчи тармокларни ривожлантириш	128
2.3.1.3. Ҳудудлараро лойихаларни амалга ошириш	132
2.3.1.4. Ҳудудий ривожлантиришда минтақалараро ҳамкорлик	139
2.3.2. Қишлоқ хұжалиги соҳасини ривожлантириш	143
2.3.2.1. Экилмәттән ва иктисодий самарааси паст бүлгандың сугориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш	143

2.3.2.2. Экологик мұхиттағы мос тоанъянавий фаолият турларини ривожлантириш	147
2.3.2.3. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига тупрок унумдорлигини ошириш	149
2.3.2.4. Мінтақада озік-овқат махсулотлари етиштиришни күлайтириш истиқболлари	152
2.3.2.5. Инновацион технологиялардан самарадағы фойдаланиш масалалари	162
2.3.3. Хизматлар соңасини ривожлантириш	165
2.3.3.1. Ҳудудларда мавжуд салоқият ва имкониятлардан самарадағы фойдаланиш омиллари	168
2.3.3.2. Ҳудудларда хизмат күрсатиш соҳаларини ўртача мінтақа күрсаткичига тенглаштириш омиллари	173
2.3.3.3. Синергетик омиллар хизобига хизматлар соңасини ривожлантириш имкониятлари	176
2.3.4. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда унинг бандлік даражасини оширишда ҳудуд іктисодиётини маҳаллій мутахассислар билан таъминлашнинг истиқболлы йўналишлари	180
III. Стратегияни амалга оширишнинг ташкилий ва амалий жиҳатлари	188
3.1. Стратегияни амалга оширишда бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини күчайтириш масалалари	188
3.2. Маҳаллій ташаббуслар асосида ишлаб чиқладиган чора-тадбирлар дастури	194
3.3. Стратегияни амалга ошириш боскичлари	200
3.4. Стратегия ижросининг мониторинги	201
ИЛОВАЛАР	203

КИРИШ

Шимол дарвозасидан – ёруғ истиқбол сари

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси мустақил тарақкиёт йўлидан катъият билан олға бормоқда. Бутун дунёда эътироф этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Иктисодиётнинг баркарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Шахру кишлоқларимиз киёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалмоқда. Кишлок жойларда янги массивлар ташкил этилиб, уларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги замонавий шарт-шароитларга эга қулай ва шинам турар-жойлар барпо этилмоқда. Келажагимиз эгаси бўлган ёшлар хар жабҳада ғайрат-шижоат намунасини кўрсатмоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг шимолий минтақаси – Коракалпогистон Республикаси ҳаётида ҳам рўй бермоқда.

Лекин ҳаёт бир жода тұхтаб турмайди. У доим ҳаракатда – ўзгариш ва юксалишда бўлади. Шу боис мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари тубдан ислоҳ килинмоқда. Коракалпогистонда ҳам бу жараёнлар изчил давом эттирилмоқда. Минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш вазифалари янгича ёндашувларни такозо этмоқда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт Дастурининг "Миллий ва маҳаллий даражада иктиносий прогнозлаштириш ва режалаштириш салоҳиятини ошириш" лойиҳаси ҳамда Германия ҳалқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан биргаликда Коракалпогистон Республикасини узок муддатта ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадига мос чора-тадбирлар комплексини шакллантириш максадида ушбу "Коракалпогистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси" (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) ишлаб чикилди.

Стратегияни ишлаб чикиш Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг 2013 йил 20 марта қабул килинган 38-б-сонли фармойишига биноан амалга оширилди. Ушбу фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) эксперталари иштирокида давлат ташкилотлари вакиллари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мутахассис-

ларидан иборат ишчи ва йигма (мувофикаштирувчи) гурухлар тузилиди.

Стратегияни ишлаб чикиш жараёнида муаллифлар томонидан Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъruzаларида билдирилган фикр ва ғоялар, мамлакатимиз минтақалари иқтисодиётини ривожлантириш ва қайта шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, мамлакат ва минтақа даражаларида қабул қилинган тармоклар бўйича ҳамда ҳудудий ривожлантириш дастурлари, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг илмий-услубий ишланмалари, ҳудудий ривожлантириш сиёсатига оид хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, уларда баён этилган фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Стратегия минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича узоқ муддатга мўлжалланган устувор вазифа ва максадларни аниклаб берувчи асосий хужжат ҳисобланади.

Минтақани узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегик максад ҳамда вазифаларини аниқлашда ривожланишнинг асосий манбалари ва омиллари, ракобат имконияти ва мавжуд устунликларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ишлаб чикилган таклифлар минтақанинг ҳозирги ҳолати, ривожланишга таъсир кўрсатадиган ижобий ва салбий жиҳатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилди.

Стратегияни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишида маҳаллий бошқарув тизими фаолиятини функционал таҳлил этиши, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва фуқаролик институтларининг ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ушбу Стратегияни тайёрлашда фойдаланилган маълумотлар ва бошқа материалларни етказиб беришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари ва йирик корхоналар раҳбарлари, кичик бизнес ва қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, жумладан, М.Мамутов, Б.Гулимов, Н.Аимбетов, Н.Казакбаев, О.Курбанов, Ф.Тажимуратов, А.Сабуров, З.Сейтимбетова ва Т.Дуйсенбина сингари юқори мала-кали мутахассислар иштирок этди.

Таҳлил ва кузатувлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика бош бошқармаларининг маълумотлари, ПМТИ ахборот базаси ва материаллари, шунингдек, мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот ва лойиха институтлари, вазирлик ва ташкилотлар маълумотлари асосида ўтказилди.

Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида Андижон ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган шунга ўхшаш тадқиқотлар натижалари ва ҳудудий стратегик режалаштиришнинг жаҳон тажрибаси эътиборга олинди. Шу нуктаи назардан, Стратегиянинг долзарб ва истиқболли муаммоларини ечишда маҳаллий ташаббускорлик омилини кучайтириш ва ундан самарали фойдаланишда ҳудудий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, бизнес вакиллари фаоллигини ошириш масалаларини ишлаб чиқишида ҳудудий стратегик режалаштиришнинг усул ва услубиятлари асос килиб олинди.

Маҳаллий бошқарув органлари ва кенг жамоатчиликка тақдим этилаётган ушбу Стратегия Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг ҳудудларини мавжуд ижтимоий-иктисодий ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда истиқболда ривожлантириш бўйича долзарб ва устувор вазифаларни аниклаб олиш, улар негизида минтақани комплекс ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишида муҳим асос бўлиб хизмат қиласи, леган умиддамиз.

I. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНГ ХОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САЛОХИЯТИ

1.1. Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иктисодий шароитининг умумий таснифи

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимолигарбига, Амударёнинг куйи, Орол дengизининг жанубий кисмida жойлашган. Республика Қоракум ва Қизилкум саҳроларига тутишиб кетган. Қорақалпоғистон умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат бўлиб, у худудининг катталиги жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўртасида биринчи ўринда турди. Минтака ер майдонларининг 80 фоиздан ортигини кум барханларидан иборат чўл худудлари ташкил килади. Орол дengизнинг куриб бораётганлиги туфайли Қорақалпоғистон экологик та-лофат зонаси ҳисобланади.

Республика аҳолиси 1 миллион 700 минг кишидан зиёддир. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар – 38,1%, қорақалпоклар – 35,7%, қозоқлар – 18,2%, туркманлар – 5,1%, руслар – 0,7%, корейслар – 0,4%, татарлар – 0,3% ва бошқа миллат вакиллари – 1,5% ни ташкил килади.

Республиканинг маъмурий-худудий тузилмаси 14 та туман ва I та шаҳардан иборат. Минтақа Қозогистон (990 км) ва Туркменистон (784,1 км) давлатлари, Хоразм (263,2 км), Навоий (300 км) ва Бухоро (66 км) вилоятлари билан чегарадошdir. Унинг худудидан ҳалқаро аҳамиятга эга магистрал темирийўллар ва автомобиль йўлларининг ўтганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистоннинг иктисоди асосан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, ғалла, шоли ва х.к.) етишириш ва саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Минтақада 22 та иирик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар жумласига Кўнғирот сода заводи, «Устюргаз» шўъба корхонаси, пахтани қайта ишловчи «Юлдуз» акциядорлик жамияти, «Амударё қурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамияти, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «ҚҚ Дан онимлери» акциядорлик жамияти, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи «Етгар» акциядорлик жамияти, «Нукус вино заводи» акциядорлик жамияти каби корхоналар киради. Бундан ташкири, минтақада снгил ва озиқ-овқат саноатига оид 50 дан ортиқ кўшма

ва хорижий корхоналар фаолият кўрсатмокда.

Минтақанинг ялпи худудий маҳсулоти (ЯҲМ) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 2,3 фоизини (1.1.1-жадвал), ахоли жон бошига хисоблаганда эса ўртача мамлакат даражасининг 40,7 фоизини ташкил қиласди. ЯҲМ таркибида кейинги йилларда аграр тармок улушкининг кисқариши, айни вактда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши кўпайишига эришилди. Лекин жами хизматларнинг ЯҲМ даги улуши 48,5 фоиз бўлгани ҳолда, мамлакат ўртacha кўрсаткичидан (52%) паст даражада қолмоқда.

1.1.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўрни, %

Кўрсаткичлар	2000 й.	2006 й.	2012 й.	Мамлакатимизда туттган ўрни (2012 йилда)
Ахоли	6,1	6,0	5,7	9
Ялпи худудий маҳсулот	3,4	3,4	2,3	12
Саноат маҳсулотлари	2,3	1,6	1,3	13
Истеъмол товарлари	2,6	1,3	1,5	14
Асосий капиталга инвестициялар	4,8	5,2	5,4	8
Чет эл инвестициялари	1,4	6,7	7,9	5
Курилиш ишлари	5,6	3,7	4,6	11
Чакана савдо айланмаси	2,9	2,8	3,1	13
Пуллик хизматлар	2,5	2,3	3,3	11
Бозор хизматлари		1,7*	2,9	12
Ташки савдо айланмаси	1,2	0,8	0,8	13
ш.ж.				
Экспорт	1,6	1,0	0,8	12
Импорт	0,7	0,7	0,8	11

* маълумот 2007 йил бўйича берилган.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг кейинги йилларда сезиларли ортганлигига қарамасдан, Қорақалпоғистон мамлакат саноатининг худудий таркибида охирги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Бу борада кейинги йилларда эришилган ижобий ўзгаришлар асосан ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантиришга каратилган марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда. Лекин маҳаллий ахамиятга эга бўлган лойиҳаларни ўзлаштиришда

сезиларли ўзгаришлар содир бўлмади. Шу туфайли ҳам саноат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига нисбатан тўғри келиши мамлакат даражасидан деярли 4 баробар паст.

Минтақада истеъмол қилинаётган саноат маҳсулотларининг аксарияти (айрим озик-овқат маҳсулотларидан ташқари) четдан келтирилгани ҳолда, ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Енгил саноатнинг 91,8 фоиздан ортигини пахта тозалаш тармоғи ташкил киласди.

Корақалпоғистоннинг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги улуши 3 фоизни ташкил этади. Аҳолининг 29 фоизга якини аграр тармокда банд (дехкон хўжаликларидағи бандлар билан бирга). Айни пайтда минтақа қишлоқ хўжалигига сугориладиган 77,3 фоиз экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган асосий капиталга инвестицияларнинг 5,4 фоизи, чет зл инвестицияларининг 7,9 фоизи минтақага тўғри келади ва Коракалпоғистон инвестицион фаоллик даражасига кўра мамлакат худудлари ичидаги 7- ўринда туради. Албатта, бу кўрсаткичлар асосини Оролбўй ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган марказлашган инвестициялар ташкил этади.

Минтақа жами хизматлар ҳажми бўйича, аҳоли жон бошига хисоблаганда, мамлакатимизда 10-ўринни эгаллайди. Бу кўрсаткич ўртача мамлакат даражасининг 50,6 фоизини ташкил этади ва Коракалпоғистон хизматлар соҳаси паст ривожланган худудлар қаторига киради. Молия хизматлари аҳоли жон бошига хисоблаганда, ўртача мамлакат кўрсаткичининг 35,4 фоизини, туристик хизматлар – 11 фоизини, савдо ва умумий овқатланиш – 48 фоизини, маиший хизматлар – 27,4 фоизини ва бошқа хизматлар – 47,5 фоизини ташкил этади (1.1.1-илова).

Экспорт салоҳияти жиҳатидан минтақа мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан қуий ўринларни эгаллайди. Экспорт салмоғининг аксарият кисмини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари – асосан табиий газ ташкил киласди. Минтақа экспортининг мамлакат экспорти ҳажмидаги улуши 2000-2012 йиллар мобайнида 1,6 фоиздан 0,8 фоизга камайгани ҳолда, импорт салмоғи 0,7 фоиздан 0,8 фоизга ортган.

Корақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджет салоҳиятининг таҳлили (1.1.1-расм) шуни кўрсатмоқдаки, бюджетнинг ликвидлик

даражаси марказдан ажратилаётган катта миқдордаги субвенциялар хисобига саклаб турилгани холда, маҳаллий бюджетнинг автономлик даражаси тушиб кетмоқда.

1.1.1-расм

Коракалпоғистон Республикасининг 2005-2012 йиллардаги бюджет салоҳияти



Умуман олганда, Коракалпоғистон Республикаси ҳам аграр, ҳам индустриал (марказлашган инвестициялар хисобига ривожланиб бораётган ёкилғи-энергетика тармоғидан ташкари) жиҳатдан суст ривожланаётган ҳудуд хисобланади. Минтаканинг мавжуд табиий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишида маҳаллий ташаббускорликнинг паст даражада колаётганлиги туфайли саноат ва хизматлар соҳасида янги ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш ишлари талаб даражасида эмас.

1.2. Ташқи мухит таҳлили

Коракалпоғистон Республикасининг ички ижтимоий-иктисодий холатига кўшни давлатлардаги сиёсий ва иқтисодий вазият, кўшни вилоятлардаги табиий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, шунингдек, табиат ва иқлим ўзгаришлари ҳамда макроиктисодий жараёнлар ташки омил сифатида ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Макроиктисодий омиллар. Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг давом этаётганлиги ва унинг салбий асоратлари нафакат дунё иқтисодиётининг конъюнктураси, экспорт-импорт фаолиятининг шароитлари ва суръатининг ўзгаришига, балки муйян мамлакатнинг макроиктисодий баркарорлигига ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу маънода ушбу жараёнлар Коракалпогистон Республикасининг иқтисодий вазиятига ҳам қисман таъсир этиши мумкин. Ушбу салбий оқибатлар, энг аввало, инфляцион жараёнларнинг макро даражада ўзгариши, четдан инвестициялар кириб келиш ҳажмининг камайиши, минтақадан экспорт қилинаётган маҳсулотларга талабнинг камайипи билан изохланади.

Масалан, минтақа иқтисодиётига марказлашган инвестицияларнинг 10 фоизга ошиши ёки камайиши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг реал ўсишига 2-2,5 фоиз таъсир этиши мумкин. Минтақада инвестицияларнинг ўсиши эса экспорт ҳажмининг ошишида мультиплексатив таъсирга эга.

Қўшни вилоятлар билан ҳамкорлик масалалари. Коракалпогистон Республикаси Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош бўлиб, улар ҳалқаро аҳамиятга эга магистрал темир йўллари ва автомобиль йўллари орқали ўзаро туташган.

Иқтисодий салоҳияти жихатидан минтақа қўшни Навоий, Бухоро вилоятларидан сезиларли даражада пастдир. Бу ҳолат кўплаб инвестицион лойиҳаларни жалб этишда ушбу ҳудудлар нисбатан жозибадорликка эга эканлигини кўрсатади. Иккинчи томондан эса шундай нисбатан ривожланган ҳудудлар билан минтақанинг қўшнилиги ҳудудлараро лойиҳаларни амалга ошириш ва саноатда қайта ишлаш жараёнида бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тармокларни ривожлантириш имконини кенгайтиради.

Хоразм вилояти нафакат жўғрофий жиҳатдан, балки ер ва сув ресурслари, иклим шароити ва экологик таъсирлар оқибатига кўра ҳам минтақага энг якин ҳудуд хисобланади. Лекин кишлок хўжалик маҳсулотлари етишириш ва тадбиркорлик анъаналарига кўра ушибу вилоят минтақанинг шимолий ҳудудларига нисбатан муайян устунликларга эга. Ушбу вилоятнинг айнан мана шу жиҳатларидан минтақанинг иқтисодий манфаатлари ва муаммоларини ечишда омилкорлик билан фойдаланиш мумкин.

Иклим ўзгаришлари. Глобал даражада иклим ўзгаришлари минтақа учун бир канча салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Ҳаво ҳароратининг ошиши ва намгарчиликнинг камайиши минтақа иктисодий укладининг ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Буни биргина глобал исишнинг минтақанинг сув балансига салбий таъсири мисолида кўрса бўлади.

Жаҳон банки эксперталарининг хулосаларига кўра, тоғларда сув захираларининг қискариши натижасида баҳор-ёз мавсумида Амударёга окиб тушадиган йиллик сув миқдори камайиб бормоқда. Бундай иклим ўзгаришлари, энг аввало, ҳаво ва замин ҳароратининг ортиши билан боғлик бўлиб, экспертларнинг тахминига кўра, 2050-йилга келиб Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 1,5-2 даражага ортиши, шу муносабат билан ва бошқа салбий омиллар таъсирида Ўзбекистонда кишлок хўжалик маҳсулотлари етишириш учун ажратилган суғориладиган экин майдонлари 50 фоизга қискариб кетиши эктимоли мавжуд. Экспертларнинг фикрига кўра, ҳаво ҳароратининг ортиши май оидан бошланиб, августгача давом этди ва кишлок хўжалиги маҳсулотларининг айни вегетация даврига тўғри келади.

Бундай иклим ўзгаришлари, шубҳасиз, энг аввало, қишлоқ хўжалигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда кўплаб кишлок туманларида экин-тиқин ва кундалик эктиёжлар учун сув танқислиги шундок ҳам сезилиб турганлигини ҳисобга олган ҳолда, хозирдан иклим ўзгаришлари билан боғлик салбий ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш максадга мувофиқдир.

Транспорт муаммолари. Корақалпоғистон Республикасидан мамлакатни Россия, Қозоғистон ва Европа давлатлари билан боғловчи ҳалқаро темирйўл ва магистрал автомобиль йўллари ўтган. Минтақанинг шундай қулай географик жойлашувига қарамасдан, транспорт инфратузилмасидан ҳудуд иктисодиётни ривожлантиришда етарли даражада самараали фойдаланилмаялти. Транспорт коридорлари, биринчи навбатда, темир йўл тизими билан боғлик ҳолда кишлок туманларининг иктисодий салоҳиятини ошириш, янги саноат ишлаб чиқаришини йўлга куйиш имкониятлари кенгаймоқда. Бундай қулайликлар асосан жанубий ҳудудлар – Нукус шаҳри, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Нукус, Хўжайли, Кўнғирот туманларида мавжуд. Хўжайли туманида йирик логистика марказини ташкил этиш имконияти юкори. Лекин минтақанинг Тахтакўпир, Чимбой, Кегайли ва Кораўзак туманлари темир йўл тармоғи билан боғланмаган. Шу боис уларни транспорт инфратузилмаси нуктаи назаридан “боши берк ҳудудлар” сирасига киритиш мумкин.

1.3. Экологик ҳолат ва унинг таъсири

Қоракалпогистон Республикаси Орол денгизи куриши билан боғлиқ экологик вазият мураккаб бўлган ҳудудда жойлашган. Ҳозирги вақтда минтақада юзага келган қуидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

1. Қоракалпогистон Республикасида ҳудуднинг антропоген ўзгаришларга ва сув ресурсларининг зарур табиий сув хажмини қайта тиклаш, дарёлар ўзанлари ва уларга тутпроқ катламларининг ифлосланиши ҳамда шўрланишидан ўзини ўзи тозалаш қобилиятига нисбатан мослашувчанлигининг сусайиши сабабли сув ресурслари умумий микдори камайиб бормоқда.

2. Ерусти ва еrostи сув ресурсларининг ифлосланиши, дегратацияси ва шўрланиши туфайли уларда пестицидлар ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа турли заҳарли моддалари тўпланиб қолмоқда. Далалардан Сирдарё ва Амударё ўзанларига келиб қўйилаётган коллектор-дренаж сувлари тупроқ шўрланишининг хлорид-сульфат турининг кучайишига олиб келмоқда. Қоракалпогистон Республикасида кучли шўрланган ерлар 49 фоизни ташкил қилади. Сувнинг ифлосланиши ва шўрланиши, ундан ерларни суғоришда фойдаланиш ерларнинг емирилиши ва унумдорлигининг ёмонлашиши ва, пировард натижада, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

3. Иқлим ўзгаришининг бугунги ҳусусиятлари ҳаво ҳароратининг узлуксиз ошиши, қурук ва иссиқ кунлар қўпайиши хисобидан ҳаво ҳарорати қуруклигининг кучайиши ва ёғингарчиликлар ўзгариши билан боғлиkdir. Бу ерда ҳаво ҳарорати $+45^{\circ}\text{C}$ дан -38°C гача ўзгариб туради, Орол денгизи томонидан шамол эсиши янада қўпаймоқда.

4. Курғоқчилик пайтида очик сув ҳавзалари, суғориладиган ерлар ва яйловларда буғланиш кучаймоқда. Бундай ҳолатларниң мунтазам такрорланиши эса тупроқда тузларнинг тўпланиб қолиши, сизот сувлар минераллашув даражасининг ошиши, далалардан ювилаётган ўғитлар тупроқ устки қатламишининг котишига олиб келмоқда. Суғориладиган ерлар ювилгандан сўнг ирригация тармоғи сувлари ва қайтадиган дренаж сувлари сизот сувларга қўшилади. Қоракалпогистон Республикаси ҳудудида сизот сувлар микдорининг ошиши шундай оқибатлардан биридир. Ҳолбуки, сизот сувларнинг йиллик ўртacha даражаси 221 см, энг кам йўл

қўйиладиган норма чуқурлиги 21,1 минг гектар ерда 1 см, 95,5 минг гектар майдонда 1-1,5 см ни ташкил килади.

5. Орол денгизи томонидан кучли шамол эсиши ва бу шамол олиб келаётган чанг-тўзон ва майда заррали кимёвий тузлар атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шимол ва шимоли-шарқий томондан эсаётган шамоллар Амударё жанубида жойлашган, ҳудуднинг ахоли зич яшайдиган, иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга қисмига ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Экологик оқибатлар ҳудуд иқтисодиёти тармоқлари, аввало, қишлоқ хўжалигига кучли таъсир ўтказмоқда. Ёзда юкори ҳароратли кунларнинг кўплиги ва йиллик ёғингарчиликлар сонининг камайиши кўп микдорда сув йўқотилишига ва бугланиш даражасининг ошишига олиб келмоқда. Йирик шохли ва майда чорва моллари, паррандаларнинг касалланиш ҳолатлари кўпайиб, кўплаб қишлоқ хўжалик заарқунандалари, хусусан, чигирткалар пайдо бўлмоқда.

Чанг-тўзонли бўронларнинг тез-тез юз бериши ва кучайиши суғориладиган ерлар ва яйловларда кўп микдорда тузлар тўплашишига сабаб бўлмоқда. Бу эса экин экилмайдиган суғориладиган ерлар кўпайишига олиб келиб, қиплок хўжалигининг чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик каби соҳаларига бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу, бир томондан, мазкур ҳудуд учун анъанавий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва чорвачиликни ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини юритиш учун карор топган услуб ва усулларни кўллаш имкониятларини чекламоқда, меҳнат унумдорлигини пасайтириб, баркарорликни қайта тиклаш ҳамда саклаб туриш учун кўшимча ресурслар ва инвестицияларни талаб қилмоқда. Иккинчи томондан, сув ва ер ресурсларидан имкон кадар самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини юритишнинг томчилатиб суғориш, тузга чидамли янги экин турларини етиштиришга асосланган янги инновация услубларини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, Орол денгизи катта майдонининг куриши оқибатида бу ерда кемачилик ва балиқчилик бутунлай барҳам топган. Бугунги кунда Қоракалпоғистон Республикасида балиқчилик хўжалиги маҳаллий сунъий сув ҳавзаларини яратиш ва ҳозирги шароитга, сув ҳавзасидаги сув сифати, ҳаво ҳарорати ва озукага чидамли янги турдаги балиқларни етиштиришга ихтисослаштирилмоқда.

Умумий экологик аҳвол қўшни миңтакалар ва МДҲ мамлакатларига миграция оқимининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида экологик вазиятнинг мураккаблашви натижасида сув сифатининг ёмонлашиши, худуд иқтисодиёти учун анъанавий бўлган иш ўринларининг йўқотилиши, аҳоли саломатлигига экологик омил таъсирининг кучайиши бу борадаги асосий сабаблар хисобланади. Бунинг оқибатларини юмшатиш ҳамда вазиятни барқарорлаштиришига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.


Истеъмол килиш учун ярокли ерости ва сизот сувларнинг камайиши туфайли аҳоли улардан маҳсус ускуналарни (насос, колонка ва ҳоказолар) кўлламасдан фойдалана олмаяпти. Бу қўшимча кийинчиликлар туғдирмоқда ва, жумладан кишлоқ жойларда, аҳоли турмуш сифатини ёмонлаштирунганда. Ушбу муаммолар Коракалпогистон Республикасининг шимолий туманларида айникса кучли сезилмоқда. Масалан, курғокчилик даврида Мўйнок тумани аҳолисига ичимлик суви маҳсус техника (вертолёт ва сув ташувчи машиналар) ёрдамида етказиб берилмоқда.

1.4. Ижтимоий ҳолат

Коракалпогистон Республикаси экологик жиҳатдан шароити мураккаб миңтакалардан бири хисобланади. Бу ҳолат миңтака аҳолисининг ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўtkазиб келмоқда. Унинг таъсири, биринчи навбатда, аҳолининг демографик ҳолати, унинг саломатлиги ҳамда турмуш шароитида яққол намоён бўлмоқда.

Демографик ҳолат таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2012 йил якунларига кўра, Коракалпогистон Республикаси аҳолиси 1702,3 минг кишидан иборат бўлиб, мамлакатимиздаги улуши бўйича (5,7%) 10-ўринда туради. Бирок, сўнгти йилларда бу миңтакада демографик ўсиш суръатлари нисбатан пасайиб бормоқда. Хусусан, 2000-2012 йиллар давомида миңтакада аҳолининг ўртача ўсиш суръатлари 1,1 фоизни ташкил килган (Ўзбекистон Республикаси бўйича 1,7 фоиз) (1.4.1-расм). Шунингдек, аҳоли сони ортиши кўрсаткичлари бўйича ҳам миңтака ўзбекистоннинг бошқа миңтакаларидан ортда қолмоқда (Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида аҳоли сони ортиши кўрсаткичлари, 2000-2012 йиллар



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


Қорақалпоғистон Республикаси демографик ўсишининг асосий манбаи аҳолининг табиий кўпайиши бўлиб келган. Шу билан бирга, собиқ иттифок даврида, хусусан, ўтган асрнинг 60-70 йилларида аҳоли сони асосан миграция хисобига ошган. Бирок, хозир бу ҳолатнинг аксини кузатиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси сони нафакат миграция хисобига камаймокда, балки ўзбекистон Республикасида миграция сальдоси энг юкори бўлган худудга айланди¹.

Шу ўринда Ўзбекистон минтақалари орасида Қорақалпоғистон Республикаси нисбатан юкори урбанизация даражасига эгалигини айтиб ўтиш лозим. 2000-2012 йилларда бу минтақа аҳолиси таркибидаги шаҳар аҳолиси улуши 48,3%дан 49,5%га ошиди². Бошка вилоятларда ҳам ушбу кўрсаткич ўртача 50%ни ташкил қиласди.

Минтақа аҳолисининг ярми (50,5%) кишлоп жойларида истиқомат қиласди. Аҳолиси энг кўп худудларга Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликкаль туманлари киради.

¹ Жумладан, 2012 йил якунларига кўра, бу минтақадан 10,9 минг киши, яъни республикамиздан энг кўп киши кўчиб кетган.

² Бундай юкори кўрсаткич нафакат Нукус ва Тахиқот шаҳарлари аҳолиси, балки Кўнғирот, Тўрткўл ва Хўжайли туманларидаги шаҳар аҳолиси хисби билан.



2012 йилда энг юкори туғилиш күрсаткичлари ижтимоий-иктисодий жиҳатдан нисбатан яхши ривожланган худудларда (Беруний, Кўнғирот ва Элликқалъа туманлари) кайд этилган бўлса, энг кам туғилишлар экологик вазияти ёмонлашган Орол бўйи худудларида (Мўйнок, Қанлиқўл ва Шуманай туманлари) кузатилди (1.4.1-илова)³.

Аҳоли табиий кўпайиши бўйича эса Беруний ва Элликқалъа туманлари етакчилик килиши билан бир каторда Шуманай ва Мўйнок туманларида монтакадаги энг кам табиий кўпайиш қайд этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси худудларини аҳоли зичлигига кўра шартли равишда 4 кисмга, яъни зичлиги юкори (Нукус ва Тахиатош шаҳарлари), юкоридан паст, ўрта ва паст худудларга ажратиш мумкин (1.4.2-илова).

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси таркибида 16 ёшгачча бўлган йигит-қизларнинг улуши 34% ташкил килиб, Ўзбекистон Республикаси ўртacha кўрсаткичидан юкори (33,4%), 60 ва ундан юкори ёшдаги карияларнинг улуши эса 5,2% ташкил этиб, монтака демографик салоҳиятининг нисбатан юкорироқ эканлигини кўрсатмоқда (Ўзбекистон бўйича ўртacha 6%). Шунингдек, аҳолининг ўртacha ёши ҳам Ўзбекистон Республикасидагига нисбатан ёш бўлиб, бу кўрсаткич 26,4 ёшни ташкил этади (Ўзбекистон бўйича ўртacha 27,4 ёш) (1.4.3-илова).

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикасининг демографик ҳолатини таҳлил қилиш натижасида унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда хусусиятлари мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан, монтака аҳолиси табиий кўпайиш жараёнида худудлараро муайянтафовутлар мавжуд бўлиб, бундай фарқларнинг келиб чиқишига худудлардаги нобаркарор экологик вазият ҳамда ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда туғилиш даражаси камайиб бораётганлиги, ўлим ҳолатлари кўпроқ кузатилаётганлиги натижасида аҳоли табиий кўпайиш даражаси пасайиб бораётганлиги бу монтакада демо-


³ Шу билан бирга, бу монтакада шаҳар ва кишлоп худудларидаги туғилиш даражалари бир-биридан унчалик фарқ килмайди (1,7%, 2007 й.) ва буни: (1) шаҳар аёлларининг иш билан бандлик даражаси пастлиги; (2) шаҳар аҳолиси нисбатан яхши ривожланган саноат, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга эмаслиги (Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, шунингдек, ва Хўжайли тумани шаҳар аҳолисидан ташкири) ва натижада (3) шаҳар ва кишлоп жойларидаги турмуш тарзи бир-биридан катта фарқ килмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, монтакадаги кишлоп жойлари аҳолиси табиий кўпайиш кўрсаткичлари шаҳар жойлардаги мос кўрсаткичлардан кўп фарқ килмайди.

график ҳолатни барқарорлаштириш бўйича зарур чоралар кўришни тақозо этади. Шунга қарамасдан, Қорақалпоғистон Республикаси ахолиси таркибида мамлакатимиздагига нисбатан ёшларнинг улуси кўплиги (хусусан, никоҳ ёшидаги йигит-қизлар салмоғининг кўпайиши) ҳамда карияларнинг улуси камлиги минтақа демографик салоҳиятининг нисбатан яхшилигини кўрсатмоқда.

Бандлик ва меҳнат бозори таҳлили Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ресурслари сони жиҳатидан Ўзбекистонда 10-ўринни эгаллашини (5,6%) кўрсатмоқда. 2000-2012 йиллар давомида минтақа меҳнат ресурслари сони 1,3 баробар ортгани ҳолда, иқтисодиётда банд ахолининг ўсиш даражаси 1,2 баробар бўлиб, бошқа минтақаларга нисбатан ортда қолаётганлиги кузатилмокда (1.4.2-расм).

1.4.2-расм

Меҳнат ресурслари ва иқтисодиётда бандлар сонининг ортиши, фоизда, 2000-2012 йиллар



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.


Минтақа ахолиси таркибида меҳнат ресурслари улушининг ортиб бораётганлигини (2000 йилда 49,9 фоиздан 2012 йилда 57,5 фоизга ўсган) ўтган асрнинг 80-йилларида минтақада туғилиш суръатлари юкори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан биргага, минтақада меҳнат ресурслари сони ортишига мос равишда қўшимча янги иш ўринлари яратилмаётганлиги ишсизлик даражаси, иқтисодиётнинг

норасмий тармоғида бандлик даражаси ошишига ҳамда меҳнат миграцияси жараёнларининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Минтақа аҳолиси таркибида ёшлар (15 ёшдаги ва меҳнат килиш ёшидан кичиклар) ва кексалар (60 ёш ва ундан катталарап) улушининг камайиб бораётганилиги натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ортиб бормоқда (1.4.3-расм).

1.4.3-расм

Қоракалпоғистон Республикаси аҳолисининг ёш бўйича таркиби, 2000-2011 йиллар



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

* Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 марта қабул қилинган 71-сон “Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ўтказилган сўровлар натижасини хисобга олган ҳолда.


Аҳоли бандлиги даражасининг⁴ таҳлили камайиш жараёнини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси бўйича 2000-2012 йилларда 72%дан 69,3%га камайган бўлса, Қоракалпоғистон Республикасида 64,7%дан 60,9%га камайган бў-

⁴ Аҳолининг бандлик даражаси – меҳнат ресурсларига нисбатан иқтисодиётда банд аҳоли улуши билан белгиланади.

либ, бу Ўзбекистон Республикасидаги энг кескин камайиш жараёнини кўрсатади (1.4.4-расм).

1.4.4-расм

Аҳоли бандлиги, % да, 2000-2012 йиллар




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шунингдек, ишчи кучининг минтақа иқтисодиётининг норасмий тармоғида ортиб бораётгалиги кузатилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг бу тармоғида бандларнинг умумий бандликдаги улуши 2000 йилда 28,8 фоиздан 2012 йилда 31,7 фоизга етди (1.4.5-расм).

1.4.5-расм

Иқтисодиётда бандлар таркиби, расмий ва норасмий тармоқлар бўйича, %да, 2000-2012 йиллар




Манба: Коракалпогистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий химоя килиш вазирлиги маълумотлари.

2000-2012 йилларда Коракалпогистон Республикаси иктисодиётида бандларнинг соҳалар бўйича таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди (1.4.6-расм, 1.4.4-илова). Жумладан, бу даврда минтақа кишлок хўжалигига бандликнинг улуши камайганлигини ижобий таркибий ўзгариш сифатида кўрсатиш мумкин. Бироқ, агар соҳадан бўшаган ишчи кучи нисбатан паст қўшилган кийматга эга бўлган хизматлар соҳасига (савдо, умумий овқатланиш ва ҳ.к.) ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларига ўтиб меҳнат қилмоқда. Шунга карамасдан, бу тармок ҳалигача иш кучи энг кўп банд бўлган тармоқлигича қолмоқда (28,7%).

Минтақанинг бандлик таркибида моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ишловчиларнинг улуши камайиб (65% дан 59,7% га), ноишлаб чиқариш соҳаларида бандлар улуши ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин (35% дан 40,3% га). Буни савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот (2011 йилда 2000 йилдагига нисбатан 125,6%), уй-жой коммунал хўжалиги ва майший хизмат кўрсатиш (148,5%) тармоқларининг жадал суръатларда ўсиб бораётганлиги билан изохлаш мумкин.

1.4.6-расм

2000-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси, Коракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари иктисодиётида бандлик таркибидаги ўзгаришлар, фоиз



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб-китоблари.

Минтакада бугунги кунда ёшлар ўртасида бандлик масаласи дол зарб муаммолардан бирига айланмоқда. Ёшлар мөхнат бозорида иш изловчилар сони олий, ўрта-максус касб-хунар билим юртлари битирувчилари (шуингдек, аввал битирғанлар) ҳамда муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган шахслар ҳисобига ортиб бормоқда.

Ёшлар ўртасида ишсизлик, аввало, 1985-1990 йиллардаги юкори туғилиш суръатлари (37-40%) билан боғлиқ бўлиб, бундай демографик “портлаш” натижасида 16-29 ёшдаги йигит-кизларнинг Коракалпогистон Республикаси аҳолиси таркибидаги улуши 2011 йилда 30,1% га етди. Бунинг оқибатида ёшларни, хусусан, оммавий тарзда мөхнат бозорига кириб келаётган ўрта-максус касб-хунар коллеклари битирувчиларини иш билан таъминлашда бир қатор муаммолар келиб чиқа бошлади. Ёшлар мөхнат бозорида ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабнинг номутаносиблиги юзага келди (1.4.1-чизма).

Бундай ҳолат сабабини касб-хунар коллекларида тайёрланаётган кадрлар ва уларга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликда кўриш мумкин. Жумладан, Коракалпогистон Республикаси ҳудудларида тегишли мутахассислар билан ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, ҳудудларда тайёрланган иқтисодчилар, кичик тиббиёт ва педагогик ходимлар уларга бўлган таклифдан бир неча марта ортиқчалиги аниқланган. Масалан, 2010/2011 ўкув йилида Коракалпогистон Республикасидаги 61 касб-хунар коллекжини “Банк иши”, “Бухгалтерия хисоби”, “Банкларда бухгалтерия хисоби” ва “Молия” мутахассисликлари бўйича 3294 нафар ёшлар битирган. Ҳолбуки, Коракалпогистон Республикасидаги молия, кредитлаш ва сугурта соҳаларида жами 3,3 минг киши фаолият олиб боради ва улардан йилига ўртacha 50 фоизи ишдан кетса ҳам ушбу касб-хунар коллеклари битирувчиларини тўлик иш билан таъминлаш имкони йўқ.


Худди шунга ўхшашиб ҳолатни кичик тиббиёт ходимлари⁵ (4201 битирувчи) ва кичик педагогик ходимлар⁶ (3364 битирувчи) мисолида ҳам кўриш мумкин⁷. Шу билан бирга, мухандисларга (мутахассисликлар бўйича) бўлган талаб бўйича таклифдан 2-3 баробар кўп.

⁵ “Ҳамширалик иши”, “Акушерлик иши”, “Тиббий-профилактика иши” ва “Тиббий-ижтимоий ёрдам” мутахассисликлари.

⁶ “Бошланғич таълим”, “Мураббий ўқитувчи” ва “Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар” мутахассисликлари.

⁷ Манба: Коракалпогистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Мехнат бозори ривожланишидаги номутаносибликлар ва уларнинг иктисодийгга таъсири



Минтақа мәхнат бозоридаги бундай номутаносиблик оқибатида күйидегі ҳолатлар юзага келмоқда:

Касб-хунар колледжлари битирувчиларининг деярли ярми ўз мутахассисликларидан бошқа соҳаларда иш кидиришга мажбур бўлмоқда. Масалан, 2010/2011 ўқув йили якунларига кўра, битирувчиларнинг 43,8 фоизи ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашган. Қолғандарнинг эса, табиийки, кайта малака ошириш, бошқа касб эгаллашига тўғри келмоқда. Бу эса ҳукуматнинг касбий таълим тизимини ривожлантиришга қилган харажатлари самарасини камайтироқда. Чунончи:

- Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларида расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтганлар орасида **ишламаётган ва ўқимаётган ёшлар** улуши ортмоқда;
- Туманлар кесимида ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоси дол зарблиги бироз фарқ қилса-да, улардаги аҳолининг асосий кисми кишлоқ жойларида яшаши ва бу жойлarda иш ўринлари етишмаслигидан миграция, айниқса, ташқи мәхнат миграцияси (acosan Қозогистон Республикасига) кучаймоқда.

Корақалпогистон Республикаси **аҳолининг миграция фаоллиги** юкори бўлган ҳудудлар сирасига киради. 2012 йил якунларига кўра, миграция сальдоси – 10,9 минг кишини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич бўйича минтақа Ўзбекистон Республикасида 1-ўринни саклаб келмоқда. Бу жараён икки йўналишда, яъни ички ва ташқи мәхнат миграцияси шаклларида давом этмоқда.

Минтақада ички миграцияacosan жанубий туманларга, кўшни вилоятларга ва Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларга йўналтирилган бўлса, ташқи мәхнат миграцияси эсаacosan Қозогистон Республикасининг Оқтов, Олма-ота шаҳарлари ва унинг атрофидаги ҳудудларга тўғри келади. Четта кетаётганларacosan 2-6 ойдан ортик бўлмаган киска муддатда мавсумий ишлар билан банд бўлмоқда.

Корақалпогистон Республикаси бўйича аҳолининг миграцион фаоллиги энг юкори бўлган ҳудудлар каторига Хўжайли тумани, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Тахтакўпир туманларини кўшиш мумкин (1.4.5-илова).

Минтақа ҳудудларидағи Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари ходимлари, шунингдек, хотин-қизлар масалалари бўйича вакиллар билан ўтказилган сұхбатлардан маълум бўлдики, Коракалпогистондан мамлакат ташкарисига кетаётганларacosan 2-6 ойдан ортик бўлмаган киска муддатга иш-

лаш учун бориб келмокда. Бу эса кундалик эхтиёждан ортиқ маблаг йиғиш имконини бермаётір⁸.

Юкоридаги таҳлиллардан қуидаги хulosаларни чиқариш мүмкін:

1. Бошқа минтақаларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида ахоли ўртасида ўлым даражасы күпроқ учраши (хусусан, меҳнатта лаेқатли ахоли ўртасида) ҳамда энг жирик салбий миграция оқимлари қайд қилинаётгандылықи бу минтақада нокулай демографик ҳолат юзага келгандыгини күрсатмокда. Бу күп жиҳатдан Орол бүйи худудларидаги нохуш экологик вазият билан ҳам боғлиқ.

2. Минтақа меҳнат бозоридаги энг долзарб муаммо – бу ахоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ. Масалан, ахоли бандлиги бүйича минтақа Ўзбекистондаги энг паст күрсаткичча эга бўлиб, бу күрсаткич таҳлил қилинган даврда 64,7 фоиздан 60,6 фоизга камайган.

3. Шу билан бирга, иқтисодиёттинг норасмий тармоғига ишчи кучи оқими кучайиб бормоқда. Жумладан, иқтисодиёттинг бу тармоғида бандларнинг умумий бандликдаги улуши 2000 йилда 28,8 фоиздан 2012 йилда 31,7 фоизга етди. Бу эса күпроқ янги иш ўринлари яратилишини тақозо киласи (айниқса, бу муаммо кишлоқ жойларда долзарб бўлиб колмоқда).

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш жараёнида таълим тизими мухим ўрин тутади. Хозирги кунда республикада 330 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари ҳамда 737 дан зиёд умумтаълим мактаблари фолият юргизмоқда. Шунингдек, минтақа тараккиётида таълим соҳасининг энг мухим бўғинларидан бири бўлган ўрта маҳсус ва касб-хунар коллажлари сони 91 тани ташкил этиб, улардаги талабалар сони эса 75 мингдан ортади.

Қорақалпоғистон Республикаси таълим тизимини таҳлил қилишда ундағы ривожланиш күрсаткичлари асосида худудлар бүйича умумий индекс ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра (1.4.7-расм)⁹, таълим тизими нисбатан юкори ривожланган


⁸ Ривожланаётган давлатлардан мигрантлар жўнатадиган пул маблагларидан мательумки, оила канча тез-тез пул олиб турса (йилига 7-12 марта ва ундан күпроқ), жорий ҳаражатларга шунча кам ишлатиб, тежаш ва йиғишини бошлияди.

⁹ Индексни хисоблашда қуидаги күрсаткичлардан фойдаланилди: мактабгача бўлган таълим камрови, умумтаълим мактабларининг компютерлар билан таъминланганлик даражаси, ўқитувчиларнинг маълумотлилик даражаси, ўрта-маҳсус таълим муассасалари битирувчиларинг олий ўқув юртларига кириш даражаси ҳамда ахолига нисбатан колледж ўқувчилари камрови.

худудларга Нукус, Тахиатош шаҳри ва Тахтакўпир туманлари киради.

1.4.7-расм

Қорабалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида таълим тизимининг ривожланиш индекси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Қорабалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб-китоблари.


Қорабалпоғистон Республикасида ҳар бир колледжга тўғри кела-диган талабалар сони 827 тани ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятларга караганда нисбатан пастлиги ушбу минтақада ёшлар учун касб-хунар таълимини эгаллаш имкониятлари кенглигидан далолат беради. Туманлар кесимида касб-хунар колледжлари, аҳоли сони ва худуднинг катта-кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, бир-биридан кескин фарқ қилмайди (1.4.8-расм). Лекин уларда ўқитилаётган мутахассисликлар бўйича жуда катта номутаносибликлар мавжуд. Масалан, ёшлар Нукус шаҳрида – 64 та, Тахтакўпирда – 9 та ва Мўйнок туманида – 8 та мутахассислик бўйича ўқитилади. Марказ билан туманлар ўртасидаги масофанинг узоклиги, транспорт ва овқатланиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, кишлек аҳолиси ўз фарзандларини, айниқса қиз болаларни марказга, уларнинг ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ўқишига юбора олмайдилар.

Ушбу муассасаларда таълим сифатини ошириш бўйича минтақа

маълум устунликларга эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича ўрта-максус касб-хунар таълими тизимида бир ўқитувчига 15 нафар, олий маълумотли ўқитувчига 16 нафар ўқувчи тўғри келса, Коракалпогистон Республикасида бир олий маълумотли ўқитувчига 12 талаба тўғри келади.

1.4.8-расм

2012 йилда Коракалпогистон Республикаси туманинда касб-хунар колледжлари ва улардаги муҳақкисликлар сони



Манба: Коракалпогистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Минтақанинг олий таълим муассасаларида ҳам сўнгти йилларда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабаларнинг сони йил сайин камайиб бормоқда. Бу эса педагоглар учун талабаларга кўпроқ вакт ажратиш, улар билан индивидуал шугулланиш ҳамда ўзларининг илмий салоҳиятини ошириш имконини беради.

Коракалпогистон Республикасида иктисодиётда муҳақкисларга бўлган талабни аниклаш бўйича аник бир услубий ёндашув мавжуд эмас. Натижада, касб-хунар коллежи ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларининг ўз муҳақкисликларидан бошка соҳаларда ишга жойлашиш ҳолатлари кўпроқ кузатилмоқда. Шунингдек, ушбу битирувчилар кўп холларда вактнинчалик ва паст даромадли иш жойлари ўрнига қўшни вилоятларда, вилоят марказларида,

пойтахтда ҳамда кўшни республикаларда мавсумий ишларда банд бўлишмоқда. Мутахассисларга бўлган талабнинг самарасиз режалаштирилаётгани эса иқтисодиёт тармокларидағи мавжуд талабни тўла тадқик килмаслик, муқим иш жойларининг етарли даражада яратилмаслиги ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фолиятларининг етарли даражада ривожланмаганлигидан келиб чикмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-хунар коллекларининг ихтисослашуви бўйича деярли барча ҳудудларда ўқитувчи педагогларни тайёрлаш ҳамда бизнес ва бошқарув йўналишлари мавжуд. Шунингдек, аксарият туманларда агромухандислик, фермер хўжалиги ҳамда архитектура ва қурилиш бўйича йўналишлар мавжуд бўлиб, бу туманларнинг асосан қишлоқ хўжалигига ихтинослашганидан далолат беради. Шу билан бирга, туманларда саноат билан боғлик мутахассисларни тайёрлаш, жумладан, мухандислик касбларига тайёрлаш ҳамда хизматлар соҳасида транспорт ва алоқа, майший хизмат кўрсатиш бўйича йўналишларни очиш мақсадга мувофиқдир.


Қорақалпоғистон Республикаси олий ўкув юртлари битиравчиларининг мутахассисликлар бўйича тақсимотида асосий улуш таълим, гуманитар фанлар ва маданият соҳасига тўғри келади. Ушбу соҳа улуши 2012 йилда 63 фоизни ташкил этди. Кейинги ўринларни эса мухандислик, кайта ишлаш ва қурилиш (14%), ижтимоий фанлар, бизнес ва хуқук (10%), соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот (6%) ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги (6%) йўналишлари эгаллайди (1.4.9-расм).

Хозирги кунда ушбу соҳада ахоли бандлиги масалаларида бир катор номутаносибликлар кузатилмоқда. Жумладан, минтақада юқори малакали тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар етишмовчилиги мавжуд бўлиб, минтақадаги мавжуд олий ўкув юритида ушбу йўналишлarda мутахассислар тайёрланмайди. Шунингдек, мавжуд соғликни сақлаш инфратузилмасининг хозирги ҳолатида минтақада мавжуд мутахассисликлар бўйича тайёрланган олий ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг бандлигини таъминлаш имкониятлари етарли даражада эмас. Шу билан бирга, ҳар йили бир хил мутахассисликда олий маълумотли шифокорларни тайёрлайвериш минтақа тажрибасида ўз самарасини

йўқотмоқда¹⁰. Йилдан-йилга тор мутахассисликка эга бўлган шифокорларга талаб ортиб бормоқда. Шу мақсадда Тошкент ҳамда мамлакатимизнинг бошқа тиббиёт олий ўкув юртларида минтақа учун алоҳида квоталар ажратилиши ва рағбатлар дастури ишлаб чиқилиши талаб этилади.

1.4.9-расм

2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси олий ўкув юртлари битирувчиларининг мутахассисликлар бўйича тақсимланиши



Манба: Қоракалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги.

Қоракалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида соғлиқни сақлаш тизими ва ахолининг саломатлиги холатининг таҳлили (саломатлик индекси¹¹ асосида) (1.4.10-расм) минтақа нинг Кегейли, Қораўзак, Беруний, Нукус туманлари ҳамда Нукус ва Тахиатош шаҳарларида бу борада ҳолат бошқа ҳудудларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатмоқда. Кўнғирот, Элликқалъя, Шуманай ва Хўжайли туманларида эса бунинг акси


¹⁰ Ҳозирги кунда 5 та мутахассислик мавжуд.

¹¹ Индексни хисоблаша қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди: касалхоналардаги ўринлар сони, барча мутахассисликдаги шифокорлар сони, ўрта тиббий ходимлар сони, ахолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатувчи даволаш муассасалари сони, кайд этилган касалликлар сони, оналар ўлими, 1 ёшга тўлмаган ҳамда 5 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи.

бўлган ҳолат кузатилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири шуки, сўнгги 12 йилда минтақада барча мутахассисликдаги шифокорлар сони ҳар ўн минг аҳолига нисбатан ўртача 8 нафарга кискарған (1.4.11-расм).

1.4.10-расм

Қорақалпоғистон Республикаси худудларида аҳоли саломатлиги индекси




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хамда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Шу билан бирга, минтақа туманларида тор мутахассисликлар шифокорларига талаб юқорилигича қолмоқда. 2012 йилда касалхона муассасалари сони Қорақалпоғистон Республикасида ҳар юз минг аҳолига нисбатан 3,1 тани ташкил этиб (1.4.12-расм), бу кўрсаткич 2000 йилга караганда, 2,7 тага камайган, улардаги ўринилар сони эса ҳар ўн минг аҳолига нисбатан 50,6 тани ташкил этади. Бу ҳажм Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача кўрсаткичдан 2,7 баробар пастdir.

Бундан ташқари, аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатувчи даволаш муассасалари сонининг ҳам сўнгти йилларда камайиши кузатилмоқда.

1.4.11-расм

Қоракалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига нисбатан шифокор ва ўрта тиббий ходимлар сони




Манба: Қоракалпоғистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги матьумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.


1.4.12-расм

Қоракалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар


Касалхона муассасалари сони
(100 минг аҳолига нисбатан)



Касалхоналардаги ўринлар сони
(100 минг аҳолига нисбатан)



Аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатувчи даволаш муассасалари сони (100 минг аҳолига нисбатан)




Манба: Қоракалпогистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Қоракалпогистон Республикасида аҳоли саломатлиги, шу жумладан, оналар ва болалар ўлими, нафас йўллари ва юрак қонтомир касалликларининг юкори даражада сакланиб келишига асосий сабаблардан бири экологик муаммолар бўлиб, экологиянинг ёмонлашуви натижасида аҳоли ўртасида касалланиш дараҷаси ортмоқда.

Худудлар кесимида касалликларга чалиниш ҳолатлари таҳлилига кўра, ҳудуд Орол денгизига қанчалик яқин бўлса, касалланиш ва ўлим ҳолатлари шунчалик кўп учраши (ёки аксинча) маълум бўлди (1.4.13-расм). Энг паст касалланиш даражаси жанубий ҳудудлар – Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида қайд этилган бўлса, энг юкорилари – экологик инқироздан энг кўп зарар кўраётган шимолий ва шимолий-ғарбий туманларда кузатилади.

Умуман олганда, минтакада тиббий-санитария ёрдамининг бирламчи бўғини тўлиқ шаклланмаган ва уни такомиллаштириш тақозо этилади. Бунда ўрта тиббиёт ходимларининг амалий кўникума ва малакаларини ошириш, замонавий тиббиёт ускуналарида ишлаш кўникумларини янада яхшилаш хозирги кунда ҚВПларда мавжуд моддий-техника базасидан тўла ҳажмда фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга марказдан нисбатан узок жойлашган ҳудудларда ҚВПларни мукобил энергия манбалари оркали кувватлантириш мақсадга мувофиқдир.

Хар минг кишига нисбатан касалланганлар сони, 2011 й.




Манба: Қоралғофистон Республикасы соглықни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

Минтақада ахоли саломатлигини янада оширишда уни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мухим ахамият касб этади. Шуннингдек, ахолининг тиббий маданиятини ошириш максадида турли хил касаллклар профилактикаси бүйічка тарғибот ишларини күчайтириш ҳам мақсадда мувофиқидir. Ҳозир бундай тадбирлар ахоли репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бүйічка олиб борилмоқда, холос.

Ахоли турмуш шароитларини таҳлил қилиш натижасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш даражаси бүйічка ному-таносиблик мавжудлиги аникланди. Нұкис, Тахиатош, Қанлиқұл, Элликқалъя, Құнғирот ва Тахтакүпир туманлари инфратузилмаси ривожланган, Шуманай, Амударә, Беруний ва Мұйынок туманлари кам ривожланган ҳудудлар ҳисобланади (1.4.1-харита¹²⁾).

¹² Ахоли турмуш шароитлари индекси күйидаги асосий кисмлардан иборат: ахолининг уй-жой, марказлаштирилган сув ва табиий газ билан таъминланған.

Қорабалпоғистон Республикаси худудларида турмуш шароити индекси



Мәнба: Қорабалпоғистон Республикаси Иктисадиет вазирлігі маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Қорабалпоғистон Республикаси аҳолини сув билан таъминлаш даражаси бўйича Ўзбекистоннинг яхши ривожланмаган худудлари сирасига киради ва бу борада 13-уринни эгаллайди. Қорабалпоғистон Республикаси аҳолиси 2012 йилда атиги 67,5 фоиз марказлаштирилган сув билан таъминланган ва бу мамлакат бўйича ўртacha кўрсаткичдан анча пастдир. Айни пайтда минтақада юзага келган сув таъминоти схемаси 1.4.1-харитадаги кўринишга эга.

Қорабалпоғистоннинг Амударё ўнг кирғозида жойлашган туманлари (Түрткүл, Беруний, Элликқалъя, Нукус, Кегейли, Чимбей, Корайзак ва Тахтакўпир) сув билан минтақавий Туямўйин-Нукус-Чимбей-Тахтакўпир тизими ва маҳаллий ерусти ҳамда еости манбалардан таъминланмоқда.


Чап кирғозда жойлашган туманлар (Хўжайли, Қанликўл, Шуманай ва Қўнғирот) Тахиатош-Қўнғирот сув тармоғи, маҳаллий “Еркин”, “Шуманай”, “Харитабай” ва бошқа каналлардан сув билан таъминланади.

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманига минтақавий Туямўйин-Урганч-Манғит тизими ва маҳаллий ерусти хамда еости сув чикириш иншоотларидан сув етказиб берилади.

Ичимлик суви сифати санитария нормалариға жавоб бермайди, кучли даражада минераллашган ва етарлича тозаланмаган, яъни анча лойқаланган. Экспертларнинг фикрича, сув таъминоти тизимларининг эскиргани, сувни тозалаш учун кимёвий моддалар етиш-маслиги, ичимлик суви манбалари сифатининг пастлиги, таъмирлаш ишлари етарлича маблағ билан таъминланмаётгани ва сув таъминоти тизими самарали ишлатилмаётгани сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Амударё, Беруний, Муйнок туманлари марказлаштирилган сув билан паст даражада, Нукус, Тахиатош, Қанликўл ва Тахтакўпир туманлари эса юқори даражада таъминланган (1.4.14-расм).

1.4.14-расм

**Қорақалпоғистон Республикаси
туманларининг марказлашган ҳолда сув билан
таъминланганлик даражаси, %**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Аҳолини юқори сифатли ичимлик суви билан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси экологик хавфсизлигининг устувор муаммоларидан биридир.

Қорақалпоғистон Республикасининг тўққиз туманида аҳолини

ичимлик суви билан таъминлаш даражаси камайиб бораётгани кузатилмоқда. Бундай ҳолат магистрал сув қувурлари ва тозалаш иншоотларининг хаддан зиёд эскиргани билан боғликлидир. Шахар ва туман марказларидағи мавжуд сув қувурлари тармогининг 29,2 фоизи яроқсиз ҳолга келган, сув таъминоти тизимларининг бузилиш ҳолатлари күпайган, хусусан, күп қаватли уйларда сув босими пасайиб бормоқда.

Сувдан фойдаланиш амалиёти шуни күрсатадики, қишлоқ жойларда сув коммунал ва ичиш эҳтиёжлари учун асосан бевосита дарё ёки каналлардан олинмоқда. Амударёнинг куйи қисмида сувнинг хаддан зиёд минераллашуви эътиборга олинган ҳолда, у истеъмол килиш талабларига жавоб бермайди ва истеъмолчилар бошқа муқобил сув таъминоти манбаига эга эмас.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд барча сув қувурлари тармогининг 3103 километри эскирган, 13,3 фоизи хизмат муддати тугагани ва шўр сизот сувлари яқинида жойлашгани сабабли яроқсиз ҳолга келган. Насос станцияларининг 24,3 фоизи, еrostи чучук сув манбаларидан сув чиқариш иншоотларининг 33 фоизи, еrostи шўр сувларини чучуклаштирадиган станцияларнинг 29 фоизи реконструкцияга муҳтож.

Коракалпоғистон Республикасида газ таъминоти тизимининг ривожлангани аҳолини Ўзбекистоннинг бошқа худудларига нисбатан табиий газ билан юкори даражада таъминлаш имконини бериб, бутун ушбу кўрсаткич бўйича минтақа мамлакатимизда 4-ўринни эгаллаб турибди. Коракалпоғистон аҳолисининг табиий газ билан таъминлаш ўртача мамлакат даражасидан юкори бўлиб, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 93,5 фоизга етди.


Қанлиқўл и Кўнғирот туманларида аҳолини газ билан таъминлаш даражаси юкори. Энг кам газ таъминоти даражаси Беруний ва Мўйнок туманларида кайд этилган (1.4.15-расм).

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси бўйича Коракалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг ўртача ривожланган худудлари сирасига киради ва бу борада 6-ўринни эгаллади. Коракалпоғистон Республикасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш сезиларли даражада ўсгани йўқ ва бу кўрсаткич мамлакат даражасидан юкори бўлиб, 2012 йилда 1 кишига 15,6 квадрат метрни ташкил қилди (Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 1 кишига 15,1 квадрат метр). Коракалпоғистон Республикаси уй-жой фонди асосан якка тартибдаги уй-жойлардан иборат. Кўп қаватли

уй-жой фонди эса асосан Нукус шахри ва туман марказларига тегишилдирир.

1.4.15-расм

Қоракалпогистон Республикаси туманларининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси, %



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Қоракалпогистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб-китоблари.

Уй-жой таъминоти даражаси юқори бўлишига қарамай, унинг сифати ўртacha даражада колмоқда. Кулай ва шинам ғишт ва панел уйлар¹³ ҳозирча кам барпо этилмоқда. Қишлоқ жойларда уй-жой фонди асосан хом ғишт ва пахсадан курилган уйлардан ташкил топган.

Туманлар даражасида ахолини уй-жой билан тенг таъминланмаётгани ва айрим жойларда бу кўрсаткич камайиб бораётгани кузатилмоқда. 2005-2012 йиллардаги ўсиш даражасини ҳисобга олганда, Тўрткўл ва Элликқал'я туманларида уй-жой билан таъминлаш даражаси юқори бўлиб, бу кўрсаткич янада ўсмоқда. Шуманай, Мўйнок ва Қораўзак туманлари ахолисини уй-жой билан таъминлаш даражаси пастлигича қолмоқда (1.4.16-расм).


Қоракалпогистонда, айниқса кўп қаватли уйларни канализация

¹³ Панелдан уй куриш – катта уй-жойлар ва маъмурий биноларни барпо этишда олдиндан тайёрланган йирик темир-бетон панеллар ва заводда ишлаб чиқарилган плиталардан фойдаланишта асосланган йигма уй-жой куриш услугидир.

тармоғи билан таъминлаш даражаси паст. Айрим туманларда кўп каватли уй-жой фондининг канализация тизими тўлиқ ишдан чиккан ва бу ҳолат худуднинг санитария аҳволини ёмонлаштироқда. 2010 йилда Коракалпоғистон Республикасида канализация тармоғи билан таъминланиш даражаси умумий уй-жой фондининг 26,7 фоизини ташкил қилди. Қўнғирот тумани, шунингдек, Нукус ва Тахиатош шаҳарларида канализация тармоғи фаолият кўрсатаётгани қайд этилди. Асосий ускуналарнинг ишдан чикқани, сув ресурслари танқислиги, канализация тизимининг талаб даражасида ишлашини таъминлаш учун худуднинг ўз маблағлари ва бошқа ресурслар етишмаслиги бу ерда канализация тизими ривожланмаётганинг асосий сабаблари ҳисобланади.

1.4.16-расм

Коракалпоғистон Республикаси туманларида ахолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, 1 кишига кв. м. ҳисобида



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Коракалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб-китоблари.

1.5. Минерал хомашё салоҳияти ва ундан фойдаланиш

Коракалпоғистон Республикасида фойдали қазилмалардан газ конденсати, табиий газ, темир рудалари, агроруда, туз, ярим қиммат баҳо тошлар (родонит, лиственит), техник минерал хомашёлар (тальк, вермикулит), дала шпати, цемент ва керамзит хомашёлари, табиий безак

тошлар, курилиш тошлари, гипс, оҳактош, силикат қумлар, ғиштбоп соҳа тупроқ, шагал ва шифобаҳаш сув конлари мавжуд.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, аникланган минерал хомашё ресурслари бўйича Коракалпогистон Республикаси Ўзбекистон ҳудудлари ичидаги 5-уринни эгаллади¹⁴.

Коракалпогистон Республикасининг деярли барча туманларида фойдали қазилма конлари мавжуд бўлиб, улар минтака ҳудудлари бўйича жуда нотекис жойлашган. Асосий минерал хомашё ресурслари Кораўзак (20 та кон), Амударё (8 та), Қўнғирот (7 та), Беруний (7 та) ва Нукус (5 та) туманларида мавжуд. Колган конлар эса Кегейли, Тўрткўл, Чимбой (3 тадан), Қанликўл, Мўйноқ, Тахтакўпир, Хўжайли, Шуманай ва Элликқалъа туманларида (биттадан) жойлашган (1.5.1-жадвал).

1.5.1-жадвал

Коракалпогистон Республикаси ҳудудларини фойдали қазилма конлари салоҳияти бўйича гурухлаштириш

Ҳудудлар	Конларнинг сони
I гурӯҳ	
Кораўзак	20
Амударё	8
Қўнғирот	7
Беруний	7
II гурӯҳ	
Нукус	5
Кегейли	3
Тўрткўл	3
Чимбой	3
III гурӯҳ	
Қанликўл	1
Мўйноқ	1
Тахтакўпир	1
Хўжайли	1
Шуманай	1
Элликқалъа	1

¹⁴ ПМТИ мутахассислари ҳисоби бўйича.

Худудда 62 та қаттік фойдали қазилма конлари аниқланған ва саноатда үзлаштириш учун тавсия этилган бўлиб, хозирги вактда улардан факт 8 таси, яъни 13 фоизи ишлаб чиқаришга жалб этилган, холос. Саноатда фойдаланилмаётган конларнинг 3 таси ярим қимматбаҳо тошлар, 8 таси тоғруда хомашёси ва колган 43 таси курилиш материаллари конларидир. Фойдали қазилма конлари балансига кўра, Қоракалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган барча кончилик корхоналари минерал хомашё захиралари билан узок муддатга таъминланган (1.5.1-илова).

Қоракалпоғистон Республикасида бугунги кунда иктисадиёт соҳаларида ишлатса бўладиган, лекин ишлаб чиқаришга жалб этилмаган конларга Беруний туманидаги дала шпати кони (керамика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё), Қораўзак туманидаги вермикулит кони (иссиқликка чидамли бўёклар, материаллар ишлаб чиқаришда, нефть ва газни тозалашда катализатор сифатида ва х.к.) ҳамда цемент хом-ашёси конлари, Чимбой ва Кўнғирот туманларидаги туз конлари, Қораўзак ва Беруний туманларидаги родонит ва лиственит конлари (заргарлик соҳасида ярим қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади) киради.

Минтақанинг Нукус, Кегейли ва Қораўзак туманларида кишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлигини ошириш учун ишлатиладиган агроруда (глауконит кумтошлари ва бентонит гиллари) конлари мавжуд. Беруний ва Қораўзак туманларидаги 4 та табиий безак тошлар (кулранг гранодиорит, кора рангли габбро ва пушти, сарик, кизил рангли мармар) конлари мавжуд бўлиб, уларни биноларнинг ички ва ташқи интеръерларини безашда ишлатиш мумкин. Бу безак тошларни қайта ишлаб, экспорт килиш имконияти ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Қоракалпоғистонда 40 га яқин курилиш материаллари конлари, айникса, курилиш тошлари, гипс ва ангидрит, оҳактош, керамзит хомашёси, чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун дала шпати, силикат ғишт учун қум конларини саноат асосида қайта ишлаш мумкин.

Тахлилдан хулоса килиб айтиш мумкинки, бугунги кунда минтақада мавжуд минерал-хомашё ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланилмаяпти. Янги турдаги курилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва ноёб вермикулит ва тальк конларидан фойдаланиш бўйича лойиҳалар мавжуд эмас. Бундан ташқари, Қоракалпоғистонда кишлок хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун муҳим бўлган агроруда конлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш зътибордан четда қолмоқда.

Ҳозирги вактда Оролбўйига цемент асосан Навоийдан олиб келинмоқда. Аммо Коракалпогистонда ўз цемент заводини куриш учун етарли имкониятлар мавжуд. Қораўзак туманидаги цемент хомашёси конлари негизида цемент заводини куришни тезлаштириш мақсадга мувофик бўлади. Шунингдек, минтақа истеъмоли ва экспорт учун Қораўзак, Амударё, Кўнғирот ва Нукус туманларида оҳак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мумкин.

Курилиш материаллари ичида талаб ортиб бораётган керамзит шағалини ишлаб чиқариш учун Амударё, Қораўзак ва Чимбой туманларида керамзит хомашёси конларини ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташкари, аҳоли тураржой бинолари ва саноат иншоатларини куриш учун зарур бўлган 30 га яқин курилиш тошлари, гипс, силикат кум, кум-шағал ва гишт-черепица конлари ҳамон ўзлаштирилмай колаётир.


1.6. Тадбиркорлик ва маҳаллий ташаббускорликнинг ҳолати

Коракалпогистон Республикаси кичик бизнесни ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистоннинг ўртача ривожланган ҳудудлари қаторига киради ва бу борада еттинчи ўринни банд этган. 2012 йилда Коракалпогистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши кўпайиб, 66,4 фоизни ташкил қилди ва ўртача мамлакат кўрсаткичидан юкоридир (54,6%). Қорақалпогистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши кишлоқ хўжалигига 95,5 фоизни (Ўзбекистон Республикасида 98%), саноатда 29 фоиз (Ўзбекистон Республикасида 22,2%), ахолига пулли хизматлар кўрсатишда 31,6 фоизни (Ўзбекистон Республикасида 44,7%) ташкил этмоқда (1.6.1-расм).

Нукус, Тахтакўпир, Қанликўл и Элликқалья туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик яхши ривожланган¹⁵, Тахиатош шаҳри, Мўйнок, Кўнғирот, Тўрткўл ва Хўжайли туманларида эса бу борада оқсокликка йўл кўйилмоқда, дейиш мумкин (1.6.1-харита).

¹⁵ Туманлар кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича маълумотлар йўклиги боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси асосий иктисолиёт секторларида (саноат, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва пулли хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқарилган кичик бизнес маҳсулотлари ҳажмини жамлаш ҳамда ахолининг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқилган.

**2012 йилда асосий иқтисодиёт тармоқларида
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоизда**



1.6.1-харита

2012 йилда Қарақалпакстан Республикаси туманларида ахоли жон бошига кичик бизнеснинг ривожланиш даражаси, минг сўм




Манба: Қарақалпакстан Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Бу борада шуни қайд этиш жоизки, йирик саноат ишлаб чиқариши мавжуд бўлмаган ёки ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда кичик бизнес кўпроқ ривожланган.

Қорақалпоғистоннинг аксарият туманлари асосан қишлоқ хўжалигига йўналтирилгани ва пулли хизмат кўрсатиш ҳамда саноат тармоғида кичик бизнес ривожланишига ёрдам берадиган бозор инфратузилмаси йўқлиги боис кичик бизнес кўпроқ қишлоқ хўжалигига ривожланган (1.6.2-расм).

1.6.2-расм

Қорақалпоғистон Республикасининг асосий иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг фаоллиги



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши хажмларида кичик тадбиркорлик салмоғи, фоизда

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши хажмларида кичик тадбиркорлик салмоғи, фоизда

Пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмларида кичик тадбиркорлик салмоғи, фоизда

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ хисоб-китоблари.

Кичик бизнеснинг туманлар бўйича саноат ишлаб чиқаришидаги ривожланиши ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд бўлиб, бу саноатни ривожлантириш борасида ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқидир. Масалан, Чимбай ва Қораўзак туманларида озиқ-

овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида хусусий тадбиркорлик сезиларли равишда ривожланган. Аммо, Мўйнок тумани саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнес-нинг ривожланиш даражаси анча паст. Бу эса тумандаги экологик омиллар, миграция даражасининг юкорилиги, марказдан олислик ва алока йўллари йўклиги (автомобиль йўлидан ташкари) билан боғлиқдир.

Аҳоли ва корхоналар истеъмол талабининг пастлиги, қишлоқ жойларда пулли хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ривожланмагани (молиявий, транспорт-коммуникация, савдо, рекреацион ва бошқалар) ишсизлик даражаси юкори бўлишига қарамай, аҳолининг тадбиркорлик соҳасида ташаббускор эмаслиги пулли хизматлар кўрсатиш борасида кичик бизнес фаоллигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу тармок маҳсулотларини экспортга йўналтириш имконини берадиган яна бир йўналиш – анъанавий халқ хунармандчилиги Қоракалпоғистон Республикасида етарли даражада ривожланмаган. Бу борадаги янги шакллар – касаначилик ва оиласи тадбиркорликни ташкил этиш мумкин. Биринчи навбатда, бу кулолчилик, тўқувчилик, гиламдўзлик, каштадўзлик, мисгарлик, заргарлик, зардўзлик, ўймакорлик, нақошлик ва ганҷкорлик соҳаларига тегишилдир. Ўтмишда ҳудудларнинг тарқоклиги Қоракалпоғистон Республикасида ўзига хос маҳаллий усусларни яратишга сабаб бўлган. Мисол учун, асосан уйда тўкиладиган Қоракалпоғистон гиламдўзлиги ўзига хос нақшлари билан ажralиб туради. Бу борадаги имконият ва салоҳият ҳакида хабардорлик даражасининг пастлиги туфайли бу маҳсулотларга ташқи ва ички талабининг йўклиги, устарнинг камлиги, сайёхлик тармоғининг ривожланмагани кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсик бўлаётган асосий сабаблардир.

Шунингдек, соҳани зарур мутахассислар билан таъминлаш даражасининг пастлиги ҳам уни ривожлантиришда жиддий тўсик бўлмоқда. Умуман олганда, кичик бизнес субъектлари зарур меҳнат ресурслари билан таъминланган. Қоракалпоғистон Республикаси иктисолидётида иш билан бандлар умумий сонида кичик тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгандар улуши 2012 йилда 72,4 фоизгacha ўди ва кичик бизнесда бандлар умумий сони 434,3 минг кишига

етди. Туманларда кичик тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар улуши кўпаймоқда ва 75-80 фоизни ташкил қилмоқда.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш комплекслари ни ташкил этиш, ушбу маҳсулотларни сақлаш ва ташиш, унчалик катта бўлмаган цехларда маҳаллий хомашёдан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасида бандликни оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, минерал ресурсларни қайта ишлаш, енгил ва озиковкат саноати корхоналари, бир-бирига яқин кичик корхоналар комплексини ташкил этиш ва уларни ягона ишлаб чиқариш тизимиға бирлаштириш ҳам бу борада катта имкониятлар яратади.

Айни вактда кичик тадбиркорлик соҳасида малакали кадрлар этишмаслиги сезилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча туманларида тегишли малакага эга кадрларнинг йўклиги бу борадаги асосий муаммодир. Айниқса, кишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши учун олий техник мъълумотга эга мутахассисларга (муҳандислар, техник мутахассислар, малакали ишчилар) талаб катта. Бу ҳолат Қорақалпоғистонда замонавий корхоналар талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш имконини бермайдиган кадрлар тайёрлаш тизими кўлланилаётгани билан боғлиқ бўлиб, таълим дастурлари сифатини жиддий қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни такозо этади.

Бугунги кунда банкларнинг кредит ресурслари, камдан-кам холларда эса тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилмоқда. Маблагларнинг этишмаслиги ва кредит ажратиш механизмининг яхши ривожланмагани, унинг самарадорлиги пастлиги (гаров шартлари ва фоиз ставкасининг юқорилиги ва ҳ.к.) тадбиркорликни ривожлантиришга тўсик бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан ҳалқаро, мамлакат (айниқса, Тошкентда ўтадиган) ва ҳудудий кўргазма ва ярмаркаларда қатнапиши кўп маблаг сарфлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам улар ўз товарларини Қорақалпоғистон Республикаси ташкарисида таклиф этишга интилямаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси сифатли тижорат кўчмас мулки, авваламбор, савдо, офис ва омборхоналар билан етарли даражада

таъминланмаган. Шунингдек, кўргазма бинолари йўқ, ер участкаларини зарур инфратузилма обьектлари билан таъминлаш, янги энергетика қувватларидан фойдаланишда қийинчиликлар мавжуд.

Маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллигининг пастлиги ҳам Коракалпогистон Республикасида кичик тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблардан биридир. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар бўйича шахар ва кишлoқлар ўртасида катта фарқ йўклиги билан боғлиқ. Нукус ва Тахиатош шаҳарлари эса бундан мустасно. Яна бир муҳим жиҳат аҳолининг минтақадаги мавжуд имкониятлар, хусусан, саноатни маҳаллий хомашё асосида ривожлантириш салоҳияти, йирик саноат корхоналарига берилаётган имкониятлар, хусусий тармоқ ва давлат ўртасида ўрнатилган манфаатли ҳамкорлик муносабатлари, аҳоли ҳамда ривожланаётган корхоналар томонидан айrim турдаги товарларга нисбатан талаб ҳакида хабардорлигининг пастлиги билан боғлиқдир.

1.7. КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИ

1.7.1 Саноат


Корақалпогистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш даражаси бўйича Ўзбекистонда кам ривожланган худудлар сирасига киради ва охирги 14-уринда туради. Бу ерда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси мамлакатимиздаги тегишли ўртacha параметр бўйича сўнгти ўн йил давомида 40 фоиз-дан ошмаяпти. Боз устига, кейинги тўрут йилда мазкур кўрсаткич атиги ўртacha 21,6 фоизни ташкил килди. Мехнат унумдорлиги даражаси ҳам паст. Мамлакат бўйича ўртacha параметрларга, шунингдек, Навоий (14,5 баравар) ва Тошкент (6,1 баравар) вилоятларига нис-батан бундай катта тафовутнинг мавжудлиги худуднинг табиий-хомашё салоҳиятидан тент фойдаланилмаётгани билан боғлиқдир. (1.7.1.1-расм).

Корақалпогистон Республикаси саноати ёқилғи-энергетика комплекси (Ёқилғи энергетика комплекси), енгил саноат, хусусан, пахта тозалаш, озик-овқат, ун-ёрма ва кимё тармоқлари маҳсулотлари, шунингдек, курилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашти-

рилган. 2000-2012 йилларда анъанавий соҳалар билан бир қаторда ёқилғи, кимё, озик-овқат саноати ҳам ривожланди (1.7.1.2-расм).

1.7.1.1-расм

Қоракалпогистон Республикасида ахоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсатчиларининг мамлакатими-здаги ўртача кўрсаткичлар билан ўзаро нисбати, ЎзРГа нисбатан фоиз хисобида




Ўзбекистон ҳудудларида саноат ишлаб чиқариш даражаси (мамлакат параметрига нисбатан)




1.7.1.2-расм

Қоракалпогистон Республикаси саноатининг тармоқлари таркибидағи ўзгаришлар

2000-2012 йиллардаги ўзгаришлар



2012 йил якунлари бўйича ҳолат




Бирок, минтақа ишлаб чиқаришида хомашё саноати, жумладан пахтани бирламчи қайта ишлаш устувор аҳамиятга эгалигича қолмоқда. Қоракалпогистон Республикаси саноатни диверсификация килиш даражаси бўйича Ўзбекистон худудлари орасида учинчى ўринни эгаллайди (Тошкент шаҳри ва вилоятидан кейин) (1.7.1.3(а)-расм). Аммо, бу аниқ максадларга йўналтирилган саноат сиёсати натижаси эмас, балки йирик саноат тармоқлари йўклиги сабабли саноатда ишлаб чиқарышнинг ўз-ўзидан юзага келган ҳолати бўлиб, сўнгги 10-12 йилдан буён деярли ўзгаргани йўқ (1.7.1.3 (б)-расм).


1.7.1.3-расм

Саноатни диверсификация қилиш даражаси

а) 2012 йилда Ўзбекистон минтақалари бўйича тармоқларни диверсификация қилиш даражасининг қиёсий баҳоси



б) Қоракалпогистон Республикасида тармоқларни диверсификация қилиш даражасининг ўсиши



Қоракалпогистон Республикаси саноатини ривожлантириш асосан кимёё, озиқ-овкат, ун-ёрма саноати ва қурилиш материаллари соҳаларида ишлаб чиқарышнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир (2000 йилдаги 9,5 фоизга нисбатан 2012 йилда 10,4 фоиз) (1.7.1.4-расм).


Қоракалпогистон Республикаси шиша ва ювиш воситаларини ишлаб чиқаришида, рангли металлургия, енгил саноат, целлюлоза-кофоз саноатида, сувни тозалаш тизимида кимёвий кўшимча сифатида фойдаланиладиган юқори сифатли кальцийланган сода (100%)¹⁶, деворбоп материаллар (21,3%), йиғма темир-бетон конструкциялар (35,4%) ишлаб чиқариш бўйича салмоқли натижаларга эришмоқда. Электр энергияси ишлаб чиқариш (5,8%) борасида минтақа эҳтиёжини таъминлаш

¹⁶ Хисоб-китоб маҳсулотни натура кўринишида ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган

билин бир каторда уни Ўзбекистоннинг ягона тармоғига етказиб бериллаёттир. Бундан ташқари, минтақанинг гуруч етиштиришда етакчилик килаётгани ёрма ишлаб чиқаришда муҳим ўринга эга.

1.7.1.4-расм

2000-2012 йилларда саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фоизда



Шунга қарамай, Қоракалпоғистон Республикаси саноати мамлакатимиз иқтисодиётидаги кам ривожланган тармоқ бўлиб қолмоқда. Ислоҳотларнинг дастлабки даврида бошланғич шароитларнинг пастлиги ва минтақада ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланмагани (2012 йилда мамлакат даражасидан паст) ялпи худудий маҳсулотда саноат улуши кўрсаткичлари (12 фоиздан кам) минтақанинг мамлакат ишлаб чиқаришидаги улушига (шу давр мобайнида ўртача 1,6 фоиз ва 2012 йилда 1,2 фоиз) салбий таъсир кўрсатди (1.7.1.5-расм).


Масалан, иқтисодиёт ҳамон қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бўлиб, саноат салоҳияти ҳали ҳам қазиб олиш соҳаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти – пахтани бирламчи кайта ишлашга боғлик бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, эскирган асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёни суст амалга оширилаётгани асосий турдаги маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бер-

маяпти ҳамда ушбу маҳсулотлар сифати ва уларга бўлган талабга салбий таъсир қилмоқда (1.7.1.1-жадвал). Айниқса, бу муаммо электр энергетика, озиқ-овкат саноати ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда долзарб бўлиб колаётир (1.7.1.5-расм).

1.7.1.5-расм

Коракалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон саноати умумий ҳажмидаги улуши



Шундай килиб, аксарият туманларда саноатнинг бир ёклама тармок тузилмасига эга бўлиши натижасида ҳудудлар мувозанатли ривожланмаяпти. Маҳаллий салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланилмаётгани қишлоқ туманларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизни ҳудудий саноатлаштириш борасидаги номутаносиблик ҳам шундан далолат беради. (Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқариш умумий ҳажмида туманларнинг улуши). Коракалпоғистон Республикасининг барча туманларидаги ишлаб чиқариш ҳажми Ўзбекистон ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 0,5 фоизидан ошмайди.

**2012 йилда мавжуд ишлаб чиқариш
куватларидан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Махсулот номи	Ишлаб чиқариш куввати	Иш билан таъ- минланиш ко- эффициенти, %
Ишлаб чиқарилган электр энергияси, млн. кВ. с	7300	42,1
Газ қазиб олиш (жумладан табиий), млн. м ³	2254,08	100,0
Конденсант қазиб олиш, минг тн.	50,5	100,0
Техник туз, тн	123500	99,9
Оҳактош, минг тн	127,9	81,2
Кальциялаштирилган сода, минг. тн	100,0	92,0
Қора металл парчалари ва чикиндилари, минг. тн	50	66,0
Деворбоп материаллар, млн. дона шартли	16,0	21,3
Шагал, минг.куб.м.	40,0	74,8
Пахта толаси, тн	125413	51,7
Нотўқима материаллар, минг.кв.м.	1340	27,3
Трикотаж полотно, тн	3000	3,9
Трикотаж буюмлар, минг дона	2500	31,6
Тозаланманган ўсимлик ёғи, тн	31947	40,8
Тозаланган ўсимлик ёғи, тн	28070	41,3
Арок ва спиртли ичимликлар, минг дона	865	83,1
Нон ва нон маҳсулотлари, тн	9841	15,8
Макарон маҳсулотлари, тн	5980	41,1
Ун, тн	164000	33,2
Ёрма, тн	131100	6,8
Омухта ем, тн	89800	38,3

Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқариши ҳудудлар бўйича мувозанатлашмаган. Буни саноат корхоналарининг ҳудудий маҳсулотларнинг 67,8 фоизи ишлаб чиқарилаётган Нукус шаҳрида (32,7%), Хўжайли (10,6%), Мўйнок (8,8%), Беруний (7,9%) ва Амударё (7,8%) туманларида жойлашгани билан изохлаш мумкин (1.7.1.6-расм, 1.7.1.1-харита). Уларнинг ҳудудида бой табиий-ресурс хомашёлари мавжудлиги, мамлакат аҳамиятига эга қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш обьектларининг бу


ерларда жойлашгани ишлаб чиқариш юкори даражада ривожланишини таъминлади¹⁷.

1.7.1.6-расм

Туманлар саноат ишлаб чиқаришининг мувозанатлашганилик даражаси

Шаҳар ва туманларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг сўм

Қорақалпогистон Республикаси саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида шаҳарлар ва туманлар улуши, %



Минтақада ишлаб чиқариш ҳажмининг атиги 5,6 фоизини ташкил қиладиган Нұксаң, Чимбай, Қарағаш, Қанлиқўл, Тахтакўпир ва Шуманай туманларида саноат даражаси пастлиги қайд этилмоқда. Бу ҳудудларнинг табиий-хомашё салоҳияти паст бўлиб (Қарағаш туманидан ташкари), кулаг инфратузилма обьектлари билан таъминланмаган ва уларда йирик бизнес амалга оширилмаётир (Чимбай туманидан ташкари).


Минтақада йирик саноат корхоналарининг бир хилда жойлашмагани ҳам ҳудудларда ишлаб чиқариш даражаси пастлигининг асосий сабаби хисобланади. Мисол учун, Нұксаң, Чимбай, Қарағаш, Қанлиқўл, Тахтакўпир ва Шуманай туманлари ҳудудида йирик бизнес корхоналари умуман мавжуд эмас. Бу эса мазкур туманлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, мазкур туманларнинг Қорақалпогистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 2 фоиздан ошмайди, баъзи туманларда

¹⁷ Саноат ишлаб чиқариш даражаси бир ҳудудда саноат маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришининг вилоят параметрига нисбати сифатида хисоблаб чиқилган.

эса бу кўрсаткич 1 фоизга ҳам етмайди (Қанлиқўл – 0,6%, Тахта-кўпир – 0,3%, Шуманай – 0,3%) (1.7.1.1-харита). Бундай тенденция ушбу туманларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг умумий даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1.7.1.1-харита

Худудларда саноат ишлаб чиқариши даражаси ва уларнинг Қоракалпоғистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқариш умумий хажмига қўшаётган хиссаси



Ахоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, минг сўм ишлаб чиқаришининг нисбатан юкори давражаси – 386,0 лоти ишлаб чиқариши, минг сўм ишлаб чиқаришининг нисбатан юкори давражаси – 386,0 минг сўмдан зиёд 386,0 минг сўмдан паст ишлаб чиқаришининг нисбатан паст давражаси – 184,0 минг сўмдан паст Қоракалпоғистон Республикаси саноат ишлаб чиқариши умумий хажмида худудларнинг улуши ишлаб чиқаришининг юкори улуши – 7,5 фоиз ва ундан юкори ишлаб чиқаришининг ўртача кўрсаткичлари – 1,5 фоиздан 7,5 фоизгача ишлаб чиқаришининг паст улуши – 1,5 фоиздан кам

Худудларнинг олислиги ҳам йирик корхоналар фаолиятини мураккаблаштирумокда ва инфратузилмадан фойдаланиш масаласидаги муаммолар, материал ва ресурслар ҳажмининг камайиши ихчам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш имконини бермаётир. Қишлоқ туманлари асосан пахта тозалаш, курилиш материаллари ва зарур озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Туманларнинг табиий-ресурс салоҳиятидан окилона фойдалана билмаслик ахоли эҳтиёжини таъминлашда қийинчилик түғдирмоқда.

Электр энергетика соҳасини ҳам анъанавий тармоклар сирасига киритиш мумкин. Қоракалпоғистон Республикаси саноатининг $\frac{1}{4}$ кисмидан ортиғи ушбу соҳа улушкига тўғри келмоқда. Электр энергиясининг 68 фоиздан ортиғи иссиқлик электр станцияларида (ИЭС) ишлаб чиқарилмоқда. Тахиатош шахри худудида (ҳозирги Хўжайли тумани) жойлашган ИЭС куввати 3,1 млн.кВ/соат энер-

гия ишлаб чиқариш имконини беради. Бу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган умумий электр энергияси ҳажмининг 5,8 фоизини ташкил қилади. Айни пайтда ишлаб чиқариш кувватларининг 42 фоизидан фойдаланилмоқда ва бу, бир томондан, айрим блокларни модернизация қилиш жараёни, иккинчи томондан хомашё (Бухоро вилоятидан келтириладиган мазут) етишмаслиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда минтақада ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 30 фоизидан ички истеъмол учун фойдаланилмоқда, 30 фоизи Хоразм вилоятига ва 40 фоизи Ўзбекистоннинг ягона электр тармоғига етказиб берилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган кичик станциялар технологик қайта жиҳозланиб, янгилари курилгандан сўнг энергия ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга ошириш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, ноанъанавий энергия турларини (шамол ва күёш ёрдамида электр энергияси хосил қилиш) ўзлаштириш борасида Кўнғирот туманидаги Устюрт платоси катта салоҳиятга этадир.

Енгил саноат муҳим тармоқлардан бўлиб, минтақада ишлаб чиқаришнинг 23 фоизини ташкил киласди. Асосий енгил саноат корхоналари Амударё, Хўжайли, Кегейли, Беруний ва Тўрткўл туманларида жойлашган.

Тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 90 фоиздан ортиғи йирик корхоналар улушкига тўғри келади: бу ерда фаолият кўрсатаётган 7 та йирик корхонанинг олтитаси пахта тозалашга ихтисосланашган. Қорақалпоғистон Республикаси саноат ишлаб чиқаришининг 28 фоиздан ортиғини ташкил қиласидиган ушбу пахта тозалаш корхоналарида минтақада етиштирилаётган пахта ҳосилининг 80 фоизи қайта ишланмоқда. Бунинг натижасида таҳлил этилаётган даврда пахта толасини ишлаб чиқариш 1,2 баробар ошиди ва 2012 йилда 64,8 минг тоннани ташкил этди. Ушбу турдаги маҳсулот ҳудудда экспорт қилинадиган асосий товар ҳисобланади. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси пахта тозалаш корхоналари улушкига тўғри келади (91,8%).

Унинг атиги 3,6% тикувчилик, 3,2% пахтани қайта ишлаш саноати соҳаларига тааллуклидир. Минтақада ипакчилик, трикотаж, пойабзал, жун ишлаб чиқариш ҳам етарли даражада ривожланмаган (1.7.1.7-расм). Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистонда зиғир саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам етакчи ўринга эга (унинг улуси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 55 фоизидан ортиғини ташкил қиласди).

Пахта толаси ишлаб чикарадиган корхоналарни иш билан таъминлаш даражаси ўртача 51,7 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташкари, айланма маблағлар етишмаслиги, сифатли хомашё ва ускуналарни арzon нархларда сотиб олиш борасидаги кийинчиликлар, шунингдек, инфратузилма билан таъминланишдаги муаммолар мавжудлиги туфайли нотўқима материаллар (27,2%), трикотаж полотно (3,9%), трикотаж буюмлар (31,6%) ишлаб чикарадиган корхоналар имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Аксарият туманларда тайёр буюмлар ишлаб чикариш корхоналари йўқ (Қанлиқўл, Кораўзак, Кўнғирот, Мўйнок, Чимбой Тахтакўпир ва Шуманай).

1.7.1.7-расм

Енгил саноат тармоқларининг ишлаб чикариш таркиби



Енгил саноат маҳсулотларига нисбатан талабнинг мавжудлиги ва ортиб бораётганига карамай, минтақанинг ушбу маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси пастдир. Ички ишлаб чикариш хисобидан минтақанинг ип газлама, калава, гилам маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлик таъминланмоқда. Ахолининг пахмок кўйлак (48,6%), чойшаб (27,5%), ётокхона анжомлари (21,5%), шим (20,2%), эркаклар костюми (19,6%), мўйна телпак (13,4%), чарм куртка (6,0%), эркаклар кўйлаги (3,5%), пойабзал (2,4%), шойи кўйлак (1,6%) каби маҳсулотларга бўлган талаби кисман кондирилмоқда (1.7.1.1-илова). Минтақа бу ва бошқа зарур товарларнинг колган қисми билан мамлакатимизнинг бошқа худудларидан олиб келинаётган ва импорт товарлар ҳисобидан копланмоқда.

Енгил саноат тармоқларида тайёр маҳсулот ишлаб чикариш

асосан хўжалик юритишнинг кичик шакллари томонидан амалга оширилмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми натура шаклида ифодаланганда, унчалик катта микдорни ташкил этмайди.

Минтақадаги мавжуд ишчи кучидан¹⁸ қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш, янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, уни юқори сифатли ва таннархи паст тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга жалб килиш мумкин. Масалан, Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа туманлари пахта толасини қайта ишлаш, Қораўзак, Кўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа туманлари жунни қайта ишлаш, Беруний, Қораўзак, Кўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари коракўл терисини қайта ишлаш бўйича зарур салоҳиятга эга.

Фойдали қазилмаларга бой конларнинг мавжудлиги қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш имконини бермоқда (ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 3,3 баравар, Қоракалпоғистон Республикаси саноати бўйича бу кўрсаткич 2,3 баравар). Натижада минтақанинг қурилиш материаллари билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси ортиб бормоқда. Минтақа саноат ишлаб чиқаришининг 6,8 фоизи шу соҳа улушига тўғри келмоқда ва бу маҳсулотларни асосан кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқармоқда.

Минерал-хомашё ресурслари захирасининг асосий кисми (ғишт хомашёси, бетон ва силикат буюмлар учун кум, оҳак тайёрлаш учун оҳактош, кум-шагал материаллар, кесиладиган тош) Кегейли, Кўнғирот, Нукус ва Тўрткўл туманида жойлашган. Бундан ташкари, Қораўзак туманида вермикулит, цемент хомашёси, Беруний туманида мармар захираси мавжуд.

Қурилиш материаллари саноатининг салмокли улуши Нукус шаҳри, Амударё туманида («Амударё қурилиш материаллари») ишлаб чиқарилаётган норуда қурилиш материаллари (36,2 %), йигма темир-бетон конструкциялар (29,3%), асфальт-бетон маҳсулотлари (23,4%) улушига тўғри келади (1.7.1.8-расм). Бундан ташкари, ғишт ва сопол черепица (9,8%), оҳак ва гипс материаллар (3,0%) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллий фойдали қазилма хомашёсидан фойдаланган ҳолда (1.5.1-илова), минтақавий Маҳаллийлаштириш дастури доирасида сўнгги йилларда 100 фоиз маҳаллийлаштирилган талькомагнезит (Беруний тумани), вермикулит концентрати (Қораўзак тумани), гле-


¹⁸ Ишсизлик даражаси билан ифодаланган.

перизин ва ДСП (Чимбай тумани) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бироқ, фойдали табиий қазилмалар захиралари мавжуд бўлишига карамай, улардан самарали фойдаланимаяпти ва ишлаб чиқариш жараёнига етарли даражада жалб килинмаяпти. Бу, ўз навбатида, минтақада саноат салоҳиятининг умумий даражасига салбий тъсир кўрсатмоқда.

1.7.1.8-расм

Курилиш материаллари саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариши таркиби



Маҳаллий ахолида, шунингдек, мамлакатимизнинг бошка худудларида талаб мавжуд бўлган цемент (Қораўзак тумани), шлакоблок, оҳак, гипс ва бошқа маҳаллий биректирувчи материаллар ҳамда улардан буюмлар тайёрлаш, юшмоқ том ёпиш ва гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш имконияти бор.

Озиқ-овқат саноати минтақа ишлаб чиқаришида ўз аҳамияти бўйича учинчи тармок хисобланади. Ушбу соҳада асосий турдаги озиқ-овқат товарлари барқарор ишлаб чиқарилмоқда. Ахолини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар соҳани жадал ривожлантиришга ёрдам бермоқда (2000-2011 йилларда 3,2 баробар ўсиш). Соҳа корхоналари томонидан минтақа саноат маҳсулотлари ҳажмининг 12 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Сўнгти беш йилда гўшт (2 баравар), сут (5,9 баравар), макарон (1,2 баравар), нон ва нон маҳсулотлари (4 баравар), ликёр-арок маҳсулотлари (4,1 баравар), ёғ (8,3 баравар), мева-сабзавот (1,3

баравар) ва балиқ консервалари (1,3 баравар) сезиларли равиша кўпайди¹⁹. Йирик корхоналар фаолият кўрсатаётган Нукус шаҳри, Хўжайли, Беруний, Чимбой туманлари минтақа иқтисодиётига катта хисса кўшмоқда.


Қорақалпоғистон Республикаси балиқ (умуммамлакат ҳажмининг 10,8%) ва ликёр-арок (7,9%) маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтиослашган. Бундан ташқари, минтақа ёғ-мой (3,1%), гўшт (3%) ва туз (2,8%) маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам мамлакат саноатига салмоқли хисса кўшмоқда. Айнан шу турдаги товарлар (ош тузидан ташқари) таҳлил этилаётган соҳада асосий маҳсулотлар хисобланади (1.7.1.9-расм).

1.7.1.9-расм

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариши таркиби

Умумминтақа озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришидаги улущ

Минтақа озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг умуммамлакат ишлаб чиқаришидаги ўрни



Бунда инфратузилмадан етарли даражада фойдаланилмаётгани, айрим туманларда (Тахтакўпир, Қораўзак, Кўнғирот, Мўйинқ ва бошқа) омборхоналарнинг етишмаслиги, хомашё сотиб олиш учун айланма маблағларнинг камлиги, техник уруғларни етказиб бериш чеклангани, озиқ-овқат саноати корхоналари асосий фондининг эскиргани сабабли маҳсулот сифати ва талабнинг пастлиги кандолат, ўсимлик ёғи ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш кувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, ахолини

¹⁹ Натура шаклидаги маҳсулот ҳажми хисоб-китоб қилинган.

истеъмол товарлари билан етарли микдорда таъминлаш борасида муаммо туғдирмокда.

Шу билан бирга, мевалар (0,7%), сабзавотлар (3,8%), терини кайта ишлаш (4,9%) даражаси 6 фоизга етмаяпти ва узум, жун ҳамда балик маҳсулотларини қайта ишлаш деярли йўқ. Нукус ва Тўрткўлда сабзавотлар, Амударё ва Нукус туманларида мевалар маълум даражада кайта ишланаётган бўлса-да, бошка туманларда кайта ишлаш жараёни умуман амалга оширилаётгани йўқ.

Кишлок хўжалик салоҳияти мавжуд бўлишига карамай, қадоқлаш ва сақлаш бўйича замонавий технологиялар етарлича жорий этилмагани ва объектларнинг инфратузилма билан таъминлаш муаммолари етиштирилаётган маҳсулотларни чукур кайта ишлаш имконини бермаяпти.

Минтақада қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва кайта ишлаш даражасининг пастлиги мева-сабзавот ҳосилининг катта кисми исроф бўлиши ва харид килиш эҳтиёжининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, минтақанинг кўплаб озиқ-овқат товарлари билан ўзини ўзи таъминлаши ҳам паст даражада қолмоқда²⁰. Масалан, ахолининг ўсимлик ёғи, пишлок каби озиқ-овқат турларига бўлган талаби шу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан таъминланмоқда. Шу билан бирга, ахолининг бринза, туз, маргарин билан таъминлаш даражаси 25-35%, макарон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш эса – 2,4-3,2%ни ташкил килади, гўшт, балик конверваси, болалар овқати минтақада ишлаб чиқарилмайди. Юқорида келтирилган маҳсулотларга нисбатан эҳтиёж уларни Тошкент шахри ва мамлакатимизнинг бошка худудларидан олиб келиш ҳисобидан кондирилмоқда (1.7.1.2-илова).

Маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ички талаб ва таклифнинг мувозанатлашмагани ҳамда ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг пастлиги минтақа, айниқса туманларда истеъмол бозорининг бекарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга доир тадбирлар етарлича ўtkазилмаётгани, маҳоратли маркетологларнинг йўқлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини шаклланти-

²⁰ Истеъмол бозорини шу ерда ишлаб чиқарилган товарлар билан минимал тиббий нормаларга мувофиқ таъминлаш.

риш ва худудда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга тўсқинлик килмоқда.

Шунга қарамай, йирик корамол, пилла, балик парвариш қилиш, мева-сабзавотлар, қизилмия етишириш билан бир каторда бой қишлоқ хўжалиги хомашёсини чукур қайта ишлаш, ахоли учун сифатли ва нарҳ жиҳатидан арzon тайёр буюмлар ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд. Мисол учун, худудларни қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишга ихтисослаштириш гўшт ва консерва, ярим тайёр ва бошқа маҳсулотлар (Амударё, Беруний, Хўжайли, Чимбой туманлари), сут маҳсулотлари – болалар учун куруқ аралашмалар, куруқ сут, қуюқ сут ва бошқалар (Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли туманлари), мева-сабзавотли консерва ва шарбатлар, томат пастаси, куритилган мевалар²¹, ковункоки, шўрва ва иккинчи овқатлар учун турли зираворлар (Амударё, Беруний, Нукус, Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли туманлари), балик консервапари, дудланган балик ва бошқа (Мўйнок, Тактакўпир, Кўнғирот туманлари) маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини беради.

Минтақада беш йирик тегирмон-корхона фаолият кўрсатмоқда (Нукус, Тахиаташ шаҳарлари, Кўнғирот, Тўрткўл ва Чимбой туманлари). Коракалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 8 фоизи шу корхоналар улусига тўғри келади. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 98 фоиздан ортигини ун ва атиги 1,1 фоизини ёрма маҳсулотлар ташкил килади. Чиқиндилардан омухта ем ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Бошоқли дон экинлари, чунончи, шоли етиширишда бой тажриба истиқболда ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш, куритилган мева-сабзавотлар кўшилган турли ёрма ва болалар бўтқалари ишлаб чиқаришда кўл келади.

Саноатдаги таркибий ўзгаришлар ва анъанавий тармоқлар ривожланишини минтақа учун ёқилғи, кимё каби янги ноанъанавий тармоқ ва ишлаб чиқаришларнинг изчил тараккий этаётгани билан ифодалаш мумкин.

Иктисадиётнинг асосий соҳаларини ривожлантиришда ёқилғи тармоғининг ролини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада минтақанинг мамлакат даражасидаги улуси унчалик катта бўлмаса-да, Коракалпоғистон иктисадиётида мазкур тармоқ

²¹ Куритилган мева-сабзавотлар.

аҳамиятли ўринга эгадир. Мўйнок ва Кўнгирот туманларидаги углеводород хомашёси конларини ўзлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш нефть ва газ қазиб олиш бўйича ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Бу эса аралаш соҳаларда (кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари саноати, тиббиёт саноати ва бошқалар) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва рағбатлантиришга хизмат қиласди.

Ушбу тармокнинг асосий фаолияти газ қазиб олиш ҳисобланади (тармоқдаги умумий ҳажмнинг 80,7%). Бундан ташқари, минтақада нефтни (19,3%) ва газни қайта ишлаш (3,8%) ҳам яхши йўлга қўйилган. Глобал энергия таъминоти муаммосини ҳал этиш ёқилғига бўлган талабни оширади ва соҳани жадал ривожлантиришга кўмаклашади. Шу билан бирга, ёқилғи саноатини янада ривожлантириш геология-кидирув ишларини амалга ошириш ҳисобидан нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш, қайта ишлашни ривожлантириш эвазига кенг турдаги турли маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш (электр энергияси, кимёвий маҳсулотлар, тиббиёт препаратлари ва бошқалар) имконини беради.

Кимё саноатини ривожлантириш, аввало, минтақанинг экологик омили имкон кадар ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий ресурсларни ўзлаштиришга асосланган. Бу тармок жадал ривожланиб бораёттир (40 баравардан зиёд) ва у Коракалпоғистон саноатининг 8 фоизини ташкил қиласди. Масалан, 2006 йилда Кўнгирот сода заводининг ишга туширилиши билан нафакат мамлакатимиз иктисадиёти тармокларининг эҳтиёжини кондириш, балки бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташки бозорларга экспорт қилиш ҳам таъминланди. Бу ерда асосан кальцинацияланган ва каустик сода ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур тармоқда ишлаб чиқариш диверсификация қилинмаган. Масалан, сода саноати тармок умумий ҳажмининг 79,1 фоизини, пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш 2,1, лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш 0,1 фоизини ташкил этади. Хомашё стишмаслиги ва техник янгиланиш жараёни суст амалга оширилаётгани кимё саноатидаги асосий муаммо ҳисобланади (лак-бўёқ материаллари, пластмасса буюмлари ва бошқалар). Бу эса сифат ва талаб пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу масалалар ҳал этилса, минтақада кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш билан бир қаторда қайта ишланган нефть маҳсулотлари, полиэтилен, полипропилен, синтелефон ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналарини (Мўйнок ва

Кўнғирот туманларида нефть ва газ қазиб олиш базасида) ташкил этиш имконияти пайдо бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси инновацион ривожланиш бўйича паст кўрсаткичга эга бўлиб, бу инновацион товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пастлиги, уларни патентлаш йўлга қўйилмагани билан боғликдир. Умумий маҳсулотлар ҳажмида инновациялар улуши 0,2 фоиздан ошмайди ва улар экспортга мўлжалланмаган. Бирок, сўнгги 2-3 йилда минтақа иктисадиётига инновацион фаолиятни татбик этиш тадбирлари ўтказилмоқда. Масалан, бугунги кунда мавжуд ўн еттита инновация фаолияти субъектининг ўн олтитаси 2012 йилда ўзлаштирилган. Қорақалпоғистон Республикаси худудида соғлиқни саклаш, туризм, кишлоп хўжалиги соҳасидаги инновация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Саноат тармоғида инновация технологияларини жорий этиш кўп жихатдан геология-кидирув ишлари билан боғлик.

Минтақада инновация фаолиятини кенгайтиришда тажриба алмашиш, Ўзбекистонда яратилаётган янги технологиялар ва ишланмалардан фойдаланиш имконини берадиган саноат ярмаркаларини ўтказиш муҳим омиллардан бири хисобланади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Биоэкология институтининг Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этиши уларни жорий килиш ва рагбатлантиришга ёрдам бермоқда, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида яқин алоқаларни ўрнатишга кўмаклашмоқда.

Бундан ташқари, нефть ва газни қайта ишлаш (ўзининг мустаҳкамлиги ва иссиқлик изоляцияси билан ажralиб турадиган қайта ишланган турли маҳсулотларни яратиш, ёқилғи газини тозалаш учун сопол фильтр патронларни татбик этиш, маҳаллий хомашё асосида ўтдан ҳимоя қилувчи бўёклар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш), курилиш материаллари ишлаб чиқариш (маҳаллий минерал хомашё асосида импорт ўрнини босадиган юкори сифатли сопол кошинлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш), озиқ-овқат саноати (кизилмияни қайта ишлаш, турли биологик қўшимчаларни қўллаш), енгил саноатда (синтетик тола ишлаб чиқаришни жорий килиш) инновацияларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Умуман олганда, бир-бири билан чамбарчас боғлик худудий ва тармоқларга оид омиллар тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни худудлар ўртасида тенг таксимлашни акс эттирмайди.

Сифатли хомашё сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни модернизация килиш учун айланма маблағлар етишмаслиги, киш даврида электр энергиянинг бироз чекланиши, маҳсулот рақобатбардошлигининг пастлиги туфайли унга бўлган талабнинг пасайиши ва бунинг оқибатида сотилмаётган маҳсулотнинг нормадан ортиқ даражада тўпланиб қолиши прогноз параметрларнинг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда, корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий тъисир кўрсатмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташабbusлари-га тўsicк бўлмоқда. Бу борада монтакада маҳаллий маҳсулотларга (масалан, турли темир-бетон кувурлар) бўлган эҳтиёж ва талабни ўрганиш бўйича маркетинг ишлари олиб борилмаяпти.

Демографик ва кадрлар омили ҳам саноатни ривожлантиришга муайян даражада тъисир кўрсатмоқда. Буни юқори малакали мутахассисларнинг монтака ва мамлакат ташқарисига чиқиб кетаётгани, аҳолининг фаоллиги ва тадбиркорлик кобилиятининг пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, тармокларда юқори малакали мұхандис-технологлар, токарь, слесарь ва бошқа мұхансислар етишмайди. Бу, ўз навбатида, саноат тармокларини ривожлантириш имконини бермаяпти, ишлаб чиқаришда юқори технологиялардан паст даражада фойдаланиш ёки умуман фойда-ланилмасликка сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий аҳолининг мамлакатимиз бошқа худудларига караганда тадбиркорлик ташабbusининг ниҳоятда пастлиги саноат тармоғининг етарли даражада ривожланмаётганига олиб келмоқда.

Транспорт инфратузилмасининг етарли даражада тарақкий этмагани, монтака худудларининг бир-биридан узокда жойлашгани ҳам саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга салбий тъисир кўрсатмоқда. Транспорт харажатларининг, маҳсулот таннархининг ошиши оқибатида ишлаб чиқариш сифати пасаймоқда ва бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ракобатбардошлигини оширишда жиддий тўsicк бўлмоқда. Туманлар ўртасидаги масофанинг олислиги ва транспорт харажатларининг юкорилиги эса саноат тармокларини хомашё билан таъминлаш, уларни ўз вактида етказиб беришга салбий тъисир қилмоқда.

Шундай қилиб, Қоракалпоғистон Республикаси саноатининг ривожланиши ва бугунги ҳолатини баҳолаш устувор йўналишларни, муаммо ва камчиликларни, шунингдек, монтакада ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш йўлларини аниқлаш имконини беради (2.3.1.1-илова).


Бой минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсининг мавжудлиги келажакда кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишда муҳим омил бўлади.

1.7.2 Қишлоқ хўжалиги

Минтақада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларга қарамай, қишлоқ хўжалиги Коракалпогистон Республикаси иқтисодиётида асосий тармоклардан бири бўлиб қолмоқда. 2000-2012 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ЯҲМдаги улуси 21,6 фоиздан 23,5 фоизга ўсди. Бу ўртacha мамлакат кўrsatkiчидан 1,3 баробар ортиклир. Бунга минтақада саноат (10,4%) ва хизмат кўrsatiш (8,7%) соҳаларининг ЯҲМдаги улуси нисбатан пастлиги асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Шунга қарамасдан, ахоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми жиҳатидан (2012 йилда 433,2 минг сўмни ташкил этган ёки ўртacha мамлакат кўrsatkiчига нисбатан 1,9 баравар кам) ҳамда унинг таркибидағи улуси бўйича (3%) энг охирги ўринлардан бирини эгаллайди. Етиштирилаётган маҳсулот турлари бўйича ҳам ҳолат деярли шундай (1.7.2.1-расм).

1.7.2.1-расм

Коракалпогистон Республикасида 2000-2012 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш холати



Хусусан, 2012 йилда минтақада мамлакат ўртача күрсаткичига нисбатан ахоли жон бошига узум – 16,5 баробар, мева – 3,8, картошка – 3,2, сабзавот – 2,6, тухум – 2,3, сут – 1,8, гүшт – 1,4 баробар кам етиштирилган.

Минтақадаги банд ахолининг 28,7 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади. Бу кўрсаткич мамлакат даражасидан (25,7%) юкоридир. Кейинги 10 йил давомида соҳадаги ортиқча ишчи кучларини иктисадиётнинг бошқа тармоқларига жалб қилиниши сабабли уларнинг салмоғи 6,1 фоиз кисқарганлигини ижобий ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин.

Ер ресурслари ҳолати таҳлилига кўра, сугориладиган экин майдонларининг катталиги жиҳатидан минтақа Қашқадарё (515,7 минг гектар) вилоятидан кейинги иккинчи ўринни эгаллади. Ахоли жон бошига 0,15 гектар сугориладиган экин майдони тўғри келиб, бу кўрсаткич бўйича Жиззах (0,33 гектар), Сирдарё (0,31 гектар) ва Қашқадарё (0,17 гектар) вилоятларидан кейинги тўртинчи ўринда туради. Лекин ерларнинг **унумдорлиги** жиҳатидан минтақа мамлакатимизда охириги ўринни эгаллади. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаб сифатида минтақа иқлимининг кескин континенталлиги, ёз ойларининг ўта курғоқ келиши ва қишининг мамлакатимизнинг бошқа худуларига нисбатан совуқлиги, сув танқислиги, экологиянинг ер унумдорлигига салбий таъсири каби ҳолатларни келтириш мумкин. Субъектив сабаблар сифатида эса: маҳсулотлар етиштириш, турларини танлаш ва кўпайтиришда янги нав ва уруғлардан фойдаланишга эътиборнинг сустлиги; моддий-техник базанинг коникарсизлиги; агротехника ва алмашлаб экиш қоидаларига амал қилинмаслиги; экин турларини жойлаштиришда маҳаллий шарт-шароитни етарлича хисобга олмаслик; дехқончиликда маҳаллий ташаббускорликнинг нисбатан паст даражада колаётганлиги каби бир қанча омилларни айтиб ўтишга тўғри келади.

Лекин бу ҳолатни минтақанинг барча туманларига тааллуқли, деб бўлмайди. Масалан Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл, Амударё ва Хўжайли туманларида ернинг унумдорлик даражаси ва эришилаётган ҳосилдорлик минтақа ўртача кўрсаткичидан юкорирок. Бунга ушбу туманларнинг табиий иқлим шароитидаги қулайликлар ҳамда ахолининг дехқончилик борасидаги катта тажрибаси ва кўп йиллик анъаналари ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Минтақада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда

дехкон хўжаликлари фаолиятининг самарадорлиги яккол кўзга ташланади. Суғориладиган экин майдонларининг атиги 12,4 фоизи ахолига тегишли бўлгани ҳолда, дехкон хўжаликлари хиссасига ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кариб 60 фоизи, чорва маҳсулотларининг 95 фоизи тўғри келмоқда (1.7.2.1-жадвал).

1.7.2.1-жадвал

**Турли хил мулк шаклларига мансуб хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари
(2012 йил ҳолатига), ц/га**

Маҳсулотлар тури	Умумий ҳосилдорлик кўрсаткичи		шу жумладан:					
	Ўзбекистон Республикаси	Минтака	қишлоқ хўжалик корхоналари		фермер хўжаликлари		дехкон хўжаликлари	
			Ўзбекистон Республикаси	Минтака	Ўзбекистон Республикаси	Минтака	Ўзбекистон Республикаси	Минтака
Фалла	47,3	24,9	33,1	10,5	46,0	21,8	57,8	39,7
Сабзавот	265,6	156,1	148,5	78,6	262,2	163,3	296,6	154,5
Картошка	203,7	68,2	218,4	65,8	192,5	66,4	206,4	68,8
Мева	104,7	71,6	28,7	48,0	83,5	69,8	147,9	83,8
Узум	108,6	86,6	68,2	56,1	91,7	65,4	146,0	92,8
Полиз маҳсулотлари	200,3	109,7	165,5	88,0	192,3	129,6	212,2	94,9

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Бундай ҳолатни экин турини танлаш ва жойлаштиришда эркин харакат қилиш; янги ва серҳосил навлардан фойдаланиш; экиш ва агротехника тадбирларини кўп йиллик табиий иклим шароитининг ўзгариши ва бу борада тўпланган тажрибадан келиб чиккан ҳолда мустакил амалга ошириш; этиштириладиган маҳсулотни эркин тасаруф этиш имкониятлари мавжудлиги; молиявий масъулият ва манфаатдорликнинг юқорилиги билан асослаш мумкин.

Минтақада ушбу соҳа самараадорлигининг экин турлари бўйича таҳдили шуни кўрсатмоқда, пахтачилик минтақа кишлок хўжалигига етакчи тармоқ бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда пахта хосилдорлиги (9,7 ц/га) ортганлигига қарамасдан, ўртacha мамлакат кўрсаткичидан (1,2 баробар) пастлигича қолмоқда. Мелиоратив холати ўта ёмонлашган ёки хосилдорлиги паст²² пахта майдонлари секин-аста кискариб бормоқда. Бу жараённи асосан Шуманай (5,9 минг гектар), Кегейли (5,9 минг гектар), Хўжайли (5,6 минг гектар) ва Чимбой (3,9 минг гектар) туманларида кузатиш мумкин.

Шўрланиш даражаси юкори ва ер балл бонитети паст бўлган экин майдонларида пахтачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг тегишли карори²³ билан тасдиқланган меъёрга кўра, “Хўжаликларнинг ўртacha бонитети 60 балл ҳамда норматив хосилдорлиги 24 ц/га ва ундан юкори бўлган ерлари пахта хомашёси етиширишда сарфланган моддий ва меҳнат харажатлари қопланишини таъминлайдиган майдонлар хисобланади”. Минтақада ер бонитети 40 баллдан ҳамда хосилдорлик 24 центнердан пастлигини зътиборга оладиган бўлсақ, бу ерда пахтачиликни ривожлантириш истиқболга эга эмаслиги аён бўлади.

Охириг йилларда хосилдорлик ўсиши ва ер балл бонитети яхшиланишига қарамасдан, Беруний ва Кегейли туманларида рентабеллик пасайиб бораётганлигини, Тўрткўл ва Шуманай туманларида эса зарап кўрилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Тўрткўл туманида 2010 йил пахта хосилдорлиги 19,9 ц/га бўлганида, рентабеллик даражаси 12,1 фоизни, 2012 йилда эса хосилдорлик 2,1 ц/га ўсганида, рентабеллик даражаси -9,7 фоизни ташкил этган (1.7.2.2-расм). Бу пахта хосилдорлигининг ўсиши билан иктисадий манфаатдорлик ўргасида узвий боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолатдир. Бундай холат Беруний, Кегейли, Хўжайли, Шуманай ва Элликкальъ туманларида ҳам учрайди.

²² Хисоб-китоблар пахта хосилдорлиги 21,2 ц/га бўлган холатда рентабеллик даражаси “ноль” фоизни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Умумий пахта майдонининг 36 фоизига эга бўлган фермер хўжаликларида ўртacha хосилдорлик 17,5 центнер бўлиб, кўрилган зарап 3,3 млрд сўмни ташкил этган. Худди шунча ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликларида хосилдорлик ўртacha 22,5 центнер бўлган бўлса-да, зарап 5,9 млрд сўмни ташкил эттан.

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2012 йил 11 апрелдаги “Хосилдорлиги паст бўлган ерлarda давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиширувчи кишлок хўжалиги корхоналарини молиявий кўллаб-куватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 106-сонли карори.

**Тўрткўл туманида пахта ҳосилдорлиги
ва рентабеллик кўрсаткичлари**



Юкоридаги ҳолатни асосан пахта ва ғалла етиштириш харажатлари, уларни сотиб олиш нархлари ўртасидаги номутаносиблик билан ифодалаш мумкин. 2010-2012 йиллар давомида пахта ва ғалла прейскурант нархлари 1,4 баробар ўсган бўлса, кишлок хўжалик техникалари нархи 4,1 марта, энг кам ойлик иш ҳаки 1,8 марта, минерал ўғитлар нархи 1,7 марта, уруғлик ва электр энергияси нархи 1,5 марта ошган.

Туманлар ичida мелиоратив ҳолати ёмонлиги сабабли ҳосилдорлиги жуда паст бўлган худудлар ҳам борки, уларда пахта етиштиришни давом эттириш максадга мувофик эмас. Минтақада бундай ер майдонлари буғунги кунда 3,3 минг гектарни ташкил этиб, унинг ярмидан ортиғи Элликкальъа туманига тўғри келади.

Коракалпогистон Республикасида етиштирилаётган **дон** маҳсулотининг асосий қисми Тўрткўл, Амударё, Элликкальъа ва Беруний туманлари ҳиссасига тўғри келиб, уларда ҳосилдорлик ўртача минтақа кўрсаткичидан юкоридир. Айрим туманларда эса ҳосилдорликнинг пастлиги уни етиштириш иктиносидий жиҳатдан самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Мўйнок (8,4 ц/га), Шуманай (10,1 ц/га), Тахтакўпир (16,7 ц/га) ва Қанликўл (16,9 ц/га) туманлари шулар жумласидандир. Жанубий туманларнинг айримларида, жумладан, Тўрткўл туманининг Янбошқалъа, Элликкальъа ту-

манининг Бўрлитов ҳамда Беруний туманининг Чайка, Олтинсой, Улуғбек, Озод ва Абай каби овуллари ҳудудида ҳам буғдой етишириш иқтисодий самара бермаётир.

Ҳосилдорлиги паст бўлган ер майдонларига пахта ва ғалла экишнинг давом эттирилиши зарар миқдорининг ортиши ҳамда фермер хўжаликларининг маҳсулот (хизмат) етказиб берувчи ташкилотлар олдиаги карздорлигининг ўсишига сабаб бўлмоқда. Биргина 2010-2012 йиллар давомида фермер хўжаликларининг “Ўзнефтмаҳсулотлари”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекэнерго” компаниялари ва “Ўзагромашсервис” уюшмаси корхоналари олдиаги кредиторлик қарзлари 1,8 баробар ўсиб, уларнинг умумий мамлакат бўйича карздорликдаги улуши қарийб 11 фоизни ташкил этмоқда.

Жойларда амалга оширилган кузатувлар натижасида пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг пастлигига асосий сабаб пахта ва буғдой экинларини етиширишда агротехника тадбирларининг минтақа шароитидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилмаслиги; ерларнинг шўрланганлиги; маҳаллий шароитга мос навларнинг етарли эмаслиги; алмашлаб экишга етарлича риоя қилинмаслигидир, деган хulosага келинди.

Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, буғдой ҳосилдорлиги паст бўлган худудлар 4,1 минг гектардир. Хусусан, бундай майдонлар Чимбой туманида 850 гектарни, Тўрткўл туманида 540 гектарни ва Қораўзак туманида 463 гектарни ташкил этмоқда.

Пахта ва буғдойга нисбатан минтақада **шоли** етишириш ҳажми кейинги йилларда ортиб борётганлигини кузатиш мумкин. Таҳлиллар туманлар орасида шоли етишириш бўйича чукур худудий ихтисослашув шаклланганини кўрсатмоқда. Маҳсулотнинг асосий кисми Нукус (24,3%), Қанлиқўл (15,5%), Чимбой (12,8%) ва Қўнғирот (10,0%) туманларига тўғри келади. Минтақа мамлакатимиз ички бозорини гуруч маҳсулотлари билан таъминловчи асосий худудлардан бири бўлиб, 2012 йилда ички истеъмолга нисбатан 4 баробар кўп шундай маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Минтақада таҳлил қилинаётган даврда **картошка**, сабзавот маҳсулотлари ва мева етишириш ҳажмлари ортиб бораётганлигини ҳам ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Етиширилаётган сабзавотнинг асосий кисми Нукус, Амударё, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари ҳиссасига тўғри келади. Лекин, сабзавот маҳсулотлари билан ички талабнинг ярмидан ортиқроғи таъминланмоқда, холос.

Минтақада ички талабға нисбатан иккі баробардан күпроқ полиз маҳсулотлари етиштирилаётір. Унинг асосий қисми Нукус, Амударё, Беруний ва Элликқалъа туманларига тұғри келиб, маҳсулотнинг ярмидан күпроғи фермер хұжаликлари томонидан етиштирилмокда. Ахолида асосан тарвуз, ковун ва қовок каби маҳсулот турларини етиштириш күникмаси яхши шаклланған.

Бошқа ҳудудларда бўлганни каби Қорақалпогистонда ҳам мойли экинларни етиштиришга бўлган қизиқиш ортиб бормокда. Унинг кунгабоқар (Хўжайли, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл, Қораўзак туманлари) ва кунжут (Қораўзак, Чимбой, Шуманай, Қанликўл, Қўнғирот туманлари) каби турлари бир неча йиллардан бери экиб келинаётган бўлса, охирги йилларда масхар етиштириш ҳам ўзлаштирилди. Жумладан, 2011 йилда 4,9 минг гектар майдонга масхар экилиб, унинг асосий қисми Чимбой, Қанликўл, Нукус, Кегейли ва Қўнғирот туманларига тұғри келади. Уларнинг ҳосилдорлиги (кунгабоқар ва кунжутники 20 ц/га, масхарники эса 10 ц/га) жуда паст бўлиб, шўрга чидамли ва юкори ҳосил берадиган навларни яратиш бугунги кунда селекционерлар олдида турган муҳим вазифалардандир.

Таҳлил натижалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жанубий туманларда яхши ривожланганлигини кўрсатмоқда. Улар хиссасига минтақа умумий сүфориладиган экин майдонларининг 27,3 фоизи ҳамда аҳолининг 39 фоизи тұғри келса-да, 2012 йилда меванинг 62 фоизи, узумнинг 60, тухумнинг 57, сут ва картошка-нинг 56, гўштнинг 51, сабзавотнинг 48 ва полиз маҳсулотларининг 40 фоизи уларда тайёрланған.

Хулоса килиб айтганда, минтақада дехкончилик маҳсулотлари етиштириш ва ҳажмини ошириш асосан экстенсив омил хисобига амалга оширилмокда. **Ҳосилдорликнинг пастлиги** мамлакатими-зда минтақа улуши энг қуйи кўрсаткични ташкил этишига сабаб бўлмоқда. Соҳа мутахассислари билан ўтказилган сухбатларда ҳосилдорликнинг пастлигига асосан ерларнинг шўрланиш даржаси юкорилиги, ер ости сизот сувлари сатхининг баландлиги, мелиорация ва ирригация тадбирлари самарадорликнинг пастлиги, сув таъминотининг бекарорлиги, вегетация даврининг қискалиги, маҳаллий шароитга мөс навларни яратиш ишларининг кониқарсизлиги сабаб бўлаётганлиги таъкидланди.


Ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш учун эса юкоридаги омилларни атрофлича таҳлил килиш талаб этилади.

Ерларнинг шўрланиш даражаси. Мавжуд 515,2 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг 77,3 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, Коракалпогистон Республикаси умумий шўрланиш даражаси бўйича Хоразм (100%), Сирдарё (98,4%), Навоий (87,3%), Бухоро (86,6%) ва Жizzах (78,9%) вилоятларидан кейинги 6-ўринни эгаллайди. Ўрта ва кучли шўрланган ерлар улуши (62,7%) бўйича эса мамлакатимизда энг юқори кўрсаткичта эга.

Шўрланиш даражасининг хосилдорликка таъсирини баҳолаш максадида минтақадаги вазиятни кўшни Хоразм вилоятидаги ҳолат билан таққослаш мумкин. Чунки Хоразм вилоятида барча экин майдонлари шўрланган бўлиб, ўрта ва кучли шўрланган ерлар улуши (45,9%) бўйича у минтақадан кейинги 2-ўринни эгаллайди (1.7.2.3-расм).


1.7.2.3-расм

Суғориладиган экин майдонлари ва уларнинг шўрланганлиги, минг га



Табиий иклим ва экологик шароити ўхшаш бўлган Хоразм вилоятида 2005-2012 йилларда етиширилган кишлок хўжалик маҳсулотларининг хосилдорлиги (мева ва узумдан ташқари) ўртача мамлакат кўрсаткичидан паст бўлса-да, минтақадагига нисбатан қарийб 2 баробар юқори бўлди (1.7.2.4-расм).

**Кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг
2005-2012 йиллардаги ўртача хосилдорлиги, ц/га**



Худди шундай ҳолат туманлар кесимида ҳам кузатилади. Шўрланишнинг энг юкори даражаси Тахтакўпир, Чимбой, Хўжайли, Кўнғирот ва Амударё туманларига тўғри келса, хосилдорликнинг энг паст кўрсаткичи эса нисбатан шўрланиш даражаси кам бўлган Шуманай, Кораўзак ва Мўйнок туманларига тегишилдири. Амударё туманида ерларнинг шўрланиш даражаси (93,3%) минтақа ўртача кўрсаткичидан юкори бўлса-да, аксарият маҳсулот турлари бўйича туман энг юкори хосилдорликка зришмоқда (1.7.2.1-илова).


Сизот сувлар сатхининг баландлиги. Минтақада сизот сувлар сатҳи икки метргача бўлган ер майдонлари 74,3 фоизни ташкил этиб, Хоразм вилоятидан (95%) кейинги 2-ўринни эгаллайди. Сизот сувлар сатҳи асосан Амударё (160 см), Беруний (168 см), Хўжайли (176 см) ва Тўрткўл (194 см) туманларида юкори бўлиб, таҳликали жиҳати эса унинг кўтарилиб бораётганлигидир.

Сизот сувлар сатхининг хосилдорликка таъсирини таҳлил килиш учун унинг сатҳи турлича бўлган туманлар хосилдорлигини солиштириш лозим. Сизот сувлар сатҳи энг юкори бўлган Амударё тумани билан бу борадаги вазият нисбатан яхши бўлган Кегейли (278 см) ва Чимбой (229 см) туманларини солиштирганда,

хосилдорлик Амударё туманида бирмунча юкорилиги маълум бўлади (1.7.2.5-расм).

1.7.2.5-расм

2012 йилда етиширилган қишлоқ хўжалик махсулотлари ҳосилдорлиги, ц/га



Хоразм вилояти ҳамда минтака туманларида етиширилган махсулотлар ҳосилдорлик кўрсаткичларининг киёсий таҳлиллари сизот сувлар сатҳи юкори бўлган ҳолатда ҳам ердан омилкорлик билан фойдаланиш хисобига ҳосилдорликни ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Сизот сувлар сатхининг юкорилиги эса амалга оширилаётган мелиорация тадбирлари самара дорлигининг пастлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳолатининг коникарсиэлиги билан боғликдир.

Мелиоратив ҳолат. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб собиқ марказ томонидан ирригация ва мелиорация обьектларини ишлаш маъромида саклаб туриш учун талаб этиладиган маблагнинг факат 15-20 фоизи ажратилиши Ўзбекистон Республикасида мазкур тизимнинг начор ахволга тушиб қолишига сабаб бўлди²⁴.


²⁴ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумоти.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакли – фермер хўжаликларига асос солиниши ҳам дренаж тизимлари ҳолатининг яхшиланишига унчалик кучли таъсир кўрсатмади. Шуни эътиборга олган ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури қабул килиниб, мелиорация тизимини тартибга солиш ишлари изчил амалга ошириб келинмоқда. Дастур доирасида 2008-2012 йилларда минтақанинг узунлиги 7,8 минг километрдан ортиқ бўлган 114 та коллектор-дренаж тармокларида тиклаш-тъмирлаш ишлари олиб борилди. Бажарилган ишларнинг асосий кисми Амударё, Беруний, Чимбой ва Кегейли туманларига тўғри келади. Маълумотларга кўра, амалга оширилган тадбирлар натижасида 192 минг гектар, шундан 60,5 минг гектар пахта ва 31,5 минг гектар ғалла майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланган.


Назарий жиҳатдан олганда, сифатли амалга оширилган мелиорация тадбирлари ер унумдорлигининг кескин ошиши натижасида юкори ҳосил учун замин яратиб, агротехника тадбирлари самарасига ижобий таъсир кўрсатиши лозим. 2007-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида пахта (0,9 ц/га) ва ғалла (3,2 ц/га) ҳосилдорлиги ўсган. Қорақалпоғистонда эса пахта ҳосилдорлиги (3,6 ц/га) ўсган бўлса, ғалла ҳосилдорлиги кескин (-11,1 ц/га) пасайган (1.7.2.6-расм).

1.7.2.6-расм

Пахта ҳосилдорлигининг ўзгариши



Ғалла ҳосилдорлигининг ўзгариши



Демак, статистик маълумотлар таҳлили, мутахассислар, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аҳоли билан жойларда бўлган сұхбатлар амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар хосилдорлик ўсишига эришишда кўзланган самарани бермаётганинги тасдиқламоқда. Умуман олганда, мелиоратив ҳолат яхшиланганлигини белгиловчи асосий омиллар сифатида сизот сувлар сатхининг пасайиши ҳамда ер балл бонитетининг кўтарилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сизот сувлар сатҳи 2 метргача бўлган ер майдонлари ҳажмининг 2,6 фоизга қискаришига эришилиб, ҳозирги вактда бундай майдонлар 31 фоизни ташкил этмоқда. Мавжуд кўрсаткич минтақада 74,3 фоизни ташкил этиб, у Хоразм вилоятидан (94,7%) кейинги 2-ўринда туради.

Маълумотлар минтақада сизот сувлар сатҳи 2 метргача бўлган ер майдонларининг ҳажми 2007 йилга нисбатан 8,6 фоизга қискарганлигини кўрсатмоқда. Аммо мавжуд ҳолатни туманлар кесимида таҳлил қиласиган бўлсак, уларнинг айримларида сизот сувлар сатхининг кўтарилиш ҳолатлари мавжуд. Ҳусусан, Кўнғирот туманида умумий экин майдонларининг 82 фоизини қамраб олган 466,3 км узунликдаги мелиоратив обьектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилганлигига қарамасдан, сизот сувлар сатҳи 0,2 метрга кўтарилиган. Худди шундай ҳолат Хўжайли ва Тахтакўпир туманларида ҳам кузатилади. Натижада минтақада кучли ва ўрта шўрланган экин майдонлари улуши 3 фоизга ҳамда кучсиз шўрланган экин майдонлари эса 2 фоизга қисқарган, ҳолос.

2008-2012 йиллар давомида Кегейли, Нукус ва Кўнғирот туманларида ер бонитети 1 баллга кўтарилиши ҳисобига минтақанинг ўртacha кўрсаткичи атиги 0,3 баллга яхшиланган. Шунга қарамасдан, минтақанинг ер балл бонитети Ўзбекистон Республикасида энг пастлигича қолаётир. У 40,4 баллни ёки республика кўрсаткичига нисбатан 0,74 коэффицентни ташкил этади. Мўйноқ (27 балл), Кўнғирот (37 балл), Чимбой ва Қанликўл (38 балл) туманларида эса ер сифати бундан ҳам ёмон.

Юқоридаги ҳолатлар амалга оширилаётган мелиорация тадбирлари самарадорлигининг пастлигидан далолат беради. Бунга сабаб бўлувчи асосий омилларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

– **мелиорация тадбирларининг вегетация даврида амалга оширилиши.** Мелиорация обьектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини

ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказиш ишлари январь-февраль ойларида, тендер савдолари эса март-апрель ойларида амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида мелиорация тадбирлари вегетация даврида ўтказилмоқда. Мавжуд ҳолат қазиши ишларини кийинлаштириб, экин майдонлари сувининг катта микдорда дренаж тизимиға тушиши оркали уларнинг тезда тўлиб қолиши ва сув сарфининг ортишига олиб келмоқда. Оқибатда мелиорация тадбирларининг самарадорлиги пасайиб, айрим ҳолатларда эса акс таъсир кўрсатмоқда.

– **маҳаллий ишчи гурухлари томонидан мелиорация объектларини танлашдаги камчиликлар.** Мелиорация объектларини жорий ва капитал таъмирлаш ишлари маҳаллий комиссиялар хуносалари асосида шакллантирилиб, аксарият ҳолатларда объектларни танлашда мелиоратив ҳолатнинг яхшиланиши эмас, балки нима бўлса ҳам кўп маблағ талаб киладиган лойиҳаларни амалга ошириш хисобига ҳудуд иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш максад килиб қўйилмоқда. Бу ўринда 2008 йилда Кўнғирот туманининг сизот сувлар сатҳи жуда паст бўлган Минтжарган сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида амалга оширилган таъмирлаш ва тиклаш ишларини мисол қилиб келтириш мумкин;

– **таъмирлаш ишларини бажаришда ички ва магистрал зовурлар ўртасидаги боғлиқликка амал қилинмаслиги.** Минтакада кўпинча асосий ёътибор ҳўжаликлараро зовурларни тозалашга каратилиб, магистрал зовурлар ёътибордан четда колаётир. Дастур доирасида амалга оширилган тадбирларнинг атиги 3,4 фоизи магистрал зовурларга тааллукли эканлиги бунинг исботидир. Бундан ташқари, ички зовурлардан чикадиган заҳ сувлар ҳажми ҳамда магистрал зовурлар куввати ўртасида узвийликнинг йўклиги ҳам улар иш самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда;

– **барча мелиорация тадбирлари битта субъект томонидан амалга оширилиши, ишлар самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги.** Танланган объектларнинг лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаш, тендер ўтказиш, молиялаштириш, назорат қилиш ва бажарилган ишни қабул қилиб олиш Қорақалпоғистон Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси томонидан амалга ошириб келинмоқда. Барча тадбирлар бир ташкилот доирасида амалга оширилиши ишлар самарасининг пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун буюртмачи ва қабул қилиб олувчи алоҳида-алоҳида субъект бўлгани мақсадга мувофиқдир. Бундан

ташқари, назорат органлари томонидан лойиҳада белгиланган физик иш ҳажми назорат қилинганини, холос. Иш самарасига баҳо бериш тизими эса мавжуд эмас;

– **мелиорация ишларининг ер рельефидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилмаслиги.** Ер рельефининг эътиборга олин-маслиги айрим ҳолларда сизот сувлар сатхининг кескин ошиши ва кайта шўрланишининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 26 январдаги 37-сонли карори асосида Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъя туманларининг ер ости сизот сувларини олиб чиқиб кетишига мўлжалланган “Акчадарё” коллектори барпо этилган. Элликқалъя тумани ҳудудида коллекторнинг айрим қисмлари ер сатҳидан 2,5 метргача баланддан ўтказилганини ушбу ҳудудларда коллектор сизот сувларининг сизиб ўтиши, баъзи ҳолларда тўғонларни бузиб, окиб ўтиши натижасида кўллар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Ирригация тизими ҳолати. Минтақанинг ирригация тизими 3,6 минг километр узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро ҳамда 18,5 минг километр узунликдаги ички хўжалик каналларини ўз ичига олади. Каналларда сув сатҳи ҳар йил турлича бўлганлиги сабабли уларнинг қирғоқлари ўпирилиши натижасида эни лойиҳадагига нисбатан 1,5-2 баробар кенгайиб, ўзи саёзлашган. Бу эса каналларнинг гидравлик параметрлари ўзгариши ва сув ўтказиш кобилиятининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, сув ўтказиш кобилияти Амударё туманидаги “Алили ёп” каналида 25 фоизни, Шуманай туманидаги “Шуманай” каналида 40 фоизни, Нукус туманидаги “Анасай” каналида 47 фоизни, Кўнгирот туманидаги “Жинишке” каналида 58 фоизни, Элликқалъя туманидаги “Амиробод”, Чимбой туманидаги “Абаджап” каналларида 60 фоизни ҳамда Кегейли туманидаги “Кегейли” каналида 67 фоизни ташкил этмоқда. Бошқа каналлардаги ҳолат ҳам бундан яхши эмас.

Суғориш тармоқларининг узунлиги, каналлар девори кумлок тупроқлиги, энининг кенгайтанлиги сабабли 30 фоиздан 50 фоизгача сув табиий ўқотилаётгани жойлардаги соҳа мутахассислари томонидан тасдиқланди. Унинг асосий қисмини тупрокка сўрилиш ташкил этиб, сизот сувлар сатхининг юқори бўлиши ерларнинг кайта шўрланишига олиб келмоқда.

Сув ресурслари таъминоти. Минтақа Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, сув танқислиги кузатилган йилларда


сув ресурслари билан етарлича таъминланмай қолиши эҳтимоли мавжуд.

Минтақа сув сарфи энг юқори бўлган худудлардан бири ҳисобланади. Ҳисоботларда сув сарфи жами сугориладиган ер майдонларига нисбатан акс эттирилиб, таҳлил қилинаётган даврда гектарига 12,9 минг метр кубни ташкил этган. Бу ўртacha мамлакат кўrsatкичига нисбатан 1,4 баробар ортиқдир.

Таҳлил натижалари фойдаланилаётган сув миқдори ва асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртacha ҳосилдорлиги ўртасида боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўrsатмоқда (1.7.2.7-расм).

1.7.2.7-расм

Минтақада фойдаланилаётган сув миқдори, пахта ва ғалла маҳсулотлари ўртacha ҳосилдорлигининг ўзгариши



Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:


минтақадаги жами сугориладиган экин майдонларининг ҳажми (515,2 минг гектар) билан ҳақиқатда экилаётган (240 минг гектар) ер майдонлари ҳажмининг кескин фарқ қилиши;
табиий сув исрофгарчилигининг (30-50 фоиз) юқорилиги;
норасмий шоли майдонлари ҳажмининг юқорилиги;
сув сарфи ҳисоб-китобида камчиликларнинг мавжудлиги.

Статистик мәлімнотлар таҳлили ҳамда жойларда соха мутахасислари билан ўтказилған сұхбатлар мінтақадаги мавжуд (515,2 минг гектар) суғориладиган экин майдонларининг сув етарли бўлган йиллардагина 50 фоизга якини экилаётганлигини тасдиқламоқда. Бу кўрсаткич туманлар кесимида 4,5 фоиздан (Мўйнок) 81 фоизгача (Амударё) бўлмоқда (1.7.2.8-расм).

Натижада Қорақалпоғистон Республикасида ҳар йили ўртача 270 минг гектарга яқин суғориладиган экин майдонларидан фойдаланилмасдан келинмоқда. Ушбу ер майдонларининг бир қисми маҳаллий ҳокимиятлар захирасида бўлса, қолгани кишлок хўжалик субъектлари балансидадир. Биргина Кегейли туманида бундай ер майдонлари 38 минг гектарни ташкил этмоқда.

1.7.2.8-расм

Туманларнинг жами суғориладиган экин майдонлари ва уларнинг ҳақиқатда кишлок хўжалик махсулотлари етиштирилаётган қисми (2005-2012 йиллар ўртача кўрсаткичи), минг гектар




Мінтақада сув сарфи ҳақиқий фойдаланилаётган экин майдонларига нисбатан олганда 2,2 баробар, мамлакат ўртача кўрсаткичига нисбатан эса 3,1 баробар юкоридир. Туманларнинг сув сарфи турлича бўлиб, у Тўргўл (16,7 минг $m^3/га$), Элликкалья (17,1 минг $m^3/га$) ва (Амударё (19,9 минг $m^3/га$) туманларида нисбатан паст бўлса, Кегейли (39,1 минг $m^3/га$), Тахтакўпир ва Қораўзак (36 минг $m^3/га$) туманларида эса анча юкоридир. Буни шоли майдонларининг ҳажми, сув исрофгарчили-

гининг юкориилиги ҳамда бир кисм сувнинг шўр ювиш (ҳакиқий сув сарфининг 10 фоиздан ортиқроғи) тадбирларига сарфланаётганилиги билан изоҳлаш мумкин.

Кишлоқ хўжалигининг техник таъминоти коникарсиз ҳолатда. Минтақадаги мавжуд техникалар асосий қисмининг фойдаланиши мuddати 20 йилдан ошган. Бундай эскирган техникаларнинг улуши маккажӯхори ва шоли ўриш комбайнлари бўйича 100 фоизни, плуг, ем-хашиб ўриш комбайнлари ва пресс йигиш ускуналари бўйича 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бундай техникаларнинг асосий қисми ҳисботларда акс эттирилса да, амалда фойдаланиш учун яроқсизлигича қолмоқда (1.7.2.9-расм).

1.7.2.9-расм

Жами қишлоқ хўжалик техникалари таркибида фойдаланиш мuddати 20 йилдан ошган техникалар улуши, %



Минтақадаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларининг асосий қисми фермер хўжаликлари хиссасига тўғри келади. Жумладан, чопик тракторларининг 57,3 фоизи, шоли ўриш комбайнларининг 52,7, ғалла ўриш комбайнларининг 40,2, пахта экиш сеялкаларининг 41,3 фоизи ва ҳ.к.

Бир бирлик техника турига тўғри келадиган экин майдони улуши бўйича минтақа кўрсаткичи ўртача Ўзбекистон Республикаси кўр-

саткичига нисбатан пахта териш машиналари (21,3 баробар), жами тракторлар (2,3 баробар) ва чопик тракторлари (1,6 баробар) бўйича сезиларли равишда оқсамоқда (1.7.2.2-жадвал).

Хусусан, сабзавот, полиз маҳсулотлари етишириш ва боғдорчиликка ихтисослашган 196 фермер хўжалигининг техник таъминоти жуда оғир ахволда. Уларга 6,6 минг гектар ер майдони бириктирилган бўлиб, ихтиёрида эса атиги 23 та трактор, 14 та борона, 8 та тиркама ва 2 та плут мавжуд, холос.

Тахлил натижаларидан келиб чиқиб, хосилдорлик пастлигига таъсир кўрсатаётган асосий омилларни қўйидагича ифодалаш мумкин: ерга бўлган муносабат, аҳолининг омилкорлиги ва анъаналарнинг шаклланишида минтақалар ва ҳудудлар ўртасидаги фаркнинг катталиги; маҳаллий шароитга мос навларни яратиш ишларининг кониқарсизлиги; фермер хўжаликларида пахта ва ғалла етиширишининг устуворлиги натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини етиширишга етарлича эътибор берилмаслиги; дехқон ва томорка хўжалиги маҳсулотларини улгуржи ва чака товар айирбошлашдаги сунъий чекловларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

1.7.2.2-жадвал

**Жами қишлоқ хўжалик техникалари сони
ва 1 дона техникага тўғри келадиган экин майдони,
га (01.01.2013 йил ҳолатига)**

Қишлоқ хўжалик техникалари тури	Жами сони	1 дона техникага тўғри келадиган экин майдони, га
Пахта териш машиналари	2	47350
Маккажўхори ўриш комбайнлари	6	6568
Шоли ўриш комбайнлари	55	716
Ҳайдов тракторлари	961	536
Ғалла ўриш комбайнлари	239	269
Тракторлар	4504	114
Пахта экиш сеялкалари	1019	93
Культиваторлар	1702	56

“Уздавтехназорат” инспекцияси маълумотлари асосида тайёрланди.

Минтақа ер майдонининг 50,9 фоизини пичанзор ва яйловлар ташкил этади. Яйловлар билан таъминланиш бўйича (1 қўй-эчкига тўғри келадиган яйлов майдони) мамлакат ўртача кўрсаткичига нисбатан 13,1 баробар юкори бўлиб, юртимиизда биринчи ўринни эталлади. Яйловлар майдонининг кўплиги чорвачиликни ривожлан-

тириш имкониятларини көнгайтиради. Тахлил қилинаётган даврда йирик шохли қорамоллар сони 2,2 баробар, жумладан, сигирлар сони 1,6, күй ва эчкилар сони 1,9, от ва туялар сони 1,2 баробар кўпайгани шундан далолатдир (1.7.2.3-жадвал).

1.7.2.3-жадвал

Қоракалпогистон Республикасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ииллар				2012 йилда 2005 йилга нисбатан % да
		2000	2005	2010	2012	
Чорва моллари бош сони						
Йирик шохли қорамол	минг бош	382,6	450,5	760,1	841,9	186,9
шу жумладан, сигир	минг бош	161,3	189,9	254,1	262,9	138,5
Кўй ва эчки	минг бош	435,8	576,4	764,3	838,6	145,5
Парранда	минг бош	687,6	897,3	1526,9	2549,5	284,1
Чорва ва паррандалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши						
Гўшт	минг тонна	39,0	42,1	58,9	69,2	164,3
Сут	минг тонна	126,1	133,2	183,6	224,8	168,7
Тухум	млн дона	20,6	29,2	46,0	96,8	331,7
Чорва ва парранда маҳсулотлариги						
Бир бош сигирдан олинган сут	кг	781,7	701,6	722,4	855,0	121,9
Бир бош товукдан олинган тухум	дона	29,9	32,5	30,1	38,0	116,7

* Қоракалпогистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида хисобланди.

Минтақада 307 чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалари мавжуд бўлиб, 1 фермер хўжалигига ўртacha 193,2 гектар суғориладиган ер майдони тўғри келади. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг асосий кисми Элликқалъа (43), Беруний (38), Тўрткўл (34), Хўжайли (34) ва Кегейли (31) туманларида фаолият кўрсатмоқда.


Туманлар кесимида олганда, чорвачиликка ихтисослашувни күйидагича ифодалаш мүмкін: корамолчилик – Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида; кўйчилик – Тўрткўл, Кегейли, Элликқалъа, Тахтакўпир, Беруний ва Кўнғирот туманларида; эчкичилик – Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой ва Кегейли туманларида; йилқичилик – Кегейли, Тахтакўпир, Элликқалъа ва Чимбой туманларида; туячилик эса – Элликқалъа, Кўнғирот, Тўрткўл ва Тахтакўпир туманларида яхши ривожланган.

Бугунги кунда яйловларнинг асосий кисми Мўйнок, Қораўзак, Шуманай ва Тахтакўпир туманларига тўғри келади. Бу туманлар аҳолисида чорвачилик кўнимаси яхши шаклланганлигига қарамасдан, чорвачиликни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмокда.

Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган гўшт маҳсулотларининг 4,1 фоизи минтақа ҳиссасига тўғри келиб, мамлакатимизда Сирдарё вилоятидан олдинги 12-ўринни эгаллайди. Етиштирилаётган гўшт маҳсулотларининг 96 фоизи дехкон хўжаликларига тегишли бўлиб, ҳар бир корамол ҳисобидан ўртacha 200 килограммдан гўшт олинаётир. Бу эса зотли чорва моллари билан солиштирганда, маҳсулдорлик 3-3,5 баробар пастлигини кўрсатмокда.

1.7.2.10-расм

**Аҳоли жон бошига
гўшт етиштириш ва физиологик меъёр, кг/киши**



Статистик маълумотларга караганда, 2012 йилда аҳоли жон бошига ўртача 40,6 килограммдан гўшт маҳсулоти етиштирилиб, у 2000 йилдаги нисбатан 1,6 баробар кўпайган. Бу минтақада ички талабнинг 88 фоизи кондириш имконини беради. Факат олти – Тахтакўпир, Қораўзак, Элликқалъа, Беруний, Қанликўл ва Кегейли туманларида ички истеъмол тўлиқ кондирилаётir. Таҳлил килинаётган даврда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 1,6 баробар ўсан бўлса-да, физиологик меъёрга нисбатан 5,6 килограммга ҳамда ўртача мамлакат кўрсаткичига нисбатан эса 15,2 килограммга пастлигича колмокда (1.7.2.10-расм).

Сут маҳсулотининг 94,5 фоизи дехкон хўжаликлари хиссасига тўғри келади. Таҳлил килинаётган даврда сут етиштириш маҳсулорлиги ортган (781,7 литрдан 855 литрга) бўлса-да, ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут ўртача микдори бўйича мамлакат даражасидан (1745 литр) 2 баробар кам. Бу чорва моллари насли ёмонлашгани, кундалик озука рациони таркибида соф оксил микдори камлиги билан боғлиқдир. Натижада минтақа энг кам сут ишлаб чиқарувчи худудга айланмоқда.

2012 йилда аҳоли жон бошига ўртача 132 килограмм сут соғиб олиниб, у 2000 йилдагига нисбатан 1,6 баробар кўпайган. Шунга карамасдан, мамлакат ўртача кўрсаткичига нисбатан 1,7 баробар кам бўлиб, ички талабнинг 60,3 фоизини кондириш даражасида сут етиштирилмоқда. Туманлар кесимида олганда эса, факат Элликқалъа ва Тўрткўл туманларигина ички истеъмолни тўлиқ кондириш имкониятига зга.

Чорванинг асосий қисми аҳоли қўлида эканлиги уларнинг зотини яхшилаш ҳамда ўз вактида сифатли зооветеринария хизматларини кўрсатишга тўскинлик килмоқда. Айникса, шимолий ва Орол бўйидаги туманларда аҳоли пунктларининг таркоқ жойлашуви чорва молларига ветеринария хизматлари кўрсатиш имконини беради. Жойларда олий маълумотли ветеринария враchlари ва зоотехник-селекционер мутахассислар етишмайди.

Баликчилик. Қоракалпогистонда бугунги кунда умумий майдони 63 минг гектар бўлган 104 та табиий кўллар ва 638 гектар сунъий сув ҳавзаларида балик етиштирилмоқда. Баликчилик хўжаликларига “Нукус балик” кўшма корхонаси, “Антика” фермер хўжалиги ва “Аму тўлкини балиғи” масъулияти чекланган жамияти томонидан балик чавоклари етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида 2008-2012 йилларда миңтакада балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар сони кўпайиб, балиқ етишириш ҳажми кескин ортди. Охирги уч йилда балиқ етишириш ҳажми 3,3 баробар ўсиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 1,9 минг тоннани ташкил этди. Бу ички истеъмолнинг атиги 9,5 фоизини кондиради, деганидир. Миңтака мамлакатимиздаги энг асосий балиқ етиширувчи ҳудуд эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада ҳам хисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, деган холосага келиш мумкин.

Етиширилаётган баликнинг ярмидан ортиғи ихтисослаштирилган корхоналар ва 30 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Улар, асосан, табиий ҳолда кўпаяётган балиқ маҳсулотларини савдога чиқариш билан чекланмоқда. Интенсив усуllibардан фойдаланишга эса эътибор қаратилмаяпти.

Асосий кўллар Мўйнок, Кўнғирот, Кегейли, Чимбой, Тахтакўпир ва Элликкалъя туманлари ҳудудида жойлашганлиги сабабли уларда балиқчиликни ривожлантириш имкониятлари кўпроқ. Аммо мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қўйидаги ҳолатлар тўсқинлик килмоқда:

- биринчидан, ички бозорда балиқ билан савдо килиш тизими ривожланмаган, ташки бозорларга олиб чиқиш учун эса ишлаб чиқарувчилар маҳсус замонавий транспорт воситалари билан таъминланмаган;
- иккинчидан, “Мўйнок консерва” заводи ўз фаолиятини тўхтатган, кичик замонавий ишлаб чиқариш корхоналари эса миңтакада мавжуд эмас;
- учинчидан, соҳада тажрибали мутахассислар етишмайди ҳамда миңтакада маҳсус рецептлар асосида сифатли омухта ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.


1.7.3 Хизматлар соҳаси

Охирги йилларда миңтакаларни ижтимоий-иктисодий тараққий эттиришда хизматлар соҳасини диверсификация қилиш ва унинг анъянавий турларини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Коргаҳлопғистон Республикасида ҳам хизматлар кўрсатиши жадал ривожланиб бораётган иктисодиёт соҳаларидан бири хисобланади. Миңтака иктисодиётида хизматлар соҳасининг

ялпи худудий махсулотдаги улуши 48,5 фоизни ташкил этмоқда, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасидагига нисбатан 3,5 фоизга камдир. Хизматлар соҳасида минтақадаги иктиносидий фаол аҳолининг 52,4 фоизи меҳнат қилмоқда (Ўзбекистон бўйича 51,6 фоиз). Мамлакатимизда кўрсатилаётган жами хизматларнинг 3,2 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси хиссасига тўғри кела-ди. Аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ўртача Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичининг 50,6 фоизини ташкил этади ва мамлакатимизда 10-ўринни эгаллайди, бу жиҳатдан кам ривожланган минтақалар каторига киради (1.7.3.1-расм).

1.7.3.1-расм

**Қорақалпоғистон Республикасида
хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари (%) да)**



Қорақалпоғистон Республикаси худудлар кесимида хизматлар соҳаси ривожланиши турлича бўлиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, шаҳар ва туманлар ўртасидаги тафовут ортиб бораётганини кўрсатади (1.7.3.1-харита).

Хизматлар соҳаси ривожланган ҳудудларга Нукус шаҳри ва Қўнғирот тумани киради. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Қўнғирот туманида хизматлар соҳаси ўртача мамлакат кўрсаткичидан 2,5 баробар юкоридир. Нукус шаҳрида эса бу кўрсаткич 2,3 мартаға тенг. Қўнғирот туманида, асосан, курилиш, транспорт ва савдо хизматлари кўрсатиш яхши ривожланган бўлиб, колган хизмат турлари ўртача мамлакат даражасидан паст. Ну-

кус шаҳрида эса хизматлар соҳасининг барча турлари, айниқса алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерли дастурлаш, банк-мояния, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маший хизмат турлари ривожланган. Бунинг асосий сабаби ушбу ҳудудларда саноатнинг ривожланганлиги ва турли инфратузилма объектларининг мавжудлигидир.

1.7.3. I-харита

Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудларида хизматлар соҳасини ривожланганлик даражаси (аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича)



- I гурух – хизматлар соҳаси нисбатан юкори ривожланган ҳудудлар;
- II гурух – хизматлар соҳаси ўртacha ривожланган ҳудудлар;
- III гурух – хизматлар соҳаси паст даражада ривожланган ҳудудлар.

Хизматлар соҳаси ўртacha ривожланган ҳудудларга Хўжайли, Тахтакўпир, Қанликўл, Тўрткўл, Амударё, Мўйнок, Элликкальъя, Чимбой туманларини киритиш мумкин. Бу туманларда аҳоли жон бошига хисоблаганда, хизматлар соҳаси ўртacha Қоракалпоғистон Республикаси кўрсаткичининг 60 фоизга яқинини ташкил этади ва хизматларнинг асосан савдо ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт, кишлек хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўналишлари яхши ривожланган.

Хизмат турлари нисбатан ривожланмаган ҳудудларга минтақанинг

Кораўзак, Кегейли, Нукус, Шуманай туманлари киради. Аҳоли жон бошига хисоблаганда, бу туманларда хизматлар кўрсатиш ўртача Коракалпоғистон кўрсаткичининг ярмидан камини ташкил этади.

Кораўзак, Кегейли, Нукус, Шуманай туманлари киради. Аҳоли жон бошига хисоблаганда, бу туманларда хизматлар кўрсатиш ўртача Коракалпоғистон кўрсаткичининг ярмидан камини ташкил этади. Коракалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси таркибини таҳлил этадиган бўлсак, жами хизматларнинг 27,5 фоизини транспорт, 20,8 фоизини савдо ва умумий овқатланиш, 9,7 фоизини курилиш, 8,5 фоизини алоқа ва ахборотлаштириш, 5,9 фоизини банк-молия хизматлари ва 21,6 фоизини бошқа хизмат турлари ташкил қилишини кўрамиз. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси хизматлар соҳаси таркиби билан солиштирилганда, банк-молия, майший хизматлар ва тиббий хизмат турлари улуши анча камлиги аён бўлади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Коракалпоғистон Республикасида компютерли дастурлаш хизматлари, банк-молия, транспорт, туристик, майший, соғликни саклаш хизмат турлари ўртача Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичининг ярмини ҳам ташкил этмайди. Шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, Оролбўйида замонавий бозор хизмат турлари (туризм, компютерли дастурлаш, майший хизматлар, консалтинг, лизинг) ривожланышдан ортда қолмоқда (1.7.3.2-расм).

Кораўзак, Кегейли, Нукус, Шуманай туманлари киради. Аҳоли жон бошига нисбати бўйича таҳлил этилганда, молия хизматлари ўртача мамлакат кўрсаткичининг – 35,4 фоизини, туристик хизматлар – 11, савдо ва умумий овқатланиш – 48, майший хизматлар – 27,4 ва бошқа хизматлар – 47,5 фоизини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, Коракалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси паст даражада ривожланган. Бунинг асосий сабабларидан бири минтақада саноатнинг ривожланмаганлиги, аҳоли даромадларининг нисбатан камлиги, кўп аҳоли пунктларининг инфратузилма обьектлари билан етарли даражада таъминланмаганлиги ва бир-бирдан олисда жойлашгандигидир.

Кейинги йилларда Коракалпоғистон Республикасида **савдо ва умумий овқатланиш** хизматлари ривожланниб бормоқда. Агар 2006 йилда савдо ва умумий овқатланиш хизматлари умумий хизматларнинг 19,9 фоизини ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 20,8 фоизга етди (мамлакатимизда 21%). Ҳозирги кунда Коракалпоғистонда 4025 та савдо, шу жумладан 3914 та дўконлар, 18 та супермаркет, 93 та минимаркет ва 629 та умумий овқатланиш шохобчалари фаолият юритиб келмоқда. Коракалпоғистон Республикаси худудларининг савдо ва умумий овқатланиш инфратузил-

маси билан таъминланганлик даражасини аниқлаш натижалари бу кўрсаткич Шуманай ва Элликкальъ туманларида жуда паст бўлиб, ахолини дўконлар билан таъминланганлик даражаси тегишли ра-вишда 56 ва 84 фоизга кондирилганини кўрсатмоқда. Минимаркетлар билан таъминланганлик даражаси эса айниқса Қўнғирот, Қанлиқўл, Амударё, Тахтакўпир туманлари ва Нукус шаҳрида жуда паст даражада²⁵.

1.7.3.2-расм

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизматлар соҳасининг таркиби



Қарақалпоғистон Республикасида ахолининг умумий овқатланиш шохобчалари билан таъминланганлик даражасини таҳлил киладиган бўлсак, энг паст кўрсаткич Қараўзак туманида (28 фоиз), Қанлиқўл туманида (57 фоиз) ва Тахтакўпир туманида (57 фоиз) эканини кўрамиз. Бу туманлarda кўшимча радишида 32 та умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш даркор.

Минтақада ҳозирги кунда жами 34 та бозор фаолият юритиб келмоқда. Шундан 17 таси дехқон бозори, 15 таси мол бозори ва 2 таси махсус бозорлардир.

Савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида норасмий бандлик ривожланган бўлиб, ҳозирги вақтда у 30 фоиздан ортиқдир.

²⁵ Прогнозлаштириш ва макроинтисидой тадқиқотлар институти томонидан 2012 йилда ишлаб чиқилган “Методические рекомендации по использованию норм размещения объектов инфраструктуры сферы услуг” кўлланмаси асосида ҳисобланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, минтақадаги дехкон бозорларида чакана товар айрбошлишнинг 42,2 фоизи амалга оширилди, шундан 21,7 фоизи норасмий тармок улушига тўғри келади. Минтақанинг қишлоқ туманларида ва чекка ахоли пунктларида бу хизмат турлари кам ривожланган. Савдо дўконлари тарқоқ ҳолда жойлашган.

Минтақада улгуржи савдо яхши ташкил этилмаган. 2012 йилда Қоракалпогистонда амалга оширилган улгуржи савдо ҳажми умумий чакана савдонинг 40,8 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича 48,2 фоизга teng бўлди. Улгуржи савдонинг ривожланмаганлигига асосий сабаблардан бири мева ва сабзавотларни саклаш учун омборхоналарнинг етишмаслиги, шу жумладан совутгич билан тъминланган омборхоналарнинг йўклигидир. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг улгуржи савдени ташкил этмаслик сабабларидан бири – солик тўловларидан кочишdir. Айни вактда нақд пулсиз, шу жумладан пластик карточкалар орқали савдо килиш ҳам яхши ташкил этилмаган.

Мўйнок, Қанликўл ва Амударё туманлари ҳудудидан темир йўл ўтмаган. Умумий хизматларда транспорт хизматларининг улуси 2006 йилда 34,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 27,5 фоизга teng бўлди. Хизматлар таркибида транспорт хизматлари улушининг камайишига асосий сабаблардан бири соҳага охирги йилларда янги хизмат турларининг (қурилиш, маориф, тиббий ва компьютерли дастурлаш ва б.) кириб келишидир.

Хозирги вактда Қоракалпогистон Республикаси ҳудудидан 16 та йўналиш бўйича хорижий автоташувчиларнинг транзит харакати йўлга кўйилган²⁶. Минтақа бўйича автоташувларнинг 9 та йўналиши “Хўжайли” автомобиллар ўтиш пункти (Туркманистон чегараси) орқали, яна 7 таси “Қоракалпогистон” автомобиллар ўтиш пункти (Қозогистон чегараси) орқали амалга оширилмоқда. Лекин минтақада юкларни саклаш, саралаш ва ташиш бўйича логистика хизматлари ривожланмаган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Хўжайли туманида темир йўл бекати ҳудудига яқин жойда кўплаб бўш турган ишлаб чиқариш бинолари ва омборлари жойлашган. Шунинг учун бу туманда юклар

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит харакат килиш учун мўлжалланган йўналишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 9 декабр 2011 йилдаги №323 сонли Каори.

ни саклаш, саралаш ва бошка хизматлар кўрсатадиган базалар ташкил этиш имконияти мавжуд. Коракалпоғистон Республикаси худудидан кўплаб ҳалқаро йўналишларда транспорт хизматлари кўрсатилса-да, ҳозиргача логистика маркази ташкил этилмаган.

Коракалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига **ахборотлаштириш ва алоқа хизматларини** кўрсатиш даражаси ўртача мамлакат кўрсаткичининг 71,9 фоизини ташкил этади ва минтақанинг Нукус шаҳрида бу соҳа яхши ривожланган. Туманларда, айниска Амударё, Беруний, Корўзак, Шуманай ва Тўрткўлда ушбу хизмат турлари яхши ривожланмаган. Умуман олганда, кишлоқ жойларида ва олисда жойлашган аҳоли яшаш пунктларида бундай хизмат турларининг ривожланиши паст даражада. Бу худудларда истиқболли интернет хизматидан фойдаланиш муаммолари мавжуд. Интернет хизматининг сифати ва нархлари фойдаланувчиларни конкитирмайди.

Коракалпоғистонда **банк-молия** хизматлари анча ривожланган бўлиб, бу ерда 17 молия идоралари фаолият юритмоқда. Шундан 13 таси тижорат банклари ва 4 таси суѓурта компанияларидир. Тижорат банклари филиаллари минтақанинг ҳамма худудларига мутаносиб равишда, яъни кичик туманларда 1-2 тадан тижорат банклари, катта туманларда эса 3-4 тадан банклар филиаллари жойлашган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 4 та суѓурта компаниясидан факат “Ўзагросуѓурта” Давлат акциядорлик суѓурта компанияси минтақанинг барча туманларida ўз филиалларига эга, “Кафолот” Давлат акциядорлик суѓурта компанияси 11 туманда, “Ўзбекинвест” суѓурта компанияси кўшма корхонаси 8 та туманда ва “Мадад” суѓурта компанияси эса факат битта туманда ўз филиалларига эга. Минтақада банк-молия хизматлари кўрсатиш аҳоли жон бошига хисоблаганда, ўртача мамлакат даражасининг 35,4 фоизини ташкил қилиши маълум бўлади. Банк-молия хизматларини амалга оширишда шаҳарлар ва кишлоқ туманлари ўртасидаги тафовутлар сакланиб қолмоқда. Айниска, Мўйнок, Шуманай, Хўжайли ва Кегейли туманларида бу хизмат тури яхши ривожланмаган. Банк-молия хизматларининг янги турларига, яъни кишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида бериш, замонавий суѓурта хизматларига ва аҳолини банк терминаллари билан таъминлашга талаб ўсиб боряпти.

Кишлоқ туманларида алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда банк-молия хизматлари кўрсатиш даражасининг пастлиги бу соҳаларни жадал ривожлантириш ва унинг объектларини самарали жойлашти-

ришни талаб этади.

Қоракалпоғистон Республикаси туризм ва меҳмонхона хизматларини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Ҳозирги вактда республикада 48 та меморчилик ва архитектура ёдгорликлари, 42 та монументал ва санъат ёдгорликлари ва 2 та дикқатга сазовор жойлар (Султон Увайс мемориал мажмуаси, Савицкий номидаги санъат музейи) ва 255 та археологик обидалар мавжуд. Бундан ташкари, Нукус шаҳрида 286 ўринли 6 та меҳмонхона фаолият юритмоқда. Шунингдек, туманларда 9 та меҳмонхона ишлаб турибди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вактда минтақанинг Қанлиқўл, Чимбой ва Кегейли туманларида меҳмонхоналар мавжуд эмас. Элликкалья туманидаги Тупроқ қалъя (э.ав. I – IV асрлар), Аёз қалъя (э.ав. III – IV асрлар), Қирккиз қалъя (э.ав. III – IV асрлар), Бургут қалъя (VI– VIII асрлар), Амударё туманидаги Чилпик (I – IV асрлар), Хўжайли туманидаги Миздаҳкон мажмуи (III – IV асрлар) катта тарихий-маънавий аҳамиятга эга. (1-расм). Шундай бой салоҳият мавжудлигига карамасдан, республикада туризм ва меҳмонхона хизматлари яхши ривожланмаган (1.7.3.2-харита, 1.7.3.1-илова).

1.7.3.2-харита

Қоракалпоғистоннинг дикқатга сазовор жойлари



Туризм ва меҳмонхона хизматларининг жами хизматлардаги улуши 0,1 фоизни ташкил этмоқда. Туризм хизматлари Нукус шаҳри, Беруний, Элликқалъя туманларида йўлга кўйилган, холос. Минтақанинг қолган туманларида, айниқса, Элликқалъя, Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида туризмни ривожлантириш учун яхши салоҳият мавжуд ва улардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Хизматлар соҳаси бўйича SWOT-тахлил ушбу Стратегиянинг 1.8 параграфида келтирилган.

1.7.4. Инфратузилманинг ҳолати

Қорақалпоғистон Республикасида транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти фаолияти йўлга кўйилган. 2012 йил ҳолатига кўра, минтақада 8912,6 км. автомобиль йўллари ва 845,3 км. темир йўллар ҳамда Нукус шаҳрида ҳалқаро аэропорт мавжуд. Минтақа худудидан Туркманистон, Қозоғистон ва Россия йўналишлари бўйича ҳалқаро автомобиль ва темир йўллари ўтган. Минтақада автомобиль йўлларининг зичлиги 10 км. кв. худудга 0,5 километрни ташкил этади ва ўртача мамлакат кўрсаткичидан 4,1 баробар кам. Бунинг асосий сабаби Қорақалпоғистон Республикаси майдонининг катталиги ва ахолининг сийрак жойлашганлигидир.

Минтақа худудларини автомобиль йўллари ривожланганлик даражаси бўйича З гурухга ажратиш мумкин. Автомобиль йўллари энг кам ривожланган худудларга Кўнғирот, Мўйнок, Тахтакўпир туманлари киради, бу худудларда автомобиль йўллари бошқа туманларга нисбатан яхши ривожланмаган (1.7.4.1-жадвал).

Транспорт инфратузилмаси яхши ривожланмаганлиги туфайли Тахтакўпир, Кораўзак, Шуманай, Мўйнок туманлари “боши берк худуд”ларга айланиб қолган. Айнан мана шу муаммонинг ечими келажакда ушбу туманлар иқтисодини ривожлантиришда мухим омил бўлиб хизмат қиласи.

Қорақалпоғистон Республикаси электр энергияси билан тўлиқ таъминланган бўлиб, республикада электр энергияси Тахиатош шаҳрида жойлашган иссиқлик электр станциясида (ИЭС) ишлаб чиқарилади. Тахиатош ИЭСининг йиллик куввати 310 мегаватт бўлиб, 2012 йилда бу ерда 250 мегаватт электр энергияси ишлаб

чиқарилди. ИЭСдаги мавжуд 3 та трубинанинг бигтаси ҳозирги вактда модернизация ишлари туфайли тўлик кувват билан ишламаяпти. Тахиатош ИЭС нафакат Қорақалпоғистон Республикасини, балки кўшни Хоразм, Навоий вилоятларини ҳам электр энергияси билан таъминлайди. Яқин истиқболда Тахиатош ИЭСи кувватини 25 фойизга ошириш кўзда тутилган. Бу эса саноат, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бошқа соҳаларни ривожлантиришида минтақа учун кўшимча қулайликлар, иқтисодий манфаат ва бошқа вилоятларга нисбатан афзалликлар бахш этади.

1.7.4.1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси худудларини
автомобиль йўлларини ривожланганлик
даражаси бўйича гурӯхлаштириш**

Худудларнинг номи	Индекси
Қорақалпоғистон Республикаси	1,000
I гурӯҳ	
Шуманай	6,832
Қанликўл	3,400
Чимбой	3,150
Амударё	2,839
Кегейли	2,558
Нукус	2,541
Хўжайли	2,052
II гурӯҳ	
Беруний	1,385
Элликқалъа	1,352
Қораўзак	1,084
Тўрткўл	1,028
III гурӯҳ	
Тахтакўпир	0,598
Мўйноқ	0,466
Қўнғирот	0,335

Қоракалпоғистон Республикасининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланган. Минтақада 2012 йилда 1124,5 млн. м³ газ ишлатилган бўлиб, шундан 82,2 фоизидан ахоли эҳтиёжи учун, 8,3 фоизидан саноатда ва қолган 9,5 фоизидан эса коммунал ва машиий соҳаларда фойдаланилган. Ҳозирги вақтда ахоли пунктларининг 93,5 фоизи газлаштирилган. Минтақанинг Беруний (78,3%), Кегейли (83,5%) ва Шуманай (86,3%) туманлари ўртacha мамлакат кўrsatкичидан паст даражада газлаштирилган.

Газлаштирилмаган ахоли пунктлари, шу жумладан, олисда жойлашган қишлоқ ва овуллар суюлтирилган газ билан мунтазам равишда таъминлаб келинмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, охирги йилларда Оролбўйи ҳудудида бир неча янги табиий газ конлари аниқланган бўлиб, улар истиқболда ахоли пунктлари ва саноат корхоналарини “зангори олов” билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

1.7.5. Ташки иқтисодий фаолият

Қорақалпоғистон Республикаси ташки иқтисодий фаолияти-нинг 2000 йилга нисбатан таҳлили шуни кўrsatадики, бу даврда ташки савдо ҳажми 1,96 фоиз ёки 214,4 миллион АҚШ доллари-га ошган. Бунда экспорт улуши 113,9 миллион долларни таш-кил этади. Ташки савдо айланмаси сальдоси пахта толаси, энергия манбалари, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари ва хизматлар хисобидан ижобий шаклланган. Ҳолбуки, 2000 йилда сальдо манфий бўлган.

Қоракалпоғистон Республикаси товар ва хизматлар экспорти бўйича Жizzах, Наманган, Сирдарё вилоятлари сингари нисбатан паст кўrsatкичларга эга (1.7.5.1-илова).

Олис хориж давлатлари билан ташки савдо ҳажми 76,4 фоизга ўсиб, 12,3 миллион долларни ташкил қилди.

Россия, Қозогистон ва Хитой Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чикарилаётган экспорт маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари хисобланади.

Қоракалпоғистон Республикаси Ўзбекистон экспортида 13 ўринни банд этган ва бу борадаги унинг умумий экспорт ҳажмининг 0,8 фоизини ташкил этади. 2000 йил билан такқосланганда, мазкур кўrsatкич 0,8 баробар камайган. Бу, бир томондан, минтақанинг тайёр маҳсулотлар экспорти бўйича

салоҳиятининг пастлиги, иккинчи томондан, Андижон, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида стратегик мухим товарлар экспортининг жадал ўсиб бораётгани билан боғлиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг экспорт таркиби минтақа иқтисодиётининг етарли даражада диверсификация килинмаганини кўрсатади. Товар гурӯхлари нуқтаи назаридан, мамлакатимиз экспортининг асосий улуши пахта толасига тўғри келади (83,1%) ва бу туманларнинг кишлөк хўжалигига йўналтирилгани ва қулай бозор конъюнктураси билан боғлиқдир (1.7.5.1-расм). Амударё, Беруний, Кегейли, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликкалъа туманлари пахта толасининг асосий экспортчилариидир.

1.7.5.1-расм

Қорақалпоғистон Республикаси экспортининг ўсиш суръати ва товар таркиби, минг АҚШ доллари*

2000 й.

52,5 млн. АҚШ долл.



2012 й.

113,9 млн. АҚШ долл.



* Изоҳ: рангли ва қора metallар, энергия манбалари, машина ва ускуналар, хизматлар ва минтақанинг экспорт килинадиган бошқа товарлари.

Учқудук-Нукус-Бейнов темир йўлининг қурилиши билан хизматлар экспортини кенгайтириш имкони пайдо бўлди. Хизматлар экспортини кенгайтиришда транзит юк ташиш, туризм ва рекреацион хизматлар мухим омил ҳисобланади. Бугунги кунда минтақада умумий экспорт хажмида хизматлар улуши 4 фойзи ташкил келади, транспорт хизматларини кўрсатиш асосий хизмат тури ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган давр мобайнида саноатнинг ноанъанавий тармоғи – кимё ва нефть-кимё саноатининг пайдо бўлиши муносабати билан энергия манбалари, кальцинацияланган сода ва ош тузини экспорт қилиш хажмлари ошган. Мўйноқ ва Кўнғирот туманлари бу турдаги маҳсулотларнинг асосий экспортчисидир.


Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 7,9 фоизни ташкил қиласди. Кишлок хўжалиги корхоналари сархил мевалар, узум, сабзи, шолғом, лавлаги маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавотлар Қорақалпоғистон Республикаси туманлари экспортини ривожлантиришда катта ўрин тутади. Бу борада Амударё, Беруний, Қораўзак, Кегейли, Қанликўл, Тўрткўл ва Шуманай туманлари асосий экспортчилар хисобланади.

Таҳлиллар туманларнинг мамлакатимиз параметрига нисбатан экспортни ривожлантириш даражаси турлича эканини кўрсатмоқда. Экспорт хажмининг ўсиши Хўжайли (19,5%), Кегейли (17,8%), Амударё (15,7%), Беруний (12,9%), Тўрткўл (11,7%) ва Элликқалъа (10,8%) туманларида қайд этилди. Бу холат йирик саноат обьектларини барпо этиш, техник жиҳозлаш ва ишга тушириш билан боғлиқ бўлиб, натижада экспорт ва импорт даражаси жадал суръатда ошмоқда. Қанликўл (0,4%), Нукус (0,4%), Қораўзак (0,2%) ва Шуманай (0,1%) туманларида экспортнинг паст даражада ўсиши қайд этилди. Бу эса саноатнинг етарли даражада ривожланмагани, бу худудларда замонавий экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ташкил этилмаётгани билан боғлиқдир. Туманларда экспортни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ахоли зичлик даражасининг кучайишига олиб келди (1.7.5.1-харита).

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида хорижий инвестиция иштирокида ташкил қилинган 51 та корхона фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилда Амударё, Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Шуманай туманлари ва Нукус шаҳрида 8 та қўшма корхона ташкил этилган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорти 2012 йилда 7126,4 минг доллар ёки умумий экспорт хажмининг 6,3 фоизини ташкил қиласди. Амударё, Беруний, Қанликўл, Нукус, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманлари ва Нукус шаҳридаги қўшма корхоналар асосий экспортчилар хисобланади.

**Қоракалпоғистон Республикаси
экспортининг ҳудудий таркиби, минг АҚШ доллари**



Шу билан бирга минтақа экспорт салохиятини оширишга түсик бўлаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд:

1. Товарлар экспорт таркибининг туманлар кесимида диверсификация даражаси паст бўлиб, экспортнинг қарийб 50 фоизи бир гурӯҳдаги товарлар (пахта толаси) улушига тўғри келмокда.

Кишлоқ хўжалигида катта салохият мавжуд бўлишига қарамай, меваларни қайта ишлаш даражасининг пастлиги Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат товарлари экспортини ривожлантириш имконини бермаяпти.

Экспортни янада ривожлантириш ва унинг таркибини диверсификация килишини рағбатлантириш борасида амалий чора-тадбирлар кўриш лозим. Экспортнинг ўсиши иктисадий юксалиш суръатлари ва иктисадиётни модернизация килишини жадаллаштирадиган асосий омил бўлиши учун қулай мухит яратиш ва экспортчиларни қўллаб-қувватлаш институтларини шакллантириш асосида ички ҳамда ташқи бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш зарур.

2. Бой табиий-ресурс хомашёси мавжуд бўлишига қарамай, кайта ишлап саноатининг етарли даражада ривожланмагани, товарлар сифатининг кўшни минтакалар ёки чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан пастлиги ҳамда ракобатбардош эмаслиги экспорт таркибини диверсификация килишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Таркибий омиллар – институционал туб ўзгаришлар суръатининг етарли даражада эмаслиги, ишлаб чиқариш ва кайта ишлани ташкил этиши соҳасида тадбиркорликнинг кичик шакллари, шунингдек, кишлоп хўжалигининг истеъмол товарларини кайта ишлайдиган, сотадиган, хизмат кўрсатадиган, таъминотчи ва тайёрлов кооперативларининг заиф ривожлангани ҳамда бозорда кишлоп хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар нархларининг кескин ўзгариб туриши, улгуржи озиқ-овқат бозорида ракобатни ривожлантиришга тўsicк бўлаётган асосий сабаблардир.

4. Минтакада экспортчилар учун савдо ярмаркаларини ўтказиш мумкин бўлган кўргазма майдонлари ва ярмаркаларнинг йўклиги.

5. Чет эллик ҳамда маҳаллий сайёхларни жалб килиш учун катта салохият мавжуд бўлса-да, минтакада сайёхлик инфратузилмаси яхши ривожланмаган. Беруний, Элликкалья ва Тўрткўл туманларига сайёхларнинг асосий оқими Хоразм вилоятидан келади. Шу боис ҳам сайёхлик хизматлари экспорти Хоразм вилоятига тегишли бўлмоқда.

1.8. Стратегик SWOT – таҳлил натижалари

Кучли жиҳозлары (S)	Зариф жиҳозлары (W)	Имконияттар (O)	Хатарлар (T)
Демографик ҳолат			
<ul style="list-style-type: none"> – минтака ахолиси таркибида ёшларнинг улуши Ўзбекистон Республикасидагига нисбатан катталиги ва кекса ёшдагиларнинг улуши камлиги минтака демографик салоҳияти нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатмокда. Шунингдек, минтакада мамлакатдагига нисбатан аҳоли ўртача ёши ҳам кичик. 	<ul style="list-style-type: none"> – сўнгги йилларда минтакада туғилиш даражаси камайиб бораётганлиги, ўлим ҳолатлари кўпроқ кузатилаёттани оқибатида аҳоли табий кўпайиш даражаси пасайиб бормокда; 	<ul style="list-style-type: none"> – мақбул суръатларда аҳоли кўпайишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; – минтака ахолиси таркибида Ўзбекистон Республикасидагига нисбатан ёшларнинг улуши кўплиги (хусусан, никоҳга кириш ёшидаги йигит-кизлар салмоғи) ва карияларнинг улуши камлиги ҳисобидан минтака демографик салоҳияти якин истиқболда нисбатан яхшиланиши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> – ноҳуш экологик вазият туфайли аҳоли орасида турли касалликларнинг кент таркалиши (хусусан, Орол бўйи худудларида) ва миграция жараёнларининг кучайиб бориши аҳоли кўпайишига салбий таъсир килмоқда.
Таълим			
<ul style="list-style-type: none"> – ёшларнинг касбий билим ва кўникмаларни згаллашга интилиши кучли; – ўрта-маҳсус таълим олиш учун зарур инфраструктуриларни ўтирилган. 	<ul style="list-style-type: none"> – турли мутахассисликлар бўйича тайёрлананаётган кадрлар минтака меҳнат бозори талабларига етарлича жавоб бермайди; – амалий кўникмаларни етарли даражада згаллаш учун шароитлар тўлиқ шакллантирилмаган. Оқибатда амалий кўникмаларнинг сифати замон талабига етарли даражада мос келмайди; – аниқ фанлар (математика ва физика) бўйича коллежларда ўқитувчилар тақчилиги мавжуд. – меҳнат бозори талабларидан келиб чиккан ҳолда касбий кўникма ва малакани оширишда давлат ва нодавлат ўкув марказларининг мослашувчанлиги конкурсиз ахволда. 	<ul style="list-style-type: none"> – ўрта маҳсус касб-хунар таълими йўналишларини иктисолиёт талабидан келиб чикиб режалаштириш услубини ишлаб чикиш; – ўқитувчиларнинг касбий малакаларни ошириш тадбирлари минтакадаги иктисолид ўзгаришлар билан биргаликда олиб борилиши керак; – катта ёшдаги ахолининг касбий кўникма ва малакаларини оширишда ўкув марказлари фаолиятини ҳамда таълим дастурлари сифатини яхшилаш. 	<ul style="list-style-type: none"> – таълим муассалари битирувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш даражасининг пасайиб кетиши; – ёшлар ўртасида ишсилил даражасининг ортиб бориши; – таълим сифатининг пасайиб кетиши; – юкори малакали, тор мутахассисликлар бўйича кадрларнинг камайиб кетиши – минтака инновацион салоҳиятининг пасайиб кетиши.

Соғлиқни саклаш			
<ul style="list-style-type: none"> – касалхона ва амбулатория-поликлиника мусасаларидаги ўринларнинг киска муддатли айланмаси ортиб бормоқда; 	<ul style="list-style-type: none"> – минтақада тиббий йўналишида малакали мутахассислар етарлича тайёрланмаяпти; – барча ҳудудларда тор мутахассислар бўйича шифокорлар етишмайди. 	<ul style="list-style-type: none"> – минтақага шифокорларни жалб этишининг максади дастурларини ишлаб чиқиш; – Тошкент ҳамда мамлакатимизнинг бошка тиббиёт олий ўкую юртларида минтақа учун алоҳида квоталар ажратилишига ва рағбатлар дастури ишлаб чиқилишига эришиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – ойлик маош камлиги ва яшаш шароитидан қоникмаслик сабабли шифокорларнинг боша минтақаларга кўчиб кетиши; – тор мутахассисликка эга шифокорлар сонининг кескин камайиб бориши.
Экология			
	<ul style="list-style-type: none"> – сув ресурслари тақчиллиги; – ерусти ва ерости сув ресурсларининг ифлосланиши, камайиши ва уларнинг шўрланиши; – сизот сувлар даражасининг ошиши; – тупрокнинг минераллашув ва шўрланиши даражасининг юкорилиги; – тупрок катламининг ёмирилиши; – атмосфера ҳавосининг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши; – атмосфера ҳавосида катта микрорда чанг, Орол дengизи тубидан шамол орқали унг қелган дисперсион кимёвий фоал тузларнинг мавжудлиги; – экология бўйича мәълумотли мутахассислар етишмаслиги, тупрок ва сув холатини доимий мониторинг килинмаслиги; 	<ul style="list-style-type: none"> – экологик вазиятни баркарорлаштириш; – сувни ҳисобга олишда замонавий воситалардан фойдаланиши, айланма ва тақрорий-изчил сув таъминоти тизимини жорий этиш, тозалаш иншоатлари ва канализация тармоқларини куриш; – ҳавони зарарли зарралардан тозалаш тадбирлари; – сувдан кишилек ҳўжалик мақсадларида самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар; – саноат ишлаб чиқаришида экологик ҳафзисиз, кам чиқинди чиқарадиган технологияларга ўтиш; – ирригация-мелиорация тизимларининг холатини яхшилаш. 	<ul style="list-style-type: none"> – Орол дengизи куришининг давом этиши ва сув ресурсларининг кайта тикланмаслиги ҳафзи; – юкори даражадаги минераллашув ва ифлосланиш ахоли ҳаётни саломатлиги учун жиддий ҳафз солади.
Бандлик			
<ul style="list-style-type: none"> – аҳолининг демографик жиҳатдан ёшлиги сабабли меҳнат бозорига кириб келувчилар сони кўп. 	<ul style="list-style-type: none"> – аҳолининг бандлик даражаси бўйича минтақа Ўзбекистон Республикасида энг паст кўрсаткичга эга; 	<ul style="list-style-type: none"> – аниқланган табиий хомашё захиралари асосида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эвазига аҳоли бандлигини ошириш (хусусан, газни кайта ишлаш саноатида); 	

	<ul style="list-style-type: none"> – минтақада мөхнат ресурслари сони ортишиңга мос равиша күшімча янги иш ўринлари яратылмағанлығы ишсизлик даражасы ортишига, иктиносидіттінгі норасмий тармогида бандлік ортишига хамда ташқы мөхнат миграциясы (хусусан, мутахассис кадрларнинг кетіб колиши) жараёнларининг кучайшиға сабаб бўлмоқда; – қасб-хунар колледжларида тайёрланып-тап кадрлар ва уларга бўлган талаб ўртасидаги номутаносиблик оқибатида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси кучаймоқда; – яратилаётган янги иш ўринлари сони бекарорлиги (масумий характеристега эзалиги); – иктиносидіттінгі норасмий секторида бандлар улуши ортиб бораёттандығы. Шунингдек, бу тармокда бандлар фаолияти етарлича тартибга солинмаслығы ва уларнинг даромадлари бекарорлиги; – янги иш ўринларини яратышни иктиносидий рағбатлантириш механизми йўклиги; – мигрантларнинг мамлакат ташкарисига киска муддатта ишлаш учун бориб келиши (асосан, Козғистонга) кундалик эктиёждан ортиқ маблаг йигиш имконини бермаяпти. 	<ul style="list-style-type: none"> – минтақалараро ва худудлараро лойиҳаларни амалта ошириш йўли билан күшімча иш ўринлари ташкил этиш; – худудлар ўргасида бандлік тафовутларни кискартириш маскаларда худудлараро ички ишчи кучининг тебранувчи миграциясини ривожлантириш; – аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш салоҳияти катта. Хусусан, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъя, Хўжайли, Кўнгирот, Корўзак, Таҳтакўпир ва Мўйин туманларидан сайдхлик хизматларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Транспорт ва синергетик омиллар хисобига ҳам бу соҳада кўплаб янги иш ўринларини яратиш мумкин; – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритишига тўсқинлик килаётган омиллардан бири – кредит олишдаги муммомлар (фоиз ставкаси юкорилиги, гаров таъминоти ктталиги ва х.к.) ҳал килиниши бу субъектларнинг янги иш ўринларини яратиш салоҳиятини оширади; – стратегиянинг кишишок хўжалиги кисмидә бу соҳани ривожлантириш бўйича беришган таклифлар (томорка ва дехкон хўжаликлари фаолиятнини рағбатлантириш иктиносидий самарааси паст бўлган майдонлардан унумли фойдаланиш, ноанъянавий фаолият турларини ривожлантириш ва х.к.) истиқболда бу тармокда ҳам кўплаб иш ўринлари яратилишини таъминлайди. 	<ul style="list-style-type: none"> – мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан ахолининг маҳаллий ташаббускорлик ва тадбиркорликка лаёкати камлиги истиқболда бу минтақанинг ижтимоий-иктиносидий ривожланишида бошқа минтақалардан орқада колиб кетишига сабаб бўлниши мумкин; – иш хакларининг мамлакат ўртача кўрсаткичига нисбатан камлиги минтақадаги инсон омили ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин; – минтақанинг индустрисал ривожланиш кўрсаткичлари бўйича юртимизнинг бошқа минтақаларидан ортда қолаётганилиги минтақадаги ишчи кучи сифатига салбий таъсир килиш эктимоли катта; – аҳоли даромадлари камлиги ялпи талабни камайтириб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кильмоқда. Бу эса уларнинг янги иш ўринларини яратиш салоҳиятини заифлантириши мумкин.
--	--	--	--

САНОАТ

Ағзаллар	Комчыллар
<ul style="list-style-type: none"> — худудда нефть (Құнғирот тұманиндағы Устюрт платоси), газ конларининг (Мұйнок тұмани) мавжудлігі ва улардан оқилюна фодаланиш ИЭС, арапаш тармокларни (кимё, СПМ, тиббиёт ва бөшкапар) ривожлантиришин таъминлады; — Тебинбулек темир-руда кони ва Зинелбулек нометалл фойдалы казилмалар конининг мавжудлігі металлургия ва СПМни ривожлантириш имконини беради; — минтакада нафакат Коракалпогистон, балки мамлакатимизнинг бопка худудлари әхтиёжини ҳам таъминлайдиган экспортбоп кальцинацияланган сода ишлаб чиқарылмоқда (Құнғирот тұмани); — табий ресурслар худудида фойдалы казилмалар: минерал түзлар (<i>Тахтакүпір, Мұйнок, Құнғирот, Чимбай тұмандары</i>), оxaқтош, безак тошлар, сопол, гишт (<i>Амударә, Беруний, Нукус, Тұртқұл тұмандары</i>), цемент хомашеңи (<i>Кегейли, Қорғаңыз тұмандары</i>), мармар (<i>Беруний тұмани</i>), вермикулит (<i>Қорғаңыз тұмани</i>) мавжудлігі иисниклік изоляцияси материаллари, еrostи минерал сувлар (<i>Чимбай, Шуманай тұмандары</i>) ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради; — пахта етиштириш ва мамлакатда пахта (<i>Амударә, Беруний, Тұртқұл, Хұжайлы, Элликқалъа тұмандары</i>) ҳамда бошоқли дон экинлари (<i>Амударә, Беруний, Құнғирот, Нукус, Тұртқұл тұмандары</i>) ишлаб чиқариша етакчи үринни эталлаш; — пахта етиштириш ва яратылған ишлаб чиқариш базаси ривожланган пахта тозалаш корхоналари (<i>Амударә, Беруний, Кегейли, Тұртқұл, Хұжайлы, Элликқалъа тұмандарыда б ырик корхона</i>) ва экспортбоп пахта толасини ишлаб чиқариш қажмини белгилайди; — мева-сабзаветлар етиштириш бүйіча бой салохиятнинг мавжудліги (<i>Амударә, Беруний, Нукус, Тұртқұл, Элликқалъа, Қанлиқұл тұмандары</i>); 	<ul style="list-style-type: none"> — илмталаб юқори технологияли тармоқ маңсулотларини ишлаб чиқариш ривожланмаган; — саноатнинг пахта тозалаш тармоғыда ишлаб чиқариш диверсификация килинмагани ва унинг асосан қазиб олиш тармоклари билан боғлиқлиги; — ырик бизнеснинг етарли даражада ривожланмагани ва аксарият тұмандарда унинг йұклиги (<i>Қанлиқұл, Қорғаңыз, Нукус, Тахтакүпір, Шуманай</i>); — күпчилик тұмандарда тайёр енгіл саноат маңсулотлари ишлаб чиқаралған күвватларнинг йұклиғы; — бирламчи қайта ишланған хомаше товарлари (пахта толаси, лакрич томири ва бошқа) экспорти; — ишлаб чиқарылаёттан маңсулотларнинг құшни минтакалар ёки хорижда ишлаб чиқарылған товарларға нисбатан сифаты ва ракобатбардошлигининг пастлиғи (пахта толаси ва ёкилғи энергетика комплекси маңсулотларидан тарапы); — асосий фонdlарнинг юқори даражада ишдан чиққаны ва ишлаб чиқариш базасининг жисмоний ва мәннавий эскирганы, модернизация ва техник қайта жиһозлаш жараённининг сұстлиғи (электр энергетика, енгіл, озик-овқат саноати), ишлаб чиқариш күвватларидан фойдаланиш даражасынинг пастлиғи; — кишилек хұжалиғи хомашеңини қайта ишлайдиган корхоналар технологик даражасыннинг пастлиғи, мини-технологиялар, кадоклаш ва сақлаш технологияларини жорий етишга доир табдирларнинг етарли даражада үтказылмаётгани, ишлаб чиқариш күвватларни модернизация ва реконструкция килиш билан боғлық маңсулотларни сақлаш шароитларининг (омборхоналар, музлатиши камералары) етишмаслиги;

- гўшт ва сут ишлаб чиқариш борасида катта салоҳиятнинг мавжудлиги (*Амударё, Беруний, Кегайли, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа туманлари*);
 - баликнинг кўпилиги ва балиқчиликнинг ривожланиши (*Тахтакўпир, Элликқалъа, Нукус, Мўйноқ туманлари*)
 - коракўл терилари ишлаб чиқариш бўйича тўпланган тажриба (*Беруний, Қораўзак, Кўнгирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари*);
 - жун олиш бўйича тажриба (*Қораўзак, Кўнгирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа туманлари*);
 - кизилмия (лакрица) ва (солодки) ўсиши учун катта майдонларнинг мавжудлиги (*Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Нукус, Шуманай туманлари*);
 - ёғоч ва металлга ишлов бериш хунармандчилигини (*Хўжайли тумани*), ганчкорлик, металлга ишлов бериш, заргарлик буюмларини тайёрлаш), тикувчилик, зардўзлик, ёғочга ишлов бериш, мисгарлик (*Элликқалъа тумани*), темирчилик, каштачилик, этиклўзликни (*Амударё тумани*) кенг тарқатиш;
 - транспорт узелининг мавжудлиги: Туркманистонга чикадиган Чоржўй-Кўнгирот-Бейнов ва Навоий вилоятига чикадиган Навоий-Учкудук-Нукус темир йўли.
- минерал ресурсларни кайта ишлаш даражасининг пастлиги;
 - худудларнинг бир-биридан, транспорт узеллари ҳамда марказлардан олислиги;
 - корхоналарнинг инфратузилма обьектларидан (электр энергияси, газ, темир йўл тармоқлари), айникса киши мавсумида фойдаланишининг чеклангани;
 - ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар таннархининг юқорилиги, бунинг ресурси ҳажми ва транспортда ташиб харжатлари билан боғлиқлиги;
 - тери, жун, гўшт, сут, мева-сабзавотларни кайта ишлайдиган корхоналарнинг кишилек хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ҳомашё сотиб олиши бўйича самарали механизмининг йўклиги;
 - импорт машина ва ускуналарнинг етарлича жорий этилмагани;
 - бекор турган ишлаб чиқариш кувватлари ва корхоналарнинг кўпилиги.
 - корхоналарнинг молиявий ахволи билан боғлиқ айланмана маблағлар етишмаслиги сабабли кредит ажратиш, уларни ҳомашё билан ўз вактида таъминлаш муаммосининг мавжудлиги;
 - ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат даражасининг пастлиги ва юкори малакали кадрларнинг миңтака ва мамлакат ташқарисига чиқиб кетиши;
 - мавжуд фойдали қазилма захирасидан самарасиз фойдаланиш;
 - тармоқлар, худудлар, кичик бизнес, илмий ташкилотлар ва олий ўкув юргулари ўртасида интеграция ва кооперация алоқаларининг заифлиги.

ИМКОНИЯТЛАР	ХАТАРЛАР
<ul style="list-style-type: none"> - ёкилғи-кимә комплекси шаклидаги “таянч пунктлари”ни (<i>Күнгирот, Мұйынқ туманлари</i>) шакллантириш ва аралаш тармоқларни ташкил килиш(кимә, курилиш материаллари саноати, тибиіт ва бошқалар); - пахта толасини чукур кайта ишлаш ва юкори күшімча кийматта зга тайёр экспортбөл маңсулотлар яратиш ҳисобидан тұқымачилик комплексини (<i>Амударә, Беруний, Элликқалъа, Тұртқұл туманлари</i>) ва аралаш тармоқларни ташкил килиш (кимә, пойабзal, ипакчилик ва бошқалар); - маҳаллий хомашедан самарали фойдаланиш асосида курилиш материаллари ишлаб чикариш комплексини шакллантириш (<i>Амударә, Беруний, Нукус, Тұртқұл, Хұжайли, Чимбай, Элликқалъа туманлари</i>); - гүшт ва сутни кайта ишлаш бүйичан маҳаллий лойихаларни ишлаб чиқиши (<i>Амударә, Беруний, Хұжайли, Элликқалъа, Кегейли туманлари</i>); - мой ишлаб чикаришни кенгайтириш (<i>Беруний, Хұжайли, Чимбай туманлари</i>) ва йодланған туз ишлаб чикариш бүйича маҳаллий лойихаларни ишлаб чиқиши (<i>Күнгирот, Чимбай туманлари</i>); - баликни кайта ишлаш лойихаларни яратиш (<i>Мұйынқ, Күнгирот, Тахтакүпір туманлари</i>); - жүнні (<i>Элликқалъа, Тұртқұл, Тахтакүпір, Күнгирот туманлари</i>), коракүл терисини кайта ишлаш лойихаларни ишлаб чиқиши (<i>Беруний, Тұртқұл, Элликқалъа, Тахтакүпір, Күнгирот, Коралызак туманлари</i>); - минерал сув ишлаб чикариш бүйича маҳаллий лойихалар ишлаб чиқиши (<i>Шуманай, Чимбай туманлари</i>); - курилиш материаллари (<i>Кегейли, Күнгирот, Нукус, Тұртқұл туманлари</i>) ва металдардан фойдаланиш асосида конструкциялар ишлаб чикариш (<i>Коралызак тумани</i>); - вермикулит концентратини чукур кайта ишлаш ва иссиклиқ изоляциясияси материалларини ишлаб чикаришга доир лойихалар яратиш (<i>Коралызак тумани</i>); 	<p>Чегарадош давлатларда вазиятнинг мураккаблиги ёки күшни давлатлардаги табиий оғаттар (масалан, зилзила) саноат секторининг инвестиция фаолигига салбий таъсир күрсатиши мүмкін;</p> <p>истикболда саноат секторини ривожлантириша бошқа давлатлар ва мамлакатимиз худудларидан ортда қолиш ва тафовут мұаммоси;</p> <p>Минтақаның пахта толаси етиштириш ва экспорттыға, казиб олувчи тармоқларга боғлиқтік іктисодиетті номутаносиб ривожланиш хавфини юзага келтириши мүмкін;</p> <p>Импорт хомаше ва күшімча материалларга боғлиқтік, ишлаб чикаришнинг катта энергия талаб килиши бозор конъюнктураси нокулай ўзгарған тақдирда қайта ишлаш саноати корхоналарининг рақобатлаша олмаслигига олиб келиши мүмкін (жаһонда нархларнинг кескін ўзгариши);</p> <p>Транспорт харажатларининг юкорилеги ва юкларни ўз вактида ташимаслик, юкори волтлы линияларнинг йүклигі, электр таъминотидаги етишмаслик ва узулишлар, айникса киши мавсумида хомашедан фойдаланишини қийинлаштириб, ишлаб чикариш фаолияти, харажатлар ошишига олиб келиши мүмкін;</p>

- саноат миқесида артемияни күпайтиришга доир лойихаларни яратиш (*Мұйынок*);
- кизилмияни чукур қайта ишлаш ва шу асосда дори препаратлари, тұқимачилик саноати учун лак-бүек маҳсулотлари, озик-овқат саноати учун түрли құшимча ва ярим фабрикатлар ишлаб чикариш бүйіча лойихалар яратыш (*деярлы барча тұманларда*);
- Мамлакатимизнинг бошка худудлари билан үзаро боғылғы холда худудларапо лойихалар яратыш (*Хұжайлы, Шуманай, Қанлиқұл, Нұкус тұманлары*);
- Бекор турған саноат майдонлари ва иншоотларнинг ишлаб чикариш фамилиятини уларни бұлажак инвесторларга сотиш хисобидан қайта тиклаш;
- Бұш әттан майдонлар ва ишламаёттан ишлаб чикариш күвватлари негизида қайта ишлешни чуқураштириш хисобидан курилиш материаллари саноати, озик-овқат товарлари ишлаб чикариш бүйіча кичик саноат зоналарини ташкил килиш (*Нұкус шаҳри, Қанлиқұл, Қорғаңызак, Қегайли, Құнғарот, Нұкус, Тахтакүйр, Тұрткүл, Хұжайлы, Шуманай, Эллиққалъа тұманлары*);
- Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил килишни рағбатлантириш ва қайта ишланған мевали маҳсулотлар ишлаб чикариш, анъанавий хунармандчылық ва башкаларни ривожлантириш негизида яңги брендларни шакллантириш.
- Минтайда ишлаб чикарилған маҳсулотта бүлгап түловга лақатли талабни таъминлаш учун товарлар ва бозор конъюнктурасыга нисбатан ташкил талабни үз вактида ва мұнтазам мониторинг килиш.

Асосий фонdlарнинг эскириши, қатор ишлаб чикаришларнинг ракобатчилардан техник ва технологик ортда колиши минтақа маҳсулотларининг күшни минтақалар ва чет зә давлатлари товар ишлаб чикарувчилари томонидан ички ва минтақавий базорлардан сикиб чикарилишига олиб келади; Фойдаланылаёттан ускуналар техника паркининг эскириши, уни яңгылаш учун маблағларнинг ійүқтілігі, ишлаб чикариш ва іжтимоий инфраструктуралық объекттерден етарлича фойдаланмаслық техноген хавфлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин; Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлеш даражасининг пастлигиги ва истеъмол талаби ортиб бораёттан бир пайтда саклаш ва кадоклаш шароитларининг етишмаслиги экспорт салохиятининг пасайишига олиб келиши мумкин; Экспортнинг диверсификация килинмаслиги минтақанинг ташкил бозордаги түрли конъюнктура ўзгаришларига таъсирчанлигини оширади;

- экологиянинг ёмонлашиши ва тупроқ шўрланиши ускуналарнинг тез ишдан чикариши, миграциянинг кучайиши ва қайта ишлеш учун кишлек хўжалиги хомашеши етишмаслигига олиб келади, бу эса ишлаб чикариш салохиятини пасайтиради.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Күчли жиҳатлари (S)	Заиф жиҳатлари (W)	Имкониятлар (O)	Хатарлар (T)
<ul style="list-style-type: none"> – кулаг исик, күёшли кунларнинг мавжудлиги; – кўп тармоқли агарар таркибининг шаклланганлиги; – пахта (сифатли ва ички ҳамда ташқи бозорда талаб катта бўлган даромади экин тури) етиштириш имкониятининг мавжудлиги; – кишлоп хўжалигига давлат аралашувининг кискарғанлиги; фермер хўжаликларининг устувор ривожланиши; – кишлоп хўжалиги маҳсулотларига (пахта ва бугдойдан ташқари) нархларнинг эркинлаштирилганлиги; – кишлоп хўжалиги маҳсулотининг асосий кисмини нодавлат секторида ишлаб чиқарилиши (99,9%). 	<p>– Узбекистон Республикасидаги ўртacha мўътадил табиий-иклим шароитларига нисбатан Коракалпогистонда кишлоп хўжалиги учун мураккаб ва ўзгарувчан экологик оғир холатнинг ва кескин континентал иклимининг мавжудлиги;</p> <p>– Коракалпогистон Республикасининг табиий-экологик холати, кишлоп хўжалиги учун фойдаланадиган ерларнинг кафолати йўқ деҳқончилик зонаси хисобланиши (деҳқончилик килинаётган ерларнинг ўртacha балл бонитети 40 ни ташкил этади);</p> <p>– деҳқончилик экинлари вегетация даври мамлакатнинг бошка минтакаларига нисбатан деярли бир ой кам бўлиб, бу ҳолатни кишлоп хўжалик маҳсулотлари хосили ва сифатининг паст ҳамда ҳаражатларнинг юкори бўлишига олиб келаётганлиги;</p> <p>– сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси 90 фоиздан юкори даражани ташкил этади. Бунинг устига сугориладиган ерлар коллектор-дренаж шохобчалари билан тўлиқ таъминланмаган.</p> <p>Сугориладиган ерларнинг коллектор-дренаж шохобчалари билан таъминлаганлик даражаси 80 фоизга яқини ташкил этади;</p>	<ul style="list-style-type: none"> – юкори калорияли ва сифатли кишлоп хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун мавжуд шароит; – кишлоп хўжалигини давлат томонидан мунтазам равишда агротехнологик ва иктисолий кўллаб кувватлашнинг амалга оширилиб келаётганлиги; – яйловлардан чорвачиликни ривожланитиришда самарали фойдаланиш; – чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган йирик мажмуалар барпо этиш хисобига маҳсулдорликни ошириш; – кишлоп хўжалиги маҳсулотлари истеъмол қилувчи ахолининг кўпайиши; – ер-су ресурсларидан самарали фойдаланишда инновацион агротехнологияларни кўллаш учун яратилаётган кулаг шароитлар; – шаклланган инвестицион мухитнинг Коракалпогистон Республикаси кишлоп хўжалигига хорижий инвестициялар киритиш имкониятини ошириши; 	<ul style="list-style-type: none"> – Орол денгизининг куриш жараёни таъсирида ундан бўрон ва шамоллар орқали туз массаси кўтарилиб, кишлоп хўжалигига фойдаланилаётган ерларнинг мелиоратив холати ёмонлашуви жарайёнларининг давом этаётганлиги; – табиий оғатлар, курсокчилик, сув ресурслари тақчиладиги, ернинг шўрланишининг кучайиши; – жаҳон бозорида кишлоп хўжалигига маҳсулотларига ракобатнинг юкорилинги ва савдо муносабатларини тартибга солишдаги комутаносибликлар;

	<ul style="list-style-type: none"> - ихтиосослаштиришнинг мавжуд шароитта мос келмаслиги, асосий экин майдонлари таркибида пахта ва гадлачилик улушининг юкорилиги (62%дан юкори); - Коракалпогистон Республикаси Амударёнинг куйи оқимида жойлашганлиги сабабли сув танкис бўлган йилларда сув ресурслари билан тўлик таъминланмаслиги, кургоқчилликнинг тақрорланиб туриши, тупрок ва сув эррозияси; - кишлек хўжалиига инвестиация киритишнинг камлиги (иктисодиётга жалб килинаётган инвестициянинг 3-4 фоизигина мазкур тармокка йўналтирилмоқда); - ҳудудий жиҳатдан марказдан узоқда жойлашганиниги ҳамда транспорт инфратузимаси ва коммуникациясининг яхши ривожланмаганлиги сабабли ички ва ташки бозор билан муносабатларнинг талаб даражасида эмаслиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Қозогистон, Эрон, Туркия, Афғонистон ва бошка кўшни мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ошиши. 	<ul style="list-style-type: none"> - Коракалпогистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб юкори ва яқин бўлган мамлакатларга сотишда транспорт йўлларининг ривожланмаганлиги.
--	---	---	---

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ

Кучли жиҳатлари (S)	Заиф жиҳатлари (W)	Имкониятлар (O)	Хатарлар (T)
<ul style="list-style-type: none"> - тарихий обидаларнинг кўплиги ва рекреация ресурсларига бойлиги (250 дан ортик тарихий археологик объект мавжудлиги (<i>Тупроқ қалъа</i>) 	<ul style="list-style-type: none"> - хизматлар соҳасини ривожланишидаги ҳудудлараро тафовутнинг ошиб бориши; 	<ul style="list-style-type: none"> - ҳалкаро йўналишдаги автомобилларга хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш мақсадида Хўжайли ва Кўнғирот туманларида ҳалкаро логистика марказларини ташкил этиш; 	

<ul style="list-style-type: none"> – Ўрта Осиёда ягона бўлган Савицкий номидаги санъат музейининг мавжудлиги; – Коракалпогистон Республикаси ҳудудидан ҳалкаро мижёсда автомагистрал ва темир йўлларнинг ўтиши, Қозогистон, Россия ва бошқа давлатлар орқали Европа мамлакатларига чиқиш имконияти мавжудлиги; – хизматларнинг савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида маҳаллий ахолининг ўзига хос анъаналари ва бой тажрибалари (балиқ ва балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва б.); – вилоятнинг кўшни давлатлар билан чегара дошлиги, ҳалкаро савдони ривожлантириш имкониятлари кенглиги (Туркманистон, Қозогистон); – вилоятнинг айrim туманларида (Нукус, Амударё, Тўрткўл ва б.) миллий ҳунармандчиликнинг ривожланганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> – инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли кишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг чекланганлиги; – хизмат кўрсатишида норасмий сектор улушининг юкорилиги (савдо, транспорт хизматлари, майший ва тиббий хизматлар); – Коракалпогистон Республикасида туристик бюронинг коникарсиз фаoliyat юритиши; – кишлоқ жойларида алока ва ахборотлаштириш хизматларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги; – кишлоқ ахолисининг пуллик хизматлардан кам фойдаланишга мояиллиги; – меҳмонхоналарда ходимлар малакасининг пастлиги сабабли хизмат кўрсатиш сифатининг коникарсизлиги; – иш вактида электр энергияси таъминотининг тез-тез узилиб туриши; – савдо дўконлари билан, айникса кишлоқ жойларида таъминланганлик даражасининг пастлиги; – минтақада экологик шароитнинг ёмонлашуви; – тарихий археологик обьектларга олиб боралиган йўлларнинг йўқлиги ёки ёмон ахволда эканлиги ва бошқа инфратузилманинг ривожланмаганлиги). 	<ul style="list-style-type: none"> – туристик ва рекреация салоҳиятининги юкорилиги сабабли Нукус шаҳрида хамда Эликкалья, Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини ривожлантириш; – барча кишлоқ туманларида замонавий хизмат турларини ривожлантириши (компьютерли дастурлаш, интернет, почта ва янги молиявий хизматлар); – Нукус шаҳри ва Тўрткўл, Амударё, Эликкалья, Беруний туманларида балиқ маҳсулотларини сотувчи маҳсус дўконлар ташкил этиш; – минтақа индустриясининг ўсиш нукталарида (Мўйнок, Беруний, Хўжайли, Амударё, Тўрткўл туманлари) тегишили хизмат турларини ривожлантириш; – кишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизматларини кўрсатиш, уларни таъмирлаш, лизингга сотиш хизматларини янада ривожлантириш. 	<ul style="list-style-type: none"> – Амударёда сувнинг камайб кетиши ҳисобига минтақада экологик ахволнинг янада ёмонлашиши туризм, савдо-сотик, логистика ва бошқа хизмат турларининг ривожланшига салбий таъсир кўрсатади; – кўшни давлатлардаги иқтисодий ва сиёсий бекарорлик транспорт транзити, савдо хизматлари ва хизматлар экспорти ривожланишини чеклаб қўяди; – аҳоли даромадлари ўртасидаги тағовутларнинг ошиб бориши индустрисал марказларда хизматларнинг ривожланишига, кишлоқ жойларида эса унинг оркада колиб кетишига олиб келади; – хизматлар соҳасининг хозирги ҳолатда ривожланниш тенденцияси келажакда норасмий секторнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.
---	--	---	---

II. КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИ ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

2.1. Ривожланиш сценарийлари

Коракалпоғистон Республикасининг ривожланиши борасида ўтказилган стратегик таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақада юртимизнинг бошқа худудларига нисбатан ижтимоий-иктисодий жараёнлар ривожланиши ва экологик ҳолатнинг ёмонлашуви билан боғлик долзарб муаммолар мавжуд.

Таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозир минтақа ривожланишида яқин, ўрта ва узок муддатли истиқболда кўйидаги ҳолатларнинг сақланиб қолиш ва кучайиш эҳтимоли юқоридир:

- экологик ҳолатнинг ёмонлашуви билан боғлик равища минтақада сув ва ер ресурслари билан таъминланиш даражасининг камайиб бориши;

- иктисолиётда ижобий таркибий ўзгаришлар суст амалга оширилиши натижасида юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳаларнинг секин ривожланиши ва натижада кам даромадлилик муаммосининг янада кучайиши;

- иктисолиёт соҳаларини, айниқса, саноатни ривожлантириша экстенсив омилларга кўпроқ таяниб қолиш, модернизация ва диверсификация даражасининг пастлиги натижасида мавжуд табиий ва иктисолиётдаги устуворлигига барҳам берилмаслиги оқибатида минтақа ахолисининг харид қобилияти паст даражада қолиши;

- маҳаллий ташаббускорлик омилиниң нисбатан пастлиги натижасида тадбиркорликда янги ғоя ва лойиҳаларнинг камлиги саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланишига етарли даражада таъсир эта олмаслиги, меҳнат бозорида талаб ҳамда таклиф ўртасидаги мувозанатни саклаш имкони бўлмаслиги ва ҳ.к.

Ушбу жараёнларнинг яқин келажакда давом этиши минтақанинг ижтимоий-иктисолиёт ривожланишида ўрта ва узок муддатда кўплаб ижтимоий муаммоларнинг (ишсизлик, кам даромадлилик, меҳнат ресурслари ташқи миграцияси кучайиши, ахоли саломатлиги ҳамда таълим даражасининг пасайиши ва ҳ.к.) сақланиб қолиши ва кучайишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда Коракалпоғистонда юзага келган ижтимоий-

иктисодий холатни худудий **ривожланишнинг инерцион сценарийси** сифатида қабул килиш мумкин. Бундай қиёслаш минақада таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги оқсоқлик, мавжуд табийй ва иктиносий ресурслар ва салоҳиятдан асосан экстенсив омилларни ишга солган холда фойдаланиш, иктиносидиётнинг соҳаларида маҳаллий ташаббускорликнинг суст даражада қолаётганлиги ва бошқа бир канча объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади.

Минтақада юзага келган ижтимоий, иктиносий ва экологик муаммоларни ечишда, энг аввало, узок муддатга мўлжалланган таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, мавжуд табийй ресурслар ва иктиносий салоҳиятдан ахолининг юкори даромад манбаи бўлган соҳаларни, энг аввало, саноатни ривожлантиришда фойдаланиш дол зарб вазифа хисобланади. Буларнинг барчаси нафакат иктиносидиёт соҳаларини, шунингдек, минтақа ижтимоий ҳамда бошқарув тизимиши ҳам **модернизациялаш**, иктиносидиёт тармоқларини диверсификациялаш, уларнинг ракобатбардошлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш лозимлигини англаради.

Модернизациялаш сценарийсига кўра, энг долзарб вазифалардан бири – бу минтақа иктиносидиётини ривожлантиришга қаратилган маҳаллий ташаббусни шакллантириш ва кучайтиришdir. Минтақа нафакат хомашё ресурсларига, балки сифатли меҳнат ресурсларига ҳам эгалигини хисобга олиб, худудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича янги ғоя ва лойиҳаларни аниклаб олиш, улар асосида юкори самарадорликка эришишнинг энг мақбул омилларини ишга солиш талаб этилади.

Минтақадаги барча табийй имкониятлар, иктиносий салоҳият ва худудларнинг устунликларидан самарали фойдаланиш, бу борада мавжуд инвестицион ресурсларни белгиланган вазифалар доирасида тўплаш ушбу сценарийнинг асосий вазифаси ва мақсади хисобланади.

Умуман олганда, минтақанинг модернизациялаш сценарийси асосида ривожланиши “Инклузив ривожланиш” концепциясига хос бўлиб, нафакат иктиносий ўсиш жараёнлари, балки жамият хаётининг барча жабҳаларини қамраб олади ва Стратегия натижаларининг минтақада яшовчи ҳар бир киши учун ижобий таъсири сезиларли бўлишига хизмат қилади. Бунда глобал жараёнларнинг ижобий таъсиридан фойдаланган холда, салбий оқибатларидан ўз вактида ҳимояланиш, мавжуд молиявий ресурслар оқими ва капитал кўйилмаларни самарали тармоқлар ривожланишига йўналтириш, бу борада энг замонавий технологияларни жорий этиш (масалан, аль-

тернатив энергетика манбаларини яратиш каби лойиҳаларни амалга ошириш) кўзда тутилади.

Модернизациялаш сценарийси минтақада мавжуд ва қиёсий устунликка эга бўлган соҳаларни:

- табиий қазилма бойликларини кайта ишлаш саноатини (газ, газ конденсати, кимёвий хомашёлар, курилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вермикулит, оҳактош, цемент, гипс, норуда материаллар, безак тошлар ва ҳ.к.) ни қазиб олишни жадал суръатлар билан ривожлантириш;
- етиштирилаётган кишлок хўжалик маҳсулотларини кайта ишлашни (пахта хомашёси, ғалла, мева ва полиз экинлари) кенгайтириш;
- ҳалқаро ва магистрал темирйўл ва автомобиль йўлларидан иктисодиётни (энг аввало хизмат кўрсатиш тармокларини) ривожлантириша самарали фойдаланиш;
- минтақада мавжуд туристик салоҳиятдан кенг фойдаланиш ва ҳ.к.

Минтақа бошка ҳудудларга нисбатан ахоли жон бошига паст даромад кўрсаткичларига эга эканлигини ҳисобга олган холда, ахоли даромадларини ошириш максадида саноатнинг чукур қайта ишловчи тармокларини жадал ривожлантириш тақозо этилади. Албатта, бундай лойиҳаларни минтақа факат ўз имкониятлари билан амалга ошира олмайди. Шу боис ҳудуд учун ноанъанавий ва янги технологик заминни шакллантиришда кўшни вилоятлар билан ҳамкорликда ҳудудлараро ва тармоклараро лойиҳаларни амалга ошириш зарур. Бунда, аввало, курилиш материаллари саноати, кишлок хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноатига тегишли ҳудудлараро лойиҳалар устида иш олиб бориш лозим. Бу эса минтақа учун ички ва ташки бозорларда ўз ракобатбардошлигини мустаҳкамлаш имкониятини яратади.

Минтақанинг модернизацион сценарий асосида ривожланиши иктисодиётнинг йиллик ўртача ўсиш суръатларини қўшимча 2-3 фоиз миқдорида ошириш имконини беради. Бунда нафақат марказлаштирилган инвестиция маблағларини, балки чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицион омилларни ҳам тўлалигича реал иктисодиётни ривожлантиришга йўналтириш тақозо этилади.

Ушбу сценарийни амалга оширишда куйидаги ҳолатлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

- сармоядорларнинг инвестиция режаларига қўшни Қозоғистон иктисодий салоҳиятининг таъсир кўрсатиш эҳтимоли;
- ташки дунёда, айниқса, гарб давлатларида давом этаётган

глобал молиявий-иктисодий инқироз сабабли чет эл сармоялари хажмининг қисқариши мумкинлиги;

- изчил ривожланаётган минтақалар (Қашкадарё, Навоий, Бухоро ва бошқалар) иктисодий салоҳиятининг нисбатан тез ўсиб бориши натижасида ички инвестиция ресурсларининг ушбу вилоятлар инвестиция лойиҳаларига кўпроқ жалб этилиши;
- ташқи омилларнинг салбий таъсири натижасида марказлашган инвестиция оқимининг қисқариши мумкинлиги;
- атроф-муҳитнинг экологик заарланиш даражаси ортиб бориши натижасида иқтисодиётнинг тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш имкониятларининг чекла-ниши ва х.к.

2.2. Стратегиянинг миссияси ва бош мақсади

Минтақадаги мавжуд табиий ресурслар, иктисодий салоҳият ҳамда киёсий устунликларни рӯёбга чиқариш орқали:

- маҳаллий ташаббускорликка асосланган замонавий лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига минтақада саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг салоҳиятини ошириш;
- ёқилғи-энергетика маҳсулотлари, рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш ва бу борадаги энг замонавий технологияларни ўзлаштириш ва жорий этиш;
- мавжуд маҳаллий ҳомашёни кайта ишлаш негизида енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш;
- хизматлар турини қўпайтириш ва ҳажмини ошириш, халқаро сайёхлик ва транспорт коммуникацияси салоҳиятидан кенг фойдаланиш;
- мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, қишлоқ ҳўжалигида юкори самарадорликка эришиш ва бошқа омиллар минтақанинг иктисодий ривожланиш даражасини янги сифат босқичига кўтариш имконини беради. Бунинг самарасида эса минтақанинг ижтимоий-иктисодий жабҳалари ва манфаатлари йўлида бу имкониятлардан кенг кўламда фойдаланиш (инклузив ривожлантириш) мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиккан ҳолда, ўзига хос бетакор анъаналарга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд табиий бойликлари, иктисодий ва ижтимоий салоҳиятини минтақанинг инклузив ривожланишига йўналтириш орқали уни мамлакатимиздаги

Ўұртча ижтимоий-иктисодий ривожланган мінтақалар қаторига киришіга әрішиш ушбу **Стратегиянинг асосий миссияси** ҳисобланади.

Мінтақа іктисодиетіда саноат салохиятини ошириш, ақоли табиғаткорлығы ва маҳаллій ташаббускорликни янада ривожлантириш ички ва ташқи бозорда маңсулотлар, хизматтар тури ва қажмини күпайтириш, уларнинг ракобатбардошлигини ошириш йўли билан ақолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада юксалтириш мазкур **Стратегиянинг бош максади** ҳисобланади.

2.3. МІНТАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ МАНБАЛАРИ

2.3.1. Саноатни ривожлантириш

Қоракалпоғистон Республикасида саноат соҳасини ривожлантириш бўйича жорий аҳвол таҳлили саноат бир ёклама тараққий эттагани, саноат корхоналарини жойлаштириш мувозанатлашмагани, товарларнинг ички ва ташқи бозорда етарли даражада ракобатбардош эмаслиги, ақолининг истеъмол товарлари билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси кониқарсизлиги каби камчиликларни аниқлаш имконини берди. Ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланилмаёттани кескин муаммолардан бири бўлиб колмокда. Бу, бир томондан, ускуналарнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскиргани ҳамда уларни янгилаш жараёни суст кечаетгани, иккинчи томондан эса, корхоналарнинг хомашё билан таъминланиш даражаси пастлиги билан боғлиқдир.

Шунингдек, мінтақада ҳали ишга солинмаган захиралар ҳам мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланишини йўлга кўйиш эса мінтақада саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш даражаси ва маңсулот ракобатбардошлигини оширишга ёрдам бериши мумкин. Масалан, қўйидагилар мінтақада ракобат устуворлигини таъминловчи омиллар ҳисобланади:

Йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги. Қўнғирот сода заводи (Қўнғирот тумани), «Устюргаз» унитар шўъба корхонаси (Мўйнок тумани), қатор пахта тозалаш, дон корхоналари, ёғ мой комбинатлари, мінтақа ва мамлакатнинг қатор вилоятларини электр энергияси билан таъминлаб келаётган Тахиатош ИЭС (Хўжайли тумани).

Минерал-хомашё ресурсларининг мавжудлиги. Минтақада курилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун катта захира мавжуд: ғишт маҳсулотлари (Амударё, Беруний, Қанлиқўл, Кораўзак, Кегейли, Кўнғирот, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай ва Элликқалъа туманлари), коплама тошлар (Амударё тумани), керамзит хомашёси (Амударё ва Чимбой туманлари), цемент хомашёси (Кегейли ва Кораўзак туманлари), мармар (Беруний тумани), оҳак (Амударё, Беруний, Кораўзак, Кўнғирот ва Нукус туманлари) ишлаб чиқариш имкониятлари бунга мисол бўйла олади. Бундан ташқари, вермикулит захирасининг мавжудлиги (Кораўзак тумани) иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, темир-руда кони ва цемент хомашёси захираларининг мавжудлиги эса (Кораўзак тумани) янги темирбетон буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш имконини беради. Шунингдек, минтақада нефть (Кўнғирот туманидаги Устюрт платоси), газ конлари (Мўйнок тумани) мавжуд бўлиб, уларга ишлов бериш ёқилғи саноатини ҳамда аралаш соҳаларни (нефть-газ-кимё, курилиш материаллари саноати, тиббиёт, ва бошқалар) ривожлантиришни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ресурслари катта салоҳиятга эга. Минтақада пахта етишириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд (Амударё, Беруний, Кегейли, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъа туманлари). Бу тўқимачилик комплексини ташкил килиш ва унинг базасида ип-калава, мато, тайёр кийимлар ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, мева-сабзавотлар етишириш борасида ҳам юқори салоҳият мавжуд (Амударё, Беруний, Нукус, Тўрткўл, Элликқалъа ва Қанлиқўл туманлари), бу қайта ишланган маҳсулотлар (мева-сабзавот консервалари, томат пасталари, куритилган мевалар, зираворлар ва б.) ишлаб чиқаришни йўлга кўйишга ёрдам беради. Минтақа маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида гўшт маҳсулотлари ва консервалар, болалар учун қуруқ аралашмалар, қуруқ сут, қуюқ сут ва бошқа гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш (Амударё, Беруний, Кегайли, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъа туманлари), шунингдек, баликни қайта ишлаш, балиқ консервалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш (Тахтакўпир, Элликқалъа, Нукус, Мўйнок Амударё ва Беруний туманлари) салоҳиятига ҳам эгадир. Минтақанинг деярли барча туманларда қизилмия ёввойи холда ўсади. Уни қайта ишлаш эса доривор препаратлар, тўқимачилик саноати учун лак-бўёқ маҳсулотлари,

озик-овқат саноати учун турли күшимчалар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, янги техника ва технологиялардан фойдаланган холда, жун (Қораўзак, Қўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъа туманлари) ва коракўл терилар (Беруний, Қораўзак, Қўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари) дан таннархи паст ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш максадга мувофиқидир.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжуд. Қорақалпогистон Республикаси ўзининг географик жойлашувига кўра, мамлакатимиз бўйича энг юқори куёш (умуммамлакат салоҳиятининг 42,0%) ва шамол энергияси (умуммамлакат салоҳиятининг 38,3%)га эга минтақадир. Бу қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта шароит яратади (Қўнғирот туманидаги Устюрт платоси). Бирок, бу борада минтақанинг иклим хусусиятларини ҳам эътиборга олиш даркор (хаво ҳароратининг кескин пасайиши, кум бўронлари ва х.к.). Иклим шароити ва сувнинг мавжудлиги ҳаракатланувчи катта микдордаги хаво массаси энергиясини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш Устюртнинг (Қўнғирот тумани) кенг ҳудудида шамол энергетикасини ривожлантириш имконини беради²⁷. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, шамол энергетика курилмалари нефтичиларни ток билан ишончли таъминлайди, яқин атрофда йирик аҳоли пунктлари ва умумий фойдаланилайдиган электр станциялари бўлмаган чекка ҳамда бориш кийин бўлган ҳудудларда муваффакиятли ишлайди.

Хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ва айрим туманлар аҳолисининг тадбиркорликка мойиллиги. Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Элликқалъа ва Қанликўл туманлари аҳолининг тадбиркорликда фаоллиги, шунингдек, хунармандчилик ривожлангани билан ажralib туради. Мисол учун, минтақада ёғочдан курилиш материаллари ва мебеллар (Хўжайли, Тўрткўл, Чимбой, Элликқалъа ва Қанликўл туманлари), метал буюмлар (Амударё, Беруний ва Хўжайли туман-

²⁷ Шамол курилмалари ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқариш карбонат ангидрид гази ва бошқа заҳарли моддалар билан кечмайди, атмосферанинг иссиклик балансига таъсир кўрсатмайди, кислород имтеъмол килинмайди. Бундан ташкири, 1 МВт кувватта эга шамол генераторидан 20 йил фойдаланиш таҳминан 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг баррел нефти тежаш имконини беради.

лари) ясаш бўйича маҳаллий анъаналар, кулолчилик санъати (Амударё ва Тўрткўл туманлари), тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш (Амударё, Хўжайли, Чимбой, Элликқалъя ва Қанлиқўл туманлари), эсадалик совғалари тайёрлаш (Қанлиқўл тумани) ривожланган.

Шундай килиб, минтақа индустрисан жиҳатдан унчалик ривожланмаган бўлса-да, саноатни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Бу ерда индустрисан тармокни ривожлантириш шартлари ва манбалари қуидагилардан иборат:

- йирик саноат корхоналари ва минерал фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ёкилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё (Кўнғирот ва Мўйнок туманлари), шунингдек, қурилиш материаллари (Кораўзак, Кўнғирот, Беруний ва Амударё туманлари) саноатини ривожлантириш имконини беради.

- минтақа пахта етиштириш ва юкори сифатли пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга. Унинг жануби-шаркий худудида (Беруний, Элликқалъя ва Тўрткўл) саноат узели сифатида тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш имконияти мавжуд. Кадрлар салоҳияти ва қулай инфратузилманинг мавжудлиги хам мазкур комплекснинг самарали ишлашига ёрдам беради.

- минтақа жанубий худудлари аҳолисининг (Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъя туманлари) тадбиркорлик салоҳияти, кишлек хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материалларини қайта ишлаш бўйича кичик ишлаб чиқаришларни ташкил килиш тажрибаси тараққиётдан ортда колаётган бошка худудларни ривожлантиришда ушбу имкониятлардан фойдаланишда кўл келади.

- зарур ресурслар – кимё, ўсимлик (қизилмия томири) хомашёлари-нинг мавжудлиги мазкур минтақа учун Нукус шаҳрида фармацевтика ва парфюмерия-косметика каби янги саноат тармоғини ташкил килиш имконини беради. Шу билан бирга, бу озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва диверсификация килишга ёрдам беради (деярли барча туманларда).

Шуни айтиш мумкинки, қайд этилган шароитлар Қоракалпогистон Республикасида саноатни ривожлантириш, минтақада ҳар бир туман салоҳиятини самарали жалб қилиш эвазига мувозанатли тараққиётга эришиш учун барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бу борада қуидагилар минтақада саноатни ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ҳисобланади (2.3.1.1-чизмаси):

Саноатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари



– юкори технологияларни жалб этган ҳолда мавжуд ишлаб чиқариш базаси негизида "ишлаб чиқариши ривожлантириш нукталари"ни шакллантириш учун табиий-ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш. Мазкур йўналиш ишлаб чиқариш жараёсига минерал-хомашё ресурсларини жалб этишини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга асосланади.

– тайёр якуний товарларнинг қўшимча қиймат занжирини яратиш ва худудий ишлаб чиқариши ривожлантириш максадида истиқболли саноат лойиҳалари базасида маҳаллий хомашёни чуқур кайта ишлаш ҳисобидан аралаш тармоклар ва қўшимча ишлаб чиқаришларни ривожлантириш. Бу ресурс билан етарлича таъминланган худудларга (Хўжайли, Шуманай туманлари ва бошқалар) ишлаб чиқарилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва маҳаллий саноатни диверсификация қилишга ёрдам беради;

– ривожланишдан ортда колаётган, ресурс ва инфратузилма билан етарли даражада таъминланмаган худудларни жадал ривожлантириш максадида мавжуд номутаносибликни камайтириш

имконини берадиган худудлараро лойиҳаларни амалга ошириш. Бу вазифа хомашё ресурслари, тадбиркорлик, инновация имкониятларни, шунингдек, хунармандчиликни ривожлантириш анъаналарига эга бошқа худудлар салоҳиятини жалб қилиш хисобидан бажарилади. Бу, ўз навбатида, худудларни тараккий эттириш борасидаги тафовутга бархам бериш ва уларнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш имкониятини яратади.

— кам ривожланган худудларни қўллаб-куватлаш ва маҳаллий ахолининг тадбиркорлик ташаббусларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа ривожланган вилоятлари билан яқин ҳамкорлик асосида фаоллаштириш мақсадида худудлараро лойиҳаларни амалга ошириш. Худудлараро ҳамкорлик Қораўзак, Нукус, Шуманай, Тахтакўпир, Қанлиқўл, Мўйнок каби ривожланишдан ортда колаётган туманларни жадал ривожлантиришга туртки беради.

Кўйилган мақсад ва стратегик йўналишларни амалга ошириш учун куйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

мавжуд ишлаб чиқариш базасини модернизация килиш ва кенгайтириш хисобидан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш дараҷасини ошириш;

қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш асосида саноатни диверсификация килиш;

маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш хисобидан аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш;

минтақада юқори технологияларни ўзлаштириш ва ривожлантириш хисобидан ракобатбардош саноат ишлаб чиқаришини шакллантириш.

Қоракалпоғистон Республикасининг мавжуд салоҳияти ва ракобатбардошлик каби устуворликларини хисобга олган холда, келажакда минтақани изчил тараккий эттириш шарт-шароитлари белтиланди, «**худудларни саноат жиҳатидан ривожлантириш нуқталари**²⁸» ва саноатнинг истиқболли тармоклари аниқланди

²⁸ «Ишлабчиқаришни ривожлантириш жойлари»ни ишлабчиқишида маҳаллий ҳокимиёт органлари ва соҳа мутахассисларининг таклифлари, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1442, 2011 йил 31 октябрдаги «2012–2015 йилларда республика озик-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1633, 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 1855-карори, шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 18

(2.3.1.1-жадвал, 2.3.1.1-илова).

2.3.1.1-жадвал

Саноатни худудий ривожлантиришнинг истиқболли йүналишлари

Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳомашё ресурсларидан фойдаланиш	Аралаш тармоқларни ривожлантириш	Худудлараро лойихаларни амалга ошириш	Минтақалараро лойихаларни амалга ошириш
Амударё	△	▲		
Беруний	▲	△	○	
Қанликўл			■	
Кораўзак	▲		●	□
Кегайли			○	■
Қўнгирот	▲	△	○	
Мўйнок	▲	△	○	
Нукус	△		○	■
Таҳтакўпир			●	□
Тўрткўл	▲			
Хўжайли	△	△	●	
Чимбой	▲	△	●	□
Шуманай		△	●	□
Элликкальъа	▲			

Табиий-хомашё салоҳиятидан фойдаланиш:

▲ – кўп даражада

△ – кам даражада

Аралаш тармоқларни ривожлантириш:

▲ – кўп даражада

△ – кам даражада

Минтақалараро лойихаларни амалга ошириш:

● – кўп даражада

○ – кам даражада

Худудлараро лойихаларни амалга ошириш:

■ – кўп даражада

□ – кам даражада

Юкори табиий-хомашё салоҳияти (минерал-хомашё ва кишлок хўжалиги) ва мавжуд ишлаб чиқариш базасидан самарали фойдаланиш йирик инвестиция лойихаларини жалб этиш орқали истиқболда ривожланиш худудларини шакллантириш ва ишлаб чиқариш ривожланган жойларни ташкил қилиш имконини беради (2.3.1.1., 2.3.1.2-хариталар).

январдаги «2013 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришни чукурлаштириш дастур лойихаларининг прогноз параметрлари тўғрисида»ги 12-карорига киритилган чора-тадбирлар инобатта олинди.

2.3.1.1. Табиий хомашё салоҳиятидан самарали фойдаланиш

Қорақалпоғистон Республикаси учун ривожланиш нукталарини ташкил килиш, биринчи наебатда, углеводород хомашё конларини ўзлаштириш (Устюрт худудидаги Мўйноқ ва Кўнғирот туманлари) ва улардан оқилона фойдаланишга боғлик бўлади. Бу эса табиий газ қазиб олиш ва уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади. Инвестиция лойихалари орасида углеводород конларига (табиий газ) ишлов бериш ва қазиб олишга (Урга, Куатош конлари, Оқчалок гурухи, шунингдек, Устюрт худудидаги Камдин гурухи) қаратилган геология-кидирув ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси курилиши ҳам эътиборга лойикдир. Устюрт газ-кимё комплекси Ўзбекистонда иккинчи шундай корхона ҳисобланади (Шўртан газ-кимё комплексидан сўнг). Янги обьектда йилига 4-4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, қарийб 3 миллион тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, унинг 2/3 қисмини экспорт қилиш, колган қисмидан 110 минг тонна пиролиз бензин олиш, газдан кимёвий маҳсулотлар (362-400 минг тонна юкори зичлиқдаги полиэтилен, 83-100 минг тонна полипропилен) ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Комплекс технологияси юкори, ўрта ва паст босимли 150 турдаги полиэтилен ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Газ-кимё комплекси курилиши 1,5 мингта янги иш ўрнини яратиш имконини беради.


Қорақалпоғистон Республикасида газни чукур қайта ишлаш негизида кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан бир қаторда Кўнғирот сода заводи, Жамансой карьерида оҳактош ва Борсакелмас конида техник туз қазиб олиш кўпайиши муносабати билан кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш истиқболли вазифа бўлиб колмоқда.

Фойдали қазилма конларининг бой захираси мавжудлиги курилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир аҳамиятли лойихаларни амалга ошириш имконини беради ва бу худудларни саноатлаштириш ва ободонлаштириш жараённида курилиш материалларига бўлган талаб ортиб бораётгани билан боғликдир. Уй-жойлар, ижтимоий-маданий ва саноат обьектларини қуришда курилиш материалларига бўлган талабни инобатта олган ҳолда, цемент, темирбетон конструкциялари, шлакоблок, пишик ғишт, оҳак ва бошқа

материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир (Кораўзак, Кўнғирот, Беруний ва Амударё туманлари).

2.3.1.1-харита

Фойдали қазилма конларидан оқилона фойдаланиш базасида ишлаб чиқаришни жойлаштириш схемаси



Масалан, мавжуд цемент хомашёси конлари базасида Шимолий Жамансойда цемент заводини куриш таклиф этилмоқда (Кораўзак тумани). Мазкур ишлаб чиқариш объектини ташкил этишда Орол денгизининг ғарбий қирғоғида цемент ишлаб чиқариш борасида кимматбаҳо хомашё саналган оҳакгил минералларининг катта заҳираси мавжудлиги мухим омил бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, маҳаллий фойдали қазилмалардан фойдаланиш асосида:

- вермикулит концентратидан фойдаланган ҳолда иссиқлик изоляция курилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил килиш (Кораўзак тумани);

- ғишт, оҳак, шлакоблок, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (Кўнғирот, Кораўзак ва Беруний туманлари), шунингдек, фаолият кўрсатаётган "Амударё курилиш материаллари"

масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чикиришни модернизация килиш хисобига шлакоблок ва пишик ғишт ишлаб чикириш кувватларини ошириш (Амударё тумани) максадга мувофиқдир.

Қораўзак тумани ҳудудида Тебинбулқ титан-магнет кони мавжудлиги боис бу ерда металлургия базасини яратиш учун катта имкониятлар бор. Масалан, таркибида металл бўлган бўлаклар (бойитилган руда) ишлаб чикириш бўйича тоғ-кон бойитиш комбинатини барпо этиш катта истиқболга эга. Ушбу бўлаклар Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати ва Навоий тоғ-кон-металлургия комбинати учун дастлабки хомашё хисобланади. Келажакда кайта инвестиция сарфлаш оркали минтақа ҳудудида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаридиган металлургия комбинатини куриш имкони пайдо бўлади. Мисол учун, рельс ишлаб чикиришни ташкил этиш мумкин ва бу минтақанинг ички ҳудудларини боғлайдиган темир йўллар куриш учун шароит яратади.

Мутахассисларнинг фикрича, Тебинбулқ кони захиралари мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари (Жиззах, Тошкент) ҳудудидаги шундай конлар захирасидан анча кўпdir. Коракалпоғистон ҳудудида металлургия саноатининг хомашё базасини ташкил килиш нафақат мамлакатимиз корхоналарини зарур хомашё билан таъминлаш, балки экспорт килиш имконини ҳам беради²⁹.

Минерал-хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қўйидаги вазифаларни ҳал этиш максадга мувофик:

1. Ёқилғи маҳсулотлари (суюлтирилган газ, бензин), кимё маҳсулотлари (полиэтилен, полипропилен, минерал ўғит, лак-бўёқ материалилари, елим ва бошқалар) ишлаб чикиришни йўлга қўйиш максадида Устюрт ҳудудидаги Урга, Куатош, Окчалок гурухи, шунингдек, Қандим гурухига кирадиган конларни ўзлаштириш ва уларда углеводородлар (табиий газ) казиб олишга қаратилган геология-кидирув ишларини ўтказиш. Цемент ва ғишт хомашёсими ишлаб чикириш жараёнита кенг жалб қилиш максадида цемент (Қораўзак тумани) ва ғишт хомашёси (Амударё, Кўнғирот ва Тўрткўл туманлари) конларида геология-кидирув ишларини амалга ошириш. Тебинбулқ конида (Қораўзак тумани) ишлов бериш ишлари-

²⁹ Мазкур таклифларни ишлаб чикишда маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Коракалпоғистон бўлими олимларининг фикрлари хисобга олинди.

ни кучайтириш ва хомашё базасини яратиш максадида захираларни кидириш ҳамда тасдиқлаш. Махсулотга бўлган талабни ўрганиш ва тақрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун манфаатдор томонларни жалб килиш.

2. Газни кайта ишлаш бўйича маҳсус қурилмалар билан жиҳозланган тадқикот лабораторияларини ташкил этиш (Мўйнок ва Кўнғирот туманлари).

3. Ихтисослаштирилган омборхона ва саклаш жойларини ташкил этишни ўз ичига олган қулай инфратузилма билан таъминлаш. Бу борада хомашё, транспорт таъминотига яқинлик ва тегишли ишлаб чиқариш базаси мавжудлигини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш масаласи ишлаб чиқилиши лозим (Кўнғирот тумани). Бунда Хўжайли туманидаги фаолият кўрсатмаётган нефть базасидан фойдаланиш мумкин.

4. Корхоналарни электр энергияси, газ ва сув билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш, мукобил манбалар ҳамда замонавий энергия тежайдиган технологиялар хисобидан энергетика ресурслари билан таъминлашни оширишга доир мукобил лойиҳаларни топиш. Бу, ўз навбатида, энергия сарфини камайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу Тахиатош ИЭСда (Хўжайли тумани) ишлаётган бут турбиналарини демонтаж қилиш ва янгилашни ўрнатиш хисобидан кўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш (230-250 мВт), ёкилғи ёқадиган замонавий технологияларни жорий этиш масаласини ҳал қилишга кўмаклашади.

Қоракалпогистон Республикаси ахолиси фойдали казилмалардан оқилона фойдаланиш баробарида пахта етиштиришда ҳам бой тажрибага эга. Бу ерда юкори сифатли пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув шакллангани, кадрлар салоҳияти ва қулай инфратузилманинг мавжудлиги минтақанинг жануби-шаркий кисмида (Беруний, Элликқалъя ва Тўрткўл туманлари) саноат узели сифатида тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш имконини беради.


Масалан, ишлаб чиқариш салоҳияти негизида ички ва ташқи бозор талабларига мувофиқ ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва инновация технологияларини жорий этиш учун база бўлиш имкониятига эга ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўйидаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- "Астера текстиль" масъулияти чекланган жамиятида йиги्रув корхоналарини модернизация килиш (Беруний тумани);
- "Tortkol Asaka Tekstil" масъулияти чекланган жамиятида (Түрткүл тумани) ишлаб чикариш күвватларини көнгайтириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чикаришни йўлга қўйиш;
- "Global national textile" масъулияти чекланган жамиятида (Элликқалъа тумани) йиги्रув ва тайёр маҳсулот ишлаб чикарадиган корхоналарни модернизация килиш;
- янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, пахта толасини қайта ишлайдиган, юқори сифатли ва таннархи паст тайёр маҳсулотлар ишлаб чикарадиган (йигирилган ип, пайпок буюмлари, ёстик ва кўрпа жилдлари, момик кўрпа, ёстик, трикотаж полотно ва ундан тайёрланган буюмлар) тўқимачилик комплексини ташкил килиш (Беруний ва Элликқалъа туманлари);
- жундан маҳсулотлар ишлаб чикаришни йўлга қўйиш (жун кўрпа, кийимлар, гилам маҳсулотлари ва бошқалар) (Элликқалъа тумани);

2.3.1.2-харита

Кишлоқ хўжалиги хомашёсидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чикаришларни жойлаштириш схемаси



Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш учун истиқболли имкониятлар озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бөғлиқ ва бу ахоли зич жойлашган худудлар учун ниҳоятда долгзарбидір. Ахолининг асосий кисми айнан қишлоқ жойларда яшаши әйтиборга олиниб, унинг шу ерда ишлаб чиқарылған, сифатли ва арzon товарларга бүлгап талаби-ни кондиришга қаратылған озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мұхим ахамият касб этмоқда.

Коракалпогистон Республикаси йодланған туз, мева-сабзавот ва гүшт-сүт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бүйічә ҳозирча фойдала-нилмаётган катта салоҳиятта эга. Қишлоқ хұжалиги ресурслари, меңнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш максадида ички ҳамда ташқи бозорга мүлжалланған қатор ишлаб чиқарыларни ташкил килиш таклиф этилмокда:

- Күнғирот сода заводи билан ҳамкорликда мавжуд минерал туз конлари базасида йодланған ош тузи ишлаб чиқаришни ташкил килиш (Күнғирот ва Чимбой туманлари);
- фаолият күрсатаётган корхоналарда ёғ ишлаб чиқариш күvvatларини кенгайтириш (Беруний, Хұжайли ва Чимбой туман-лари);
- гүшт маҳсулотлари, консервалар, ярим тайёр маҳсулотлар, бо-лалар учун курук аралашмалар, курук ва қуюқ сут, маргарин, тво-рог, пишлок ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чикарадиган гүшт-сүт комплексини барпо этиш (Хұжайли, Тұртқұл ва Элликқалъа туман-лари);
- мева-сабзавот консервалари, томат пастаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш (Нұкус ва Чимбой ту-манлари).

Қишлоқ хұжалиги хомашёсими чукур қайта ишлашга оид лойихаларни муваффакиятли амалға ошириш учун күйидаги вази-фаларни ҳал этиш лозим:

1. Ишлаб чиқариш жараёнига турли функционал хусусиятларга зга (терапевтик, оғрик қолдирувчи, аллергияга қарши, ўтга чидам-ли, биоактив ва бошқа), қулай ва зытиборни тортадиган товарлар ишлаб чиқариш бүйічә истиқболли технологияларни жорий этиш.
2. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайти-риш учун ахолидан хомашё йигиб олиш имконини берадиган харид марказларини ташкил килиш, мева-сабзавотларни саклаш учун қулай шароитларни шакллантириш (омборхона ва музлатиш камералари).

3. Янги авлод маҳсулотлар, жумладан, минерал ва нутриентлар билан бойитилган, белгиланган мақсадда ишлатиладиган, маҳсус даволаш ва профилактика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун янги технологиялар ва биотехнологияларни жорий килиш ҳисобидан ахолини соғлом озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

4. Жаҳон амалиётида фойдаланилаётган, сувни ишлаб чиқаришга кайтарадиган айланма сув таъминотининг мутлақо янги схемаларини ўзлаштириш ва жорий этиш ишлаб чиқариш харажатларини хамда маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

5. Кадрлар билан таъминлаш тизимини шакллантириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш хамда маҳсулотларни стандартлаштиришни жорий килиш.

6. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хорижий фирмалар ва тадбиркорларга инвестиция имкониятлари хамда аниқ шерикларни тошида ёрдам бериш.

2.3.1.2. Бир-бiri билан узвий боғланган ва ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш

Маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш асосида ривожланниш бўйича таянч нуқталарни шакллантириш истиқболда аралаш ва кўшимча тармоқларни ривожлантиришга туртки беради. Уларни ривожлантириш эса минтақа учун янги, ноанъанавий сифатли маҳсулот турларини яратиш, ички бозорнинг янги харидоргир материалларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва шу тарика маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификацияланиш даражасини оширишга кўмаклашади.


Масалан, ривожлананаётган ёкилғи-энергетика комплекси базасида мамлакатимизнинг ички ва бошқа ҳудудларида хамда хорижда талаб мавжуд бўлган кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш максадга мувофиқдир (2.3.1.2-чизма). Барча саноат тармоқлари, транспорт, кишлоқ хўжалиги, мудофаа ва ёкилғи-энергетика комплекси, шунингдек, хизмат кўрсатиш, савдо, илм-фан, маданият ва таълим соҳалари чукур қайта ишланган нефть-газ хомашёсидан тайёрланган маҳсулотлар истеъмолчилари ҳисобланади.

Кимё ва курилиш материаллари саноатини ривожлантириш минерал ўғит, синтетик аммиак, пластик шиша, пенопласт, турли курилиш елимлари, лак-бўёқ материаллари, бўёклар, полиэтилен ва

полипропилен кувурлар каби маҳсулотлар турларини ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқдир.

2.3.1.2-чизма

Ёқилғи-энергетика комплексининг бир-бири билан узвий боғлиқ ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларини жойлаштириш схемаси



Бундан ташкари, Ўзбекистонда машинасозликнинг ривожланиб бораётгани туфайли (Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари) конструкцион полимер материаллар, маҳсус лак-бүек қопламалари, изоляцияловчи, шовкин кайтарувчи ва бошка материаллардан тайёрланған деталларга талаб ортиб бормокда.

Автомобиллар учун маҳсус шиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, енгил саноатни кенг ривожлантириш кимёвий тола ва ип ишлаб чиқаришни күпайтиришни такозо этади.

Кишлоқ хўжалигининг ривожланётгани, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ҳосилни кишлоқ хўжалиги зааркунандаларидан химоя килиш борасидаги талаблар ҳам ортиб бораётгани турли хил минерал үғитлар (хлорли калий, карбамид, аммиак селитра) ишлаб чиқаришни күпайтиришни талаб килмокда.

Айни вақтда, кимё саноати маҳсулотлари – дори препаратлари,

парфюмерия-косметика воситалари, шунингдек, озик-овқат саноати учун қадоклаш материаллари ва турли сиғимдаги идишлар тиббىёт ҳамда кундалик ҳамда ҳам күлланилмоқда.

«Астера текстиль» (Беруний тумани), «Tortkol Asaka Tekstil» (Түрткүл тумани), «Global national textile» (Элликқалъа тумани) масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чикаришни модернизация қилиш ва кентгайтириш асосида түкимачилук комплекси негизида бир-бири билан узвий боғлиқ ҳамда турдош ишлаб чикаришларни ривожлантириш истикболда ягона ишлаб чикариш технологик занжир билан бирлаштирилган барча турдаги товарлар ишлаб чикаришни кенгайтириш, хомашे харид қилиш ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш, инновацияларни жорий қилиш имконини беради.

Кичик корхоналар, йирик бизнес цехлари, уй хўжаликлари бир-бири билан узвий боғлиқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чикарувчи асосий корхоналар хисобланади (2.3.1.3-чизма).

2.3.1.3-чизма

Енгил саноатнинг бир-бири билан узвий боғлиқ ва турдош ишлаб чикаришларини жойлаштириш схемаси

БАЗДВИЙ ГАРМОҚЛАР

“Астера текстиль”, “Tortkol Asaka Tekstil” ва “Global national textile” масъулияти чекланган жамиятларида
Беруний, Түрткүл, Элликқалъа туманлари ишлаб чикариш куявларини кенгайтириши неизида
түкимачилук мажмумини яратиш

билин боғланган ва турдош ишлаб чикаришлар

Ил ва муслиналар (Амударё, Кўнгирот, Элликқалъа туманлари);
Ил-газламалар (Амударё, Беруний, Элликқалъа туманлари);
Тикувчилик буюмлари (барча туманларга);
Трикотаж газлама ва ўқдан маҳсулотлар (Амударё, Нукус туманлари);
Максус қийимлар (Кўнгирот, Хўжайли туманлари);
Пайпайлар (Түрткүл, Хўжайли туманлари);
Бош кийими ва рӯмоллар (Мўйинқол, Тахтакўтиш туманлари);
Пойбозал (Чимбод тумани);
Терини дастлабки қайта ишлаш (Беруний, Кўнгирот, Тўрткўл, Тахтакўтиш, Корсаўзак, Элликқалъа туманлари);
Чармин кайта ишлаш (Нукус шаҳри, Мўйинқол тумани);
Чарм-тапандерия буюмлари (Нукус шаҳри, Хўжайли, Элликқалъа туманлари);
Жунни кайта ишлаш ва намат тайёрлаш (Кораўзак, Кўнгирот, Тўрткўл, Тахтакўтиш, Элликқалъа туманлари);
Жун маҳсулотлари (Кўнгирот, Тахтакўтиш туманлари);
Тиббий биниглари, нахта (Нукус шаҳри);
Турли фурнитура ва аксессуарлар (Амударё, Мўйинқол туманлари);
Ногайлама материвлар (Хўжайли, Кўнгирот, Мўйинқол туманлари) ва б.

Бир-бири билан узвий боғлиқ ва ёрдамчи ишлаб чикаришларни жойлаштириш қуйидаги катор вазифаларни ҳал этишини талаб қилади:

1. Тармокларни хомашёни қайта ишлаш ва ташқи бозор талаблари-га жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган кўшилган қиймат занжири бўйича ривожлантириш имкониятлари-ни ўрганиш янги турдаги товарлар яратиш ҳамда ишлаб чиқариши диверсификация қилиш имконини беради.

2. Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бренд-ли маҳсулот яратиши рағбатлантириш, товарларни нафакат ички, балки ташқи бозорда ҳам сотиш, кўргазмалар, ярмарка ва бошқа тадбирларни ўтказишида фаол катнашиш зарур.

3. Товар ишлаб чиқаришда янги авлод технологияларини жорий қилиш: юкори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган юкори самарали технологияларни кўллашни кенгайтиришга доир ишларни амалга ошириш.

4. Корхоналарда талаб юкори бўлган мутахассислар ва юкори малакали кадрлар (маркетолог, менежер ва бошқалар) мавжудлиги-ни киёсий баҳолаш, зарур ҳолларда уларни маҳаллий коллежларда тайёрлаш.

5. Автомобиль йўллари ва темирйўллардан фойдаланиш имконини берадиган ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, ташиблар хажмини кўпайтириш, қурилиш материалларини етказиб бериш, ортиш ва саклаш схемаларини оптималлаштириш мақсадида маҳсус терминалларни яратиш масаласини ҳал этиш.

6. Маҳаллий ташаббусга асосланган инвестиция лойиҳалари, бўла-жак инвесторларнинг маълумотлар базасини яратиш, лойиҳаларни техник-иктисодий асослаш бўйича изчил ишларни амалга ошириш, уларни узоқ муддатли истиқболда минтақани ҳудудий ва комплекс ривожлантириш омиллари билан боғлаш.

7. Маҳаллий ва ҳудудлараро бозорни истеъмол товарлари билан бойитиш учун мавжуд хомашёдан оқилона фойдаланиш асосида маҳаллий қайта ишлаш саноати салоҳиятини ошириш (йирик корхоналар, кичик бизнес ва касаначиликни жалб қилган ҳолда);

8. Юкори малакали мутахассисларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараённига жалб этиш учун уларнинг маълумотлар базасини яратиш, маҳаллий юкори малакали мутахассисларни бошқа мамлакатлар ва минтақалардан қайтариш учун иктисодий воситаларни кўллаш.

Қишлоқ туманларида марказлаштирилган сув, газ ва энергия таъминотини шакллантирган ҳолда, фаолият кўрсатмаётган саноат майдонлари ҳамда бўш турган тайёрлов ташкилотларидан фойда-

ланиш асосида кичик тадбиркорлик ва маҳаллий ишлаб чиқариши ривожлантириш учун кичик саноат ҳудудлари ва техник-жорий килиш паркларини ташкил этишини рағбатлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-куватлаш зарур.

2.3.1.3. Ҳудудлараро лойиҳаларни амалга ошириш

Ҳудудлараро лойиҳаларни амалга ошириш маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда, индустрисал ривожланнишини рағбатлантиришга доир тадбирларни биргаликда бажаришга йўналтирилади. Мазкур лойиҳалар кам ривожланган ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқаришини фаоллаштириш учун яхши ривожланган туманлар салоҳиятидан фойдаланишни кўзда тутади.


Масалан, чет элда талаб юкори бўлган кизилмия томирини чукур қайта ишлашни ташкил килиш шундай йўналишлардан биридир. Ушбу ишлаб чиқариши таянч нуқталари ривожланган туманлар – кизилмия томирига бирламчи ишлов бериш корхоналари мавжуд бўлган ва уларни модернизация килиш режалаштирилаётган Қораўзак, Тахтакўпир ва Шуманай туманларида жойлаштириш максадга мувофиқдир.

Саноатнинг барча тармоклари, шу жумладан фармацевтика, парфюмерия-косметика, қандолатчилик, спиртли ичимликлар, тўқимачилик, рангли металлургия, шунингдек, кишлок хўжалиги тармоклари чукур қайта ишланган кизилмия томиридан тайёрланган маҳсулотлар истеъмолчилари ҳисобланади (2.3.1.4-чизма).

Таркибида кимматбаҳо моддалар бўлган ва қайта ишланган кизилмия томири маҳсулотлари турли дори воситалари, косметика ва парфюмерия буюмлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Кизилмия томиридан озиқ-овқат саноатида нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш учун озиқ-овқат қўшимчалари сифатида фойдаланиш, енгил саноатда эса уни матоларни бўяша қўллаш мумкин.

Бундан ташкири, кизилмия поясидан арконлар, дағал ип, мебель учун тўшама материал, шчётка олиш учун тола тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Тўқимачилик соҳаси ривожланаётган ва кизилмияни қайта ишлаш кўзда тутилаётган туманларнинг географик жиҳатдан бири-бирига яқинлиги эътиборга олиниши зарур. Бу хомашёни етказиб бериш учун транспорт харажатлари ва вакт сарфини камайтириш имконини беради.

Кизилмия томирини саноат йўли билан қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришларни жойлаштириш схемаси



Худудлараро ривожланишини таъминлашда Кўнғирот, Хўжайли туманлари ва Тахиатош шахри салоҳиятидан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Мазкур худудлар ресурсларидан фойдаланиш асосида аккумулятор ишлаб чиқариши ривожлантириш шундай йўналешлардан бири бўлиши мумкин. Масалан, Хўжайли туманида аккумулятор ишлаб чиқарадиган корхона жойлашган бўлиб, якин келажакда мазкур корхона фаолиятини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 2013 йил охиригача Тахиатош шахрида ҳам шундай корхона ташкил килиш режалаштирилмоқда. Кўнғирот сода заводида, ўз навбатида, мазкур турдаги маҳсулот (каустик сода) ишлаб чиқарish учун зарур хомашёни тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу тариқа, Кўнғирот сода заводининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиб, аккумулятор ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг тадбиркорлик салоҳияти ҳамда тажрибасини жалб этган ҳолда, якин атрофда жойлашган (Шуманай, Қанлиқўл ва Нукус туманлари) ва олис ҳамда суст ривожланган туманлар (Мўйнок) худудида тегишли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш мумкин (2.3.1.5-чизма).

Бу борада Тахиатош шахрининг кадрлар салоҳиятидан фойда-

ланиш яхши самара беради. Мисол учун, бу ерда таълим инфратузилмаси яхши ривожлангани натижасида иктисодиёт, энергетика ва политехника йўналишида ўрта махсус касб-хунар кадрлари тайёрланмоқда. Бу кадрларни чекка, суст ривожланган туманлардаги ишлаб чиқаришларга жалб қилиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, масалан, уларга ишга жойлашишда бирон-бир имтиёз бериш зарур.

2.3.1.5-чизма

Мавжуд салоҳиятдан фойдаланган ҳолда аккумулятор ишлаб чиқаришни ривожлантириш



Кўнғирот ва Хўжайли туманлари худудида транспорт ҳамда энергетика инфратузилмасининг мавжудлиги ташишларни кам маблағ сарфлаган ҳолда амалга ошириш имконини беради. Бирок, бу факат яқин атрофда жойлашган Шуманай, Канлиқўл, Нукус туманлари учун фойдалидир. Мўйнок сингари шароити мураккаб тумани тараққий эттириш учун зарур инфратузилмани жадал ривожлантириш мақсадга мувофик.

Таклиф этилаётган корхоналар махсулотлари ҳам саноат корхоналари (Хоразм вилоятида автомобилсозлик ривожланаётганини эътиборга олган ҳолда), ҳам аҳоли томонидан харидоргир бўлади.

Кўнғирот сода заводи, шунингдек, Хўжайли туманининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиб, бу туманда ойна саноатини кайта тиклаш зарур. Масалан, туман худудида йирик ойна ишлаб чиқариш заводи мавжуд бўлиб, унинг фаолияти маълум сабаблар туфайли тўхтатилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Оролбўйининг гарбий худудларида (Мўйнок ва Кўнғирот туманлари) таркибида ойна ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланиладиган крем-

ний бўлган кварц қуми захираси бор. Қорақалпоғистонда ойна саноатини қайта тиклашга доир лойиҳани амалга оширишда бу имкониятни ҳам инобатга олиш зарур. Бирок, бу кенг кўламли геология-кидирув ишлари ўтказишни талаб қиласди.

Юкорида кайд этилган барча муаммоларни ҳал этиш орқали мазкур корхонада Қўнғирот сода заводи хомашёсидан фойдаланган ҳолда, ойна ва ойна буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мумкин. Корхонада зарур ускуналарнинг борлиги ва унинг инфра-тузилма обьектлари билан таъминлангани катта имкониятдир. Келажакда ушбу завод маҳсулотларини (ойна буюмлари) диверсификация қилиш мумкин. Маҳсулотга иқтисодиётнинг авомобилсозлик, фармацевтика, озик-овкат, қурилиш ва бошқа тармоқларида талаб катта бўлади.

Қўнғирот сода заводида тайёрланаётган маҳсулотдан фойдаланиб, кимё тармоғида ҳам турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш максадга мувофиқдир.

Кимё ва ойна саноати корхоналарини жойлаштириш схемаси 2.3.1.6-чизмада келтирилган.

2.3.1.6-чизма

Қўнғирот сода заводи ишлаб чиқарни салоҳиятидан фойдаланган ҳолда бир-бирига яқин ҳудудлар ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш

Қўнғирот сода заводи ишлаб чиқарни салоҳиятидан фойдаланман (Қўнғирот шумани)

Шина ишлаб чиқарни салоҳиятини ривожлантириш:
(Хўжайга шумани)

Тиббий, оптика, электр вакуумли шина, юниша идишлар, дори-лармон төрмоги учун импульслар, идиш-төвок ва б.

Кимё санавигини ривожлантириш: (Қўнғирот, Шуманай, Қонгик ёз шуманиари)


Синтетик ювиш воситалари, совун, спиртлар, глицеринлар, ёғли кислоталар

Ишламаётган таъмирлаш-механика заводлари фаолиятини қайта тиклаш ҳам ҳудудлараро ҳамкорликнинг яна бир йўналиши

бўлиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида шундай заводлар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти хомашё (металл) етишмаслиги сабабли тўхтаб колган. Шу боис мазкур таъмирлаш-механика заводлари фаолиятини ҳудудлараро кооперация алоқалари оркали ҳам қайта тиклаш зарур. Бунда Қораўзак тумани (темир-руда кони мавжуд) ва Нукус шахри (кора металлар тайёрлаш бўйича «КК икки карамет» шўъба корхонаси) салоҳиятидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун эса темир-руда конига ишлов бериш ва Нукус кора металлар тайёрлаш заводининг ишлаб чикириш кувватларини ошириш чора-тадбирларини кўриш зарур. Шунингдек, таъмирлаш-механика заводларининг дастгоҳлар паркини қайта тиклаш ва янгилаш керак. Ҳудудий жойлашув хусусиятларини инобатга олган ҳолда, таъмирлаш-механика заводларининг металл буюмлар ишлаб чикириш фаолиятини Ҳўжайли, Чимбой, Кегайли, Қораўзак ва Беруний каби туманлар ҳудудида йўлга кўйиш мақсадга мувофик (2.3.1.7-чизма).

2.3.1.7-чизма

Кўшни ҳудудлар салоҳиятидан фойдаланиш асосида таъмирлаш-механика заводларини жойлаштириш схемаси



Таъмирлаш-механика заводлари маҳсулотларига турли саноат ва кишлоп хўжалиги тармоқларида талаб мавжуд.

Уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун эса тегишли инфратузилмани яратиш зарур. Хомашё етказиб берилиши таклиф этилаётган Қораўзак тумани олислиги ва транспорт инфратузилмаси нуқтаи назаридан ривожланмагани инобатга олиниб,


бошка туманлар билан темир ва автомобиль йўли алоқасини ривожлантириш ўта долзарб масала хисобланади.

Таъмирлаш-механика заводлари фаолиятининг қайта тикланиши билан юкори малакали мұхандис-техник мутахассисларга талаб пайдо бўлади. Шу муносабат билан тегишли мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳал этиш зарур.

Етарли даражада ривожланмаган бошка худудларни ривожлантириш учун жанубий туманлар салоҳиятидан фойдаланиш худудлараро ҳамкорликнинг яна бир йўналишига айланади. Бу йўналишда Мўйнок, Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой ва Кегейли туманларини саноат соҳасида ривожлантириш учун Амударё, Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл ва Хўжайли туманларида яшайдиган аҳолининг тадбиркорлик тажрибасидан фойдаланиш мумкин (2.3.1.8-чизма).

2.3.1.8-чизма

Тараққий этган туманлар салоҳиятидан суст ривожланган туманларни ривожлантиришда фойдаланиш йўналишлари



Жанубий туманларнинг тадбиркорлик жиҳатидан фаол аҳолиси мева-сабзавот, гўшт-сүт, балиқ ва бошка турдаги озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тажрибасига эга. Шунингдек, жанубий худудлар оҳак, фишт, цемент, қоплама буюмлар (Амударё, Элликқалъа, Беруний ва Тўрткўл туманлари), юкори технологиялар асосида йўлак плиткалари, сопол кошинлар (Хўжайли тумани) каби курилиш материаллари ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳам эга. Бу ерда маълум даражада ёғоч, жундан тайёрланган буюмлар, тикуучилик, сопол буюмлар ишлаб

чиқариш бўйича ҳунармандчиллик ҳам ривож топган. Бошқа ҳудудларга қараганда, ушбу ҳудудлар аҳолиси катта молиявий имкониятларга эга бўлиб, уларнинг инвестиция салоҳиятидан ортда қолаётган туманларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин (2.3.1.8-чизма).

Минтақада ривожланишга эришиш учун минтақа ҳудудлари ўртасида хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳудудларни газ, электр энергияси ва сув билан узлуксиз таъминлашга эришиш муҳим ҳамда кечикириб бўлмайдиган тадбирлар хисобланади. Айниқса, Тахтакўпир, Кораўзак, Шуманай, Мўйнок ва бошқа олис, шароити оғир туманларда транспорт ва темирийўл инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда модернизация килиш масаласини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Транспорт инфратузилмасининг ривожланмагани мазкур ҳудудларнинг тараккиётдан ортда колишида асосий сабаб бўлаёттир. Бундай ҳолат минтақа ҳудудининг катталиги ва ахоли пунктларининг бир-биридан олисда жойлашгани туфайли ҳам мураккаблашмоқда.

Аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги саводхонлигини ошириш бўйича Савдо-саноат палатасининг туман бўлимлари ишини янада фаоллаштириш, маҳаллий тадбиркорларнинг нафакат Ўзбекистон, балки бошқа давлатларда (Хитой ва бошқалар) ўtkазилаётган инновация ярмаркаларида иштирокини ташкил қилиш орқали маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини кучайтириш лозим.

Кичик саноат корхоналарини ташкил қилиш учун бўш турган ва ишламаётган обьектлардан самарали фойдаланиш, уларни “ноль” кийматда инвесторларга сармоя киритиш шарти билан бериш имкониятларини кўриб чиқиш керак.

Туманларда банк инфратузилмасини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг конвертациядан фойдаланиши ва кредитлар олиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсаддага мувофик.

Ривожланмаган туманлардан (Мўйнок, Тахтакўпир, Кораўзак ва бошқалар) ривожланган ҳудудларга (Хўжайли, Нукус шаҳри ва бошқалар) кадрлар кетиб колиши билан боғлиқ салбий тенденцияни инобатта олган ҳолда, бунга барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Суст ривожланган туманларда бизнесни ташкил қилиш мақсадида тадбиркорлар учун рағбатлар тизимини ташкил этиш ҳам муҳим вазифалардандир.

2.3.1.4. Худудий ривожлантиришда минтақалараро ҳамкорлик


Суст ривожланган туманларни ҳудудлараро ҳамкорлик воситасида ривожлантириши рағбатлантириш күзда тутилмоқда. Шуманай, Қанлиқўл, Нукус, Қораўзак ва Тахтакўпир туманларини шундай ҳудудлар сирасига киритиш мумкин. Қоракалпогистон Республикаси саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида бу туманлар улуши икки фойздан ошмайди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикасининг ривожланган вилоятлари билан хўжалик алоқаларини ўрнатиш оркали меҳнат салоҳияти ва табиий-иктисодий ресурсларга эга маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини кучайтириш мақсадида тажриба лойиҳаларини ҳаётга татбик этиш йўли билан амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Келажакда бу шундай салоҳиятга эга бошка яқин атрофдаги туманларда инновацияларни ривожлантириш ва жорий қилиш учун туртки бўлади.

Намангандардан жойлашган «Дамбоғ пойабзал савдо» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда Нукус туманида пойабзал ишлаб чиқариши ташкил этиш ана шундай тажриба лойиҳаси сифатида таклиф этилмоқда. (2.3.1.9-чизма).

2.3.1.9-чизма

Пойабзал ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш схемаси



Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида ахоли буюртмаси бўйича пойабзал тикилмокда, холос. Бироқ, ушбу турдаги маҳсулотни саноатлашган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки минтақада, хусусан, Нукус туманида бунинг учун зарур хомашё захираси мавжуд (тери, кимё хомашёси).

Мазкур ҳудудлараро лойихани Нукус тумани ҳудудида «Дамбоғ пойабзал савдо» хусусий корхонасининг филиалини ташкил қилиш орқали амалга ошириш мумкин³⁰.

Масалан, Нукус туманига яқин ҳудудларда чорвачилик, демак, тери етиштириш яхши ривожланган бўлиб, хомашёни ушбу туманлардан етказиб бериш мақсадга мувофиқдир. Кимё ишлаб чиқаришининг ривожланиб бораётгани (Кўнғирот, Мўйнок, Хўжайли ва Амударё туманлари) пойабзал учун тагчарм ва бошқа деталлар ишлаб чиқаришда зарур бўлган полиуретан ва бошқа хомашёни кам маблағ сарфлаган ҳолда транспортда етказиб бериш имконини яратади.

Мазкур ишлаб чиқариш учун кадрлар тайёрлаш ишлари таклиф этилаётган вилоятдан келган тажрибали мутахассислар томонидан ўқитиш йўли билан амалга оширилади.


Шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни етказиб бериш, тайёр маҳсулотни сотиши мақсадида яқин жойлашган Хўжайли туманининг ривожланган транспорт инфратузилмасидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, маркетинг ва реклама хизматлари тармоғини ривожлантириш, Нукус ва бошқа туманлар ҳудудида чакана савдо дўконлари тармоғини ташкил қилиш зарур.

Мазкур ҳудуд ва бошқа вилоятлар (Хоразм вилояти) субъектлари маҳсулот истеъмолчилари бўлади.

Фармацевтика ва парфюмерия-косметика саноатини ривожлантириш ҳам минтақа ҳудудларини саноатлаштириш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ушбу ишлаб чиқаришлар Коракалпоғистон Республикаси ҳудудида умуман йўқлиги ҳисобга олиниб, бу йўналишларни ривожлантириш ишларини қўйидаги схемада акс эттирилган ҳудудлараро тажриба лойихасини амалга оширишдан бошлиш мақсадга мувофиқдир (2.3.1.10-чизма).

³⁰ Наманганда жойлашган «Дамбоғ пойабзали савдо» хусусий корхонаси ҳудуддаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, табиий материаллардан эркаклар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

**Фармацевтика ва парфюмерия-косметика
тармокларини ривожлантириш бўйича
тажриба лойиҳасини амалга ошириш схемаси**



Бундай лойиҳани Тошкент шаҳри ва вилоятидаги корхоналар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этиш мумкин (филиаллар ташкил килиш ва инвестициялар жалб этиш шаклида). Негаки, ушбу туманларда фармацевтика саноати, инновациялар технологиялари ва бошқарув услубларидан фойдаланиш анча ривожланган.

Асосий таянч нукталарни Нукус шаҳри, Корайзак, Тахтакўпир, Шуманай, шунингдек, Кегейли, Чимбой ва Нукус туманлари ҳудудида жойлаштириш максадга мувофиқдир. Кимё саноатини янада жадал ривожлантириш асосида Қўнғирот, Мўйнок, Хўжайли, Амударё туманларидан зарур хомашё етказиб бериш таъминланади. Якин жойлашган туман ҳудудида қизилмия табиий равишда ўсадиган катта майдонлар ва уни қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги ундан фармацевтика ва парфюмерия учун муҳим ўсимлик хомашёсини ажратиб олиш имконини беради.

Юкори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, бир томондан, маҳаллий олий ўқув юртлари салоҳиятини жалб қилиш, иккинчи томондан эса, маҳаллий кадрларни бошқа ҳудудлардаги (Тошкент шаҳри ва вилояти) мутахассислар томонидан ўқитишдан фойдаланиш зарур.

Маҳаллий аҳоли, шунингдек, ижтимоий соҳа субъектлари – шифохоналар, врачлик пунктлари, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқалар фармацевтика саноати маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари бўлади. Фармацевтика ва парфюмерия-косметика

маҳсулотларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам сотиш мўлжалланмоқда.

Бошқа соҳалардаги йўналиш ва лойиҳалар ҳам, хусусан, озиқ-овқат саноатига тегишли ҳудудлараро лойиҳа истиқболли ҳисобланади. Мисол учун, Самарқанд вилоятидаги корхоналар билан минерал сув ишлаб чиқаришга доир тажриба лойиҳасини ишлаб чиқиш шундай йўналишлардан биридири.


Масалан, Шуманай ва Чимбой туманларидағи мавжуд ерости минерал сув манбалари базасида ичимлик минерал сувини ишлаб чиқариш ва қуишини йўлга кўйиш мумкин (2.3.1.11-чизма).

Минтақа аҳолисининг асосий қисми учун тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти чеклангани, унга бўлган талаб эса асосан бошқа ҳудудлардан олиб келиш эвазига қондирилётгани инобатга олинса, мазкур ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўта долзарб ҳамда муҳим масала экани равshan бўлади. Бу борада тегишли замонавий ускуналарни ўрнатиш, юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш, маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича муайян нормаларни белгилаш ва уларга қатъий риоя этиш зарур.

Минтақада тоза ичимлик сувига бўлган кескин эҳтиёж эътиборга олинадиган бўлса, Чимбой, Шуманай, Кўнғирот, Мўйнок ва бошқа туманлар субъектлари маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари бўлади.

2.3.1.11-чизма

Минерал сув ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш схемаси



Худудлараро лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун куйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари ўртасида яқин кооперация алоқаларини ўрнатиш;
- энергетика, газ таъминоти, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, зарур ресурслар билан узлуксиз таъминлаш;
- мамлакатимизнинг бошқа худудларидан малакали мутахассислар билан тажриба алмашиб орқали мутахассисларни интенсив ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- туманларда банк инфратузилмасини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг конвертациядан фойдаланиш ҳамда кредит олиш имкониятларини янада кенгайтириш.

2.3.2. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш

Таҳлиллар натижасида мавжуд имкониятлар ва минтақанинг ўзиға хос устунликларини ҳисобга олиб, унда аграр соҳани ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган асосий йўналишлари, мақсад ҳамда вазифалари белгиланди. Натижада минтақанинг буғунги табиий-иклим шароити, экологик, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодий самараси паст бўлган сугориладиган ҳамда маълум сабабларга кўра бўш турган майдонлардан унумли фойдаланиш, экологик мухитга мос ноанъянавий фаолият турларини ривожлантириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига тупрок унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари соҳани ривожлантиришдаги асосий стратегик йўналишлар сифатида белгиланди.

2.3.2.1 Экилмаётган ва иқтисодий самараси паст бўлган сугориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш

Минтақада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда аҳолининг моддий таъминотини яхшилашда сўнгги йилларда экилмай келинаётган кариб 270 минг гектар сугориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш ҳам мухим стратегик аҳамият касб этади. Ушбу ерлардан омилкорлик билан фойдаланишини амалга ошириш учун куйидагилар таклиф этилади:

1. Ахоли томонидан кишлек хұжалик маҳсулотлари етиштириш мулкчиликнинг бошқа шаклларига нисбатан самарали эканлигини эътиборга олиб, экилмай келинаётган ерларнинг асосий кисмини оиласвий пудрат шартномалари асосида уларга узоқ муддатта бириктириб бериш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун хар бир туманда захира ерлар харитасини тузиш ва ахолига уларни оиласвий пудрат шартномаси асосида бериш тартибларини ишлаб чикиб, танлов асосида ер майдонларини ажратиш мүмкін бўлади. Бугунги кунда минтақада (Тахиатош шаҳрини ҳам хисобга олганда) 286,8 минг оила истикомад қилаётган бўлиб, ўтказилган сўровлар натижасига кўра, уларнинг 70 фойиздан ортиғи кишлек хұжалик маҳсулотлари етиштириш учун қўшимча ер майдонларига эҳтиёжи борлигини билдирган. Тахминий хисоб-китобларга караганда, бу тадбирларни амалга ошириш эвазига ахоли томонидан қўшимча 1,2 млн. тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ишлаб чиқариш ҳажмининг эса қарийб олти баробар ўсишига эришиш мүмкін.

2. Илғор фермер хўжаликларига етиштириладиган маҳсулотлар турини (шолидан ташкари) ихтиёрий жойлаштириш шарти асосида қўшимча ер майдонлари ажратиш эвазига 50 минг гектардан ортик ерда дехкончилик килиш имкони мавжуд. Бунинг натижасида қўшимча 400 минг тоннадан ортик турли хил қишлек хұжалик маҳсулотлари етиштириш мүмкін бўлади (2.3.2.1-жадвал).

3. “Қўнгирот сода заводи” унитар корхонаси, “Нукус вино заводи” очик акциядорлик жамияти, “КК дан онимлери” очик акциядорлик жамияти, “КК икки карамет” шўъба корхонаси, “Юлдуз” очик акциядорлик жамияти, “Амударё курилиш материаллари” масъулияти чекланган жамияти, “Беруний толаси” очик акциядорлик жамияти, “Етгар” очик акциядорлик жамияти, “Халқабад момиги” акциядорлик жамияти, “Устюргаз” унитар шўъба корхонаси, “Тўрткўл ок олтин” очик акциядорлик жамияти, “Тўрткўл дон” масъулияти чекланган жамияти, “Tortkol Asaka Tekstil” масъулияти чекланган жамияти, “Тахиатош ТЭС”, “Тахиатош дон маҳсулотлари” очик акциядорлик жамиятлари, “Хўжайли толаси” акциядорлик жамияти, “Турон-Хўжайли”, “Чимбой май”, “Чимбой дон” ва “Элликқалъа олтин толаси” очик акциядорлик жамиятлари каби минтақада фаолият кўрсатаётган **20** дан ортиқ йирик саноат корхоналарининг хар

бирига ўзи жойлашган ёки талаб қилған туман худудидан құшимча 500 гектаргача ер майдони ажратиш 10 минг гектарга яқин ердан самарали фойдаланиш имкониятими беради.

2.3.2.1-жадвал

**Қорғалғыстон Республикасида
экилмай келинаётган сүғориладиган ерлардан самарали
фойдаланиш йұналишлари, минг га**

№	Туманлар номи	Фойдала-нилмаёт-тан экин майдонла-ри, жами	Шундан:			
			аҳолига	илгор фер-мер хужа-ликларига	йирик санаат корхона-ларига	бошқа ви-лоятлар-дан жалб килинадиган аҳолига
	ҚҚР бүйічә жами	269,6	61,1	52,0	9,8	146,6
	шу жумладан, туманлар:					
1.	Мұйнок	19,0	1,4	0,2	2,0	15,4
2.	Шуманай	18,1	2,1	2,0	1,0	13,1
3.	Нұкус	15,3	3,6	6,5	1,5	3,8
4.	Тұртқүл	7,9	4,4	3,5		
5.	Беруний	10,8	7,1	3,7		
6.	Хұжайлы (Тахиатош ш.)	11,8	9,9	1,9		
7.	Элликқалъа	10,6	6,6	4,0		
8.	Тахтакүпир	23,5	2,2	0,5	1,0	19,9
9.	Қанлиқүл	22,0	2,0	4,2	1,0	14,7
10.	Қораўзак	22,5	2,2	4,3	1,0	15,0
11.	Амударә	7,6	4,1	3,5		
12.	Құнғирот	26,3	6,5	4,5	1,0	14,3
13.	Чимбай	36,1	4,9	7,4	0,5	23,3
14.	Кегейли	38,0	4,3	5,8	0,8	27,1

4. Мамлакатимиз вилоятларининг дехқончилик ривожланган туманлари билан минтаقا туманлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйиб, унга кўра тажрибали дехқонларни имтиёзли шартлар асосида минтақага жалб килиш мумкин. Ҳар бир туманга бошка вилоятлардан тажрибали дехқонларнинг жалб килиниши заҳира ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, маҳаллий аҳолининг дехқончиликка бўлган муносабатини кескин ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хисоб-китобларга кўра, суғориладиган ер майдонларидан тўлик фойдаланиш амалдаги озиқ-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,5 баробардан ортикрокка ўсишини таъминлаш билан бирга соҳадаги расмий бандлар сонининг кўпайишига ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча ер солиги тушумини таъминлаш имконини яратади. Ушбу ер майдонларининг жозибадорлигини ошириш мақсадида экин турларини талаб ва таклифдан келиб чиккан ҳолда эркин жойлаштириш (шолидан ташқари) хуқукини ҳамда етиштирилган кишлок хўжалик маҳсулотлари экспортига ҳеч кандай чекловлар жорий этилмаслигини кафолатлаш лозим бўлади.

Кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантиришда ҳосилдорлиги паст бўлган экин турлари ўрнига бошқаларини жойлаштириш, суғориладиган экин майдонларидан самарали фойдаланиш, айрим туманлар ихтисослигини қайта кўриб чикиш, илғор технология ва услубларни қўллаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иктиносидий таҳлиллар айрим туманларда пахта ва ғалла етиштириш сарф-харажатлари ошиб, ҳосилдорлиги эса пасайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Натижада уларни етиштириш иктиносидий жиҳатдан самарасиз бўлиб, фермер хўжаликларининг кредиторлик карзлари ўсиб бормоқда. Шу сабабли пахта ва ғалла экин майдонларини оптималлаштириш, иктиносидий самарасиз бўлган майдонларни босқичма-босқич кискартириш орқали уларнинг ихтисослашувини ўзгартириш лозим бўлади. Пахтачилик йўналиши бўйича Тўрткўл, Шуманай, Кегейли, Беруний, Хўжайли ва Элликқалъа туманларини, ғаллачилик йўналиши бўйича эса Мўйноқ, Тўрткўл ва Тахтакўпир туманларини иктиносидий самараси паст бўлган худудлар сирасига киритиш мумкин.

Тахлил натижалари ҳозирги вактда бундай майдонлар минтақа бүйіча 7,2 минг гектарни ташкил этишини күрсатмоқда. Маҳаллий мутахассисларнинг таклифлари ва жойлардаги мавжуд ижтимоий-иктисодий вазиятни эътиборга олган ҳолда, ушбу майдонларнинг 4,8 минг гектарида озик-овқат маҳсулотлари ҳамда 2,4 минг гектарида ем-хашак этишириш тавсия этилади (2.3.2.1-илова).

2.3.2.2 Экологик мухитга мос ноанъанавий фаолият турларини ривожлантириш

Минтайканинг табиий шарт-шароитини эътиборга олган ҳолда, бир катор ноанъанавий экин турларини ривожлантириш катта иктисодий самара беріши мүмкін. Орол бүйі туманларыда сұғориладиган 6 минг гектар бўз ерлар ва 89,8 минг гектар ўрмон-зорлар мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу туманларнинг ҳар бирида ҳар йили ўртача 100 гектардан жийдазорлар ташкил этиш самарали ҳисобланади. Чунки жийда дарахти илди-зида азот элементини тўпловчи туганак бактериялар (актиномицет) мавжуд бўлганлиги сабабли тупрокни озукабоп минераллар билан таъминлашга ёрдам беради. Шу боисдан бу дарахтни ҳалқ орасида “тупрок мелиоратори” ҳам дейилади. Бундан ташқари, мевасидан озик-овқат саноатида фойдаланиш мүмкін бўлса, дарахтидан тўқимачилик саноати учун сифатли елим олиш, елим асосида фармацевтика соҳасида маҳсус эмулсияли дорилар тайёрлаш, пўстлоги ва баргларидан терини ошлашда фойдаланиш мүмкін. Унинг гуллари асалариларга, барглари эса чорва учун тўйимли озука ҳисобланади.

Картошка этиширишнинг санарадорлик даражаси пастлиги ва бу табиий имкониятлар чекланганлиги билан боғлиқлиги кайд этилган эди. Унинг ахоли томонидан этиширилишини кўллаб-қувватлаган ҳолда, фермер хўжаликлари томонидан эса картошкадошлар оиласига кирувчи топинамбур этиширишни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Мевасининг ҳосилдорлиги минтайкада этиширилаётган картошканикidan 10 баробар (500-1200 ц/га) ва пояси эса (тўйимли озука ҳисобланаб) маккажӯхори ҳосилдорлигидан 6 баробар (350-700 ц/га) юкоридир. Топинамбур меваси 20 хилдан ортиқ кислота, оксил ва углеводларга эга озука бўлиши билан бирга спирт саноати учун муҳим ҳомашё

ҳам ҳисобланади. Топинамбурдан гектарига 7-8 тоннадан саха-
роза олиш мумкин.³¹

Ундан спирт чиқиши 8 фоизни ташкил этиб, буғдойга нисбатан
4 баробар кам. Аммо ҳосилдорлиги (400-1000 центнер) юкорилиги
сабабли 1 гектарда етиштирилган топинамбурдан 500 литрга
яқин спирт ишлаб чиқариш имкони бўлса, худди шунча майдонда
етиштирилаётган галладан Ўзбекистон Республикасида (47,3 ц/га)
150 литрдан ортик ва минтақада (24,9 ц/га) 80 литрга яқин спирт
ишлаб чиқарилади.

Топинамбур пояси чорва учун тўйимли озука, биогаз олиш учун
(1 тонна поядан 500 м³ биогаз олиш мумкин) ҳамда қофоз саноати
учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади. Вегетация даврида сув кўп
(июль-август ойларида ҳар 2-3 ҳафтада суғориш) талаб килиниши
сабабли уни сув таъминоти яхши бўлган Тўртқўл, Беруний, Аму-
дарё, Кораўзак, Нукус ва Хўжайли туманларида етиштириш таклиф
этилади.

Таҳлил килинаётган даврда дуккакли ўсимликлар етишти-
риш 1,9 баробар кўпайиб, 732 тоннани ёки ахоли жон бошига 430
граммни ташкил этмоқда. Улар сувни кам талаб килиши, ер унум-
дорлигини ошириши, пояси чорва учун тўйимли озука, уруғи эса
экспортбоп маҳсулот эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу
ўсимликларни етиштиришни кўпайтириш максадга мувофиқлар. Хусусан, нўхат азот тўпловчилик хусусиятига эга бўлиб, тупрокни
азотга бойитади, дон экинларидан олдин экилганда, ерни бегона
ўтлардан тозалашда яхши натижা беради. Ҳосилдорлиги ўртacha
лалми ерларда 8-10 центнерни, суғориладиган ерларда 30-32 цент-
нерни ташкил этади. Шу сабабли минтақанинг барча туманларида
дуккакли ўсимликларни етиштиришни ривожлантириш максадга
мувофик ҳисобланади.

Бошка худудларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам
мойли экинлар етиштиришга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Аммо ушбу экинларнинг ҳосилдорлиги (кунгабокар ва кун-
жутники 20 ц/га, масхарники эса 10 ц/га) паст бўлиб, уларнинг
шўрга чидамли, серхосил навларини яратиш селекционерлар

³¹ Пасько Н.М. Топинамбур – биотехнологический потенциал для пищевых, лечеб-
ных, технических, кормовых и экологических целей // Сб. науч. тр. "Инновацион-
ные технологии и продукты". – Новосибирск: Типограф. СО РАМН, НТФ "АРИС",
1999. – Вып. 3. – С. 9-16.

олдидаги мұхим вазифалардан биридир. Илгари мойли әкинлар ахоли томорқаларыда етиштирилиб, кундалик әхтиёж учун ишлатилған бўлса, сўнгги йилларда уларни фермер хўжаликлири томонидан ҳам етиштириш кўпайиб бормоқда. Минтақада етиштирилаётган олти минг тоннадан ортик мойли әкинларнинг бир қисми маҳаллий саноат корхоналарига етказиб берилаётган бўлса, колган қисмини кўшни вилоят тадбиркорларига ҳомашё сифатида сотиш билан чекланиммоқда. Пахта чигитидан фарқли равишида ноанъанавий мойли әкинлар уругини кичик цехларда кайта ишлашга руҳсат этилган. Тажриба замонавий кичик мойжувозларни Қанликўл, Қўнғирот ва Чимбой туманларидан ташкил этиш имконияти юқорилигини кўрсатмоқда. Қайта ишлашни ташкил этиш аҳолининг экологик тоза ўсимлик ёғи таъминотини яхшилаш билан бирга, зарур ҳомашё сифатида қандолатчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик каби йўналишларнинг ривожланишида мухим омил бўлади.

Ток сувни кам талаб қилиши, илдизи ер тубига чукур кирмаслиги сабабли шўрга чидамлидир. Шу хусусиятларига кўра уни шимолий ва Орол бўйи туманларига жойлаштириш фикри пайдо бўлиши мумкин. Аммо токнинг совукка чидамли навларигина -20 даражагача совукка бардош беради. Ушбу туманларда эса хаво ҳарорати -40 даражадан ҳам пасайиб кетиши натижасида ер сатҳи 1 метргача музлайди. Бу кўмилган ток новдаларини ҳам совук уриш хавфи юқорилигини кўрсатади. Минтақанинг табиий иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда, узумнинг қиши нисбатан илик келадиган Беруний, Нукус, Амударё, Хўжайли, Тўрткўл, Элликқалъа ва Тахтакўпир туманлари фермер хўжаликлари томонидан етиштирилишини кўллаб-куватлаш мухим аҳамиятга эга.

2.3.2.3. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига тупрок унумдорлигини ошириш

Таҳлиллар сизот сувлар сатҳининг кўтарилиши, ер балл бонитетининг яхшиланмаётгани ҳамда айрим маҳсулотлар ҳосилдорлиги пасайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса минтақада амалга оширилаётган мелиорация тадбирлари самараадорлигининг пастлигидан далолат беради. Вазиятнинг яхшиланишига эришиш максадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Магистрал зовурлар асосан реконструкцияга мухтожлиги, реконструкция килинадиган объектлар қатъий талаблар асосида тандаб олинишини эътиборга олган ҳолда, маҳаллий ишчи гурухлари томонидан асосий эътибор хўжаликлараро зовурларни тозалашга қаратилмоқда. Натижада минтақада бажарилган умумий иш ҳажмининг атиги 4 фоизга якини магистрал зовурлар хиссасига тўғри келмоқда, холос. Ички ва магистрал зовурлар кувватлари ўртасидаги номутаносибликтининг мавжудлиги уларнинг иш самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли таклиф тайёрлаш жараёнига ички ва магистрал зовурлар фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини жорий этиш лозим бўлади.

2. Мелиорация объектларининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, тендер ўтказиш, молиялаштириш, назорат ўрнатиш ва бажарилган ишларни кабул килиб, объектни ўз балансига олиш Қоракалпоғистон Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси томонидан амалга ошириб келинмоқда. Барча тадбирларнинг бир ташкилот томонидан амалга оширилиши табиий равишда айрим камчиликларга кўз юмиш ва белгиланган меъёрларга тўлиқ амал килмаслик ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли Қоракалпоғистон Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси ваколатларини қайта кўриб чиқиш зарур.

3. Ҳозирги вактда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойихада кўрсатилган иш ҳажмининг бажарилиши назорат қилинмоқда, холос. Зах сувларнинг чиқарилиши, сизот сувлар сатхининг пасайиши, ер балл банитетининг ва ҳосилдорликнинг ўзгариши каби мелиорация ишлари самарадорлигини белгиловчи омилларни комплекс таҳлил қилишни жорий этиш лозим. У объектларнинг тўғри танланганлигини баҳоловчи кўрсаткич бўлиб, маҳаллий ишчи гурухлари масъулиятини оширишга хизмат қиласди. Шу сабабли мутасадди вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат ишчи гурухлари тузиб, улар томонидан мелиорация ишлари самарадорлигини баҳолаб бориш мақсадга мувофиқдир.

4. Ерлар қайта шўрланишининг олдини олиш мақсадида мелиорация ва ирригация тадбирларини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш лозим.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик сугориладиган майдонлар ҳамда уларга яқин ерларда кўплаб экологик муаммолар, жумладан, шўрланиш ва ботқокланиш, тупроқнинг емири-

лиши ҳамда сув ресурслари сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Минтақа шароитида сувдан оқилона фойдаланиш мели-оратив холатни яхшилаш, экин майдонларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини кисқартириш ҳамда минтақанинг сув таъминоти кафолатини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Сувни тежаш борасида қуидаги чора-тадбирларни сифатли амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

1. Ер ўзанли каналларда сув ирофгарчилигини камайтириш мақсадида уларни бетонлаш ва ноанъанавий усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Каналларнинг туви ва ёнларини полиэтилен пленка билан қоплашни ноанъанавий усуллардан бири сифатида таклиф этиш мумкин. Тажрибада мазкур усул сув сарфини 40 фоизгача камайтириш имконини берган³². Ҳисоб-китобларга кўра, Қорақалпоғистонда сув ресурсларининг табиий ирофгарчилиги йилига 3 млрд. метр кубдан ортиқни ташкил этиб, уни 50 фоизга кисқартириш иқтисод қилинадиган сув ҳисобига кўшимча 100 минг гектардан ортиқроқ ерни суғориш имкониятини яратади.

2. Далалар атрофини химояловчи экинлар билан ўраб, ерларнинг намлигини саклаш. Бу борада тут шўрга чидамлилиги билан минтақа мухитига мос дараҳт ҳисобланади. У сизот сувлар сатҳининг пасайишида, далаларда сувнинг буғланишини камайтиришда ва экинларнинг яхши ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Тут чумчук ва бошқа қушлар кўпайишида, кўсак қурти каби зарарли ҳашаротларга карши курашда ҳам катта самара беради. Мавжуд 515,2 минг гектар суғориладиган ерлар атрофи ариклардан иборат бўлиб, уларнинг бўйларига тут дараҳтларини экиш мумкин. Тутзорларнинг кўпайиши пиллачиликни ривожлантириш учун ҳам хизмат килади. Минтақада тут плантацияларининг камлиги (маълумотларда 3,5 минг гектар кайд этилаётган бўлса-да, жойларда ўтказилган кузатувлар киши совуқ келган охирги йилларда уларнинг катта кисми аҳоли томонидан кесиб, иситиш максадларида фойдаланилганлигини кўрсатмоқда) ҳамда хомашёни қайта ишлаш қувватларининг мавжуд эмаслиги пиллачилик соҳасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

³² Р.Эшchanов, Х.Жабборов, П.Сайдов. Сувдан фойдаланувчилар асоциацияси (СФА) ичida ирригация тармоғида сувдан қандай қилиб самарали фойдаланиш керак? Хоразм вилояти мисолида. Урганч давлат университети.


2.3.2.4. Минтақада озик-овқат маҳсулотлари етиштиришини кўпайтириш истиқболлари

Таҳдил натижалари минтақа етиштирилаётган анъанавий озик-овқат маҳсулотларидан факат шоли ва полиз маҳсулотлари билан ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эканлигини кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб кишлок хўжалик маҳсулотларига бўлган ички талаб 1,2 баробар ўсишини, маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига ички истеъмолнинг бир кисмигина қондириб келинаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, соҳада катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозимлиги маълум бўлади. Жумладан, ички талабни тўлиқ қондириш учун амалдагига нисбатан узумни – 7,5 марта, меваларни – 5 марта, тухумни – 4,3 марта, картошкани – 3,8 марта, сабзавот маҳсулотларини – 2,2 марта, сутни – 2 марта ва гўштни – 1,3 марта кўп ишлаб чиқариш талаб этилади (2.3.2.2-жадвал).

Бунинг учун ҳосилдорликнинг ўргача ўсиш даражасини саклаб колган ҳолда, сабзавот ва картошка экиладиган майдонларни 18,1 минг гектарга, боғларни 7,9 минг гектарга ва узумзорларни 1,8 минг гектарга кенгайтириш тақозо этилади (2.3.2.1-расм).

2.3.2.1-расм

Минтақа аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун экин турлари структурасида амалга оширилиши лозим бўладиган ўзгаришлар, минг га



Қўшимча талаб этилаётган майдонларнинг асосий кисмини фойдаланилмаётган ерлар, шунингдек, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалла экин майдонларини оптималлаштириш хисобига ажратиш мумкин.

2.3.2.2-жадвал

Минтақада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш истиқболлари

Маҳсулотлар тури	Ўлчов бирлиги	Амалдаги ишлаб чиқариши (2012 йил ҳолатига)	2030 йилга бориб ички эктиёжни тўлиқ таъминлаш учун ишлаб чиқариш талаб этиладиган миқдор	2012 йилга нисбатан ўсиш даражаси, баробар
Узум	минг тонна	4,2	24,7	5,9
Гўшт	минг тонна	69,2	93,4	1,4
Картошка	минг тонна	36,4	109,3	3
Мева	минг тонна	30,5	120,5	4
Сабзавот маҳсулотлари	минг тонна	166,4	286	1,7
Тухум	млн дона	96,8	416,2	4,3
Сут	минг тонна	224,8	442,3	2

Минтақада дехқончилик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳосилдорликни оширишда фермер хўжаликлари ихтисослашувини чукурлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Жойларда фермерлар билан бўлган сұхбатларда бир фермер хўжалиги томонидан ҳам пахта, ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш кутилган самарани бермаётганлиги таъкидланди.

Дехқончиликни ривожлантириш таҳлили натижалари Нукус, Амударё ва Беруний туманларида нисбатан бу борарадаги салоҳият юкори эканлигини кўрсатаётган бўлса, Мўйнок ва Кўнғирот туманларида у жуда пастлигидан далолат бермокда (2.3.2.3-жадвал).

Юкоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, минтақа фермер хўжаликлигининг ихтисослашувини такомиллаштириш уларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши орқали молиявий ҳолатнинг мустаҳкамланишига

хизмат килади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ жойларидага қайта ишлаш кувватларининг яратилишини рағбатлантириши мумкин.

2.3.2.3-жадвал

Дехкончиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Туманлар	Пахта	Бүгдой	Шали	Сабзавот	Картошка	Мева	Узум	Полиз маҳсулотлари	Мойли экинлар
Амударё	▲	■	●	▲	▲	▲	▲	■	■
Беруний	▲	■	■	▲	■	▲	▲	■	●
Қанликўл	■	■	▲	■	●	■	■	▲	▲
Қораўзак	■	■	■	●	■	■	●	■	■
Кегейли	●	■	■	●	■	■	■	■	■
Қўнғирот	■	●	■	●	●	●	●	●	▲
Мўйнок	▲	●	●	●	●	●	●	●	■
Нукус	●	▲	▲	▲	▲	▲	■	▲	■
Тахтакўпир	●	▲	▲	●	●	■	■	▲	■
Тўрткўл	■	■	■	■	■	■	■	■	■
Хўжайли	■	●	●	■	■	■	■	■	■
Чимбой	●	■	■	■	■	■	■	■	▲
Шуманай	●	■	■	●	●	●	■	●	■
Элликқалъа	▲	■	●	▲	■	■	■	■	■

▲ – юкори салоҳият

■ – ўртача салоҳият

● – паст салоҳият

Ихтисослашувни чукурлаштиришда ҳар бир туманинг табиий-иклим шароити ва қишлоқ хўжалик соҳасидаги тарихий анъаналарини зътиборга олиш зарур. Бу борада озиқ-овқат

маҳсулотларининг алоҳида турлари билан ҳар бир туман ички талабининг тўлиқ қондирилишига эришиш вазифасини кўйиш максадга мувофиқ эмас. Чунки асосий турдаги озик-овкат маҳсулотлари билан ички талабни тўлиқ қондириш сиёсати истеъмол бозори хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан макро дарражада самарали ҳисобланса-да, уни туманлар даражасида татбик этиш бозор иктисодиёти шароитида доим ҳам самарали бўла-вермаслигини ҳаётий мисоллар тасдиқламокда. Шуни зътиборга олган ҳолда, дехкончилик йўналишида анъанавий маҳсулотлар турини етиштиришни ривожлантириш бўйича куйидагилар таклиф этилади:

1. Минтақада меванинг олма, ўрик, шафтоли, гилос, бехи, нок, олхўри, анжир ва анор каби турлари етиштирилмоқда. Уларнинг асосий кисми Амударё, Беруний, Элликкалья, Нукус ва Тўрткўл туманлари хиссасига тўғри келади. Ушбу туманларда табиий шарт-шароит нисбатан кулайлигидан ташкари, аҳолида дехкончилик бўйича амалий кўнникма яхши шаклланган. Шу сабабли минтақа аҳолисининг мевага бўлган ички талабини қондиришда асосий зътиборни юқоридаги беш туман ролини янада мустаҳкамлашга каратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ушбу туманларнинг ҳар бирида фермер хўжаликлари томонидан 2 минг гектарга яқин янги боғлар ташкил этилса, етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмининг 3 баробардан ортикроққа ўсиши орқали ички талабни қондириш имконияти туғилади. Янги боғларни ташкил этиш эса кўшимча молиявий ресурсларни талаб этади, албатта. Ҳозирги вактда 1 гектар интенсив боғ яратиш учун 60-65 млн. сўм, маҳаллий боғлар учун эса 5 млн. сўм талаб этилишини зътиборга оладиган бўлсак, ҳамма фермер хўжалиги ҳам бундай имкониятга эга эмас. Шу сабабли минтақада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида имтиёзли кредит ресурслари ҳажмини кўпайтириш мухим аҳамиятга эга.

Жанубий туманларда меванинг барча турларини етиштириш имконияти мавжуд бўлса, бошка туманларда эса ҳар бир тур ва нағва алоҳида зътибор каратиш талаб этилади. Ҳусусан, шимолий (Кегейли, Нукус, Тахтакўпир, Корайзак, Чимбой) ва Орол бўйи (Мўйнок, Қанликўл, Кўнғирот) туманларида олманинг маҳаллий ҳамда ярим пакана навларини етиштириш максадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ушбу олма навларининг илдизи ерга 1,5 метр-

гача кириб боради ва нисбатан шўрга чидамлидир.

Бундан ташқари, шимолий ва Орол бўйи туманларида нок, беҳи ҳамда ўрик етиштиришни ривожлантириш имконияти мавжуд. Аммо меваларни сақлаш ва қайта ишлашнинг ривожланмаганилиги етиштирилаётган маҳсулотнинг исроф бўлиши ҳамда арzon нархларда сотилишига сабаб бўлмоқда. 2012 йилда етиштирилган меванинг 0,005 фоизигина саноат усулида қайта ишланганлиги бунга мисолдир. Натижада хонадонларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг шахсий истеъмолдан ортиқча кисми исроф бўлмоқда. Бунга ўрик етиштиришни мисол сифатида келтирадиган бўлсак, унинг факат данаги ажратиб олинниб, меваси эса кўпинча ташлаб юборилмоқда. Олинаётган ўрик данаклари ни эса Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан келган тадбиркорларга шўрданак тайёрлаш учун арzon нархларда сотиш билан чекланилмоқда. Бундай ҳолат етиштирилаётган бошқа кишлок хўжалик маҳсулотларига ҳам тааллукли бўлиб, соҳани ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Сабзавот маҳсулотларига бўлган ички талабнинг 55 фоизи кондирилиб, туманлар орасида факат Нукус туманида у тўлик таъминланаётир. Минтака фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг 40 фоиздан ортиғи Амударё, Беруний, Элликкалъя ва Тўрткўл туманлари фермерлари хиссасига тўғри келса-да, уларда сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бирорта ҳам фермер хўжалиги йўқ. Ушбу туманлар аҳолисида мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш кўнникмаси яхши шаклланган бўлиб, маҳсулотни асосан иккинчи экин сифатида ҳамда дала четларида етиштириш билан чекланилмоқда. Биргина Беруний туманидаги “Саркоп” овул фуқаролар йигини аҳолиси томоркасининг бир кисмida етиштирилган сабзавот кўчатлари билан бутун минтақани таъминлаб келаётгани бунга мисолдир. Бундай ҳолатлар минтақада экин турларини жойлаштиришда туманлар имкониятлари эътиборга олинмаяпти, дейишга асос беради.

Минтақанинг сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўлик кондириш учун жанубий туманларнинг ҳар бирида умумий ер майдони 2 минг гектардан иборат сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ташкил этиш лозим бўлади.

Анъянавий экинлар ҳосилдорлигини оширишда илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, бошқа вилоятлардан тажрибали

дәхқонларни жалб қилишдан ташкари селекция ишларини ривожлантириш хам долзарб масалалардандир. Минтакада бу борадаги ишларнинг яхши ташкил этилмаганлиги ялпи ҳосил ўсишига асосан экстенсив йўл билан эришишга сабаб бўлмоқда. Мисол учун шоличиликни оладиган бўлсак, тартибсиз ва агротехника талабларига риоя килмаган ҳолда шоли етиштиришга бўлган ҳаракатлар оқибатида ҳосилдорлик пасайишiga ҳамда сув сарфи нинг ошиб кетишига йўл қўйилмоқда. Ҳозирги вактда бу соҳадаги ҳосилдорлик ўртacha 21 центнерни ташкил этаётир. Тўрткўл тумани ҳосилдорлигига нисбатан олганда, уни 3 баробардан ортикроқ ошириш имконияти мавжуд. Мевачиликда хам маҳаллий шароитга мос серхосил навларни яратиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли зарур бўлган кўчатлар асосан Фарғона воийисидан олиб келинмоқда. Ушбу икки ҳудуднинг вегетация даври деярли 45 кунга фарқ килиши ва кўчатлар мослашувчанлигининг пастилиги сабабли уларнинг аксарият қисми куриб қолаётганлиги кайд этилмоқда.

Минтакада селекция ишларини ривожлантириш учун илмий-тадқикот муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни малакали кадрлар билан тўлдириш, фермер хўжаликлири ва илмий-тадқикот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ички талабни улар томонидан таклиф этилаётган уруғ ва кўчатлар ҳисобига таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан асосан томорка хўжаликлари таъминлаб келётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, аҳолига маҳаллий шароитта мос уруғлар, зарур асбоб-ускуналар, дори воситалари етказиб бериш ва консультатив хизматлар кўрсатиш ҳам мухим аҳамиятга эга. Аммо овулларнинг тарқок жойлашганлиги ҳамда кўчма хизмат кўрсатиш пунктларининг ривожланмаганлиги аҳолининг ушбу хизмат турларидан кенгроқ фойдаланишига монеълик қилмоқда.

Минтака аҳолисининг асосий қисмida дәхқончиликка нисбатан чорвачилик соҳасига мойиллик анча кучли экани яхши маълум. Айниқса, бу ҳолат Элликқалъя, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Тахтакўпир, Кўнғирот ва Кегейли туманларида яққол кўзга ташланади.

Ўтказилган тадқикотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик шоҳли корамолларни парваришлаш уй хўжалигига нисбатан йи-

рик чорвачилик мажмуаларида яхши самара беради. Бундай ёндашув, айниқса, мінтакада ақоли тарқоқ жойлашғанлыгыни зътиборга оладиган бўлсак, наслчилик ишларини ривожлантириш ҳамда зооветеринария хизматлари самарадорлигини ошириш учун ҳам хизмат килади. Аммо бугунги кунда мінтакада парваришиланаётган корамолларнинг атиги 4 фоизи фермер хўжаликлари хиссасига тўғри келмоқда. Йирик чорвачилик мажмуаларини барпо этиш замонавий техникардан самарали фойдаланиш, ишни оммавий тарзда йўлга қўйиш ва йил давомида узлуксиз сифатли маҳсулот этиштириш, гўшт ва сутни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имконини беради. Натижада ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари билан зооветеринария тадбирлари (чорвачилик мажмуаларини лойиҳалаш, куриш ва улардан фойдаланишда зоогигиена меъёrlарига амал килиш) ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш учун шарт-шароит яратилади.

Хозирги вактда фермер хўжаликлари гўшт ва сут этиштириш йўналишида фаолият кўрсатаётган бўлса-да, гўштчилик устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби мінтакада сутни саноат усулида қайта ишлаш ривожланмаганлигидадир. Мінтакада ишлаб чиқарилган сутнинг 0,03 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Қайта ишланган сут маҳсулотларига ички талабнинг юқорилиги ҳамда кейинги йилларда жаҳон бозорида унга бўлган талабнинг ортиши ушбу тармоқни кескин ривожлантириш зарурлигини англатади. Мінтакада сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш бевосита қайта ишлаш корхоналарининг ташкил этилиши билан чамбарчас боғлик эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўрганиш натижалари ва статистик таҳлиллар

- **корамолчиликни ривожлантириш бўйича Амударё, Қанликўл, Нукус, Хўжайли, Шуманай ва Элликқалъа туманлари, хусусан сутчилик йўналишидаги корамолчиликни ривожлантириш бўйича Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Амударё, Хўжайли, Қораўзак ва Нукус туманлари;**
- **қўй ва эчкичиликни ривожлантириш бўйича Кўнғирот, Мўйноқ ва Тахтакўпир туманлари;**
- **от ва туячиликни ривожлантириш бўйича Тахтакўпир, Элликқалъа, Тўрткўл, Кегайли, Кўнғирот, Шуманай ва Мўйноқ туманлари;**
- **паррандачиликнинг товуқчилик йўналишини ривожлантириш бўйича Амударё, Беруний ва Элликқалъа туманлари, ўрдак,**

ғоз ва куркачиликни ривожлантириш бўйича эса Мўйнок, Кегейли, Кўнғирот, Чимбой ва Тахтакўпир туманлари;

– балиқчиликни ривожлантириш бўйича Мўйнок, Кегейли, Кўнғирот, Чимбой ва Тахтакўпир туманлари;

– асаларичноликни ривожлантириш бўйича эса Амударё, Беруний, Кораўзак, Шуманай ва Элликқалъа туманлари юкори салоҳиятга эта эканлигини кўрсатмоқда (2.3.2.4-жадвал).

Минтақада ем-хашак сифатининг пастлиги (таркибида соф оқсил миқдори камлиги), силос тайёрлаш амалиётидан воз кечилгани муайян даражада чорва маҳсулдорлигини ошириш имкониятини чекламоқда. Дунёнинг аксарият мамлакатларида ем-хашак сифатини ошириш учун чорвага бериладиган дағал хашакларга оқсилга бой бўлган озуқа емлар кўшилади. Бизнинг шароитимизда пахта чигити кунжарасини шундай озуқалар сирасига киритиш мумкин. Аммо унинг миқдори ички талабга нисбатан бир неча ма-ротаба камлиги сабабли ахолига етиб келгунга қадар нархи жуда қимматлашиб, уни иккиласми бозордан сотиб олиш иқтисодий са-марасиз бўлмоқда.

Минтақада 25 минг бошдан ортик от ва туюлар парваришлианаётган бўлиб, уларнинг 80 фоиздан ортиғи ахолига тегишлидир. От ва тую минтақа иқлим шароитига мос, турли касалликларга ва табиий хавфларга чидамли бўлса-да, уларни кўпайтиришга бўлган кизикиш пастлигича қолмоқда. Бунга асосий сабаб Ўзбекистон Республикасида уларнинг гўштига (турли ирим ва урф-одатларга кўра) талаб камлиги, нархининг арzonлиги ҳамда талаб юкори бўлган айrim мамлакатларга экспорт килиш чекланганлиги билан боғлиқдир.

Кўй ва эчкиларнинг 4/5 кисми шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжа-ликлари томонидан парваришлианаётган бўлса, 16 фоизи чорвачи-лик хўжаликлари тегишлидир.

Умумий ер майдонининг 51 фоизи яйловлардан иборат эканлиги минтақада кўйчиликни ривожлантириш имкониятлари юкорилигидан далолат беради. Коракалпоғистонда 1 бош кўй-эчкига 6,3 гектар яйлов тўғри келса, бу кўрсаткич Кўнғирот (23 гектар), Тахтакўпир (12 гектар) ва Мўйнок (10,5 гектар) туманларида анча юкоридир. Бу маълумотлар ушбу туманларда кўй ва эчкичиликни ривожлантириш имкониятлари юкорилигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда, айтиш мумкинки, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга артезиан кудуклар тизимининг ишдан чиқканлиги, мавжуд чорвачилик хўжаликлари молиявий

аҳволининг ёмонлашиб бораётганлиги, наслчилик ишлари ночор ҳолатга келиб колганлиги ҳамда моддий-техник базанинг коникарсизлиги тўсқинлик қилмоқда.

2.3.2.4-жадвал

Корақалпогистон Республикасида чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Туманлар номи	Корамол	Кўй ва эчки	От	Туя	Парранда	Балиқ	Асалари
Амударё	▲	■	■	●	▲	■	▲
Беруний	■	■	●	●	▲	■	▲
Қанликўл	▲	●	■	●	●	●	■
Кораўзак	●	■	■	●	■	■	▲
Кегейли	■	■	▲	▲	▲	▲	■
Қўнғирот	●	▲	▲	▲	▲	▲	●
Мўйнок	●	▲	▲	▲	▲	▲	●
Нукус	▲	■	■	■	■	■	●
Тахтакўпир	●	▲	▲	▲	▲	▲	■
Тўрткўл	■	●	▲	▲	■	■	■
Хўжайли	▲	●	●	●	■	●	■
Чимбой	■	■	■	■	▲	▲	■
Шуманай	▲	●	▲	▲	■	●	▲
Элликкалъа	▲	●	▲	▲	▲	■	▲

▲ -юкори салоҳият

■ -ўртacha салоҳият

● -паст салоҳият

Минтақада чорвачиликни ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1. **Мавжуд чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга эришиш.** Бу борада, энг аввало, сунъий урчитиш ишларини тўғри йўлга кўйиш керак бўлади. Ахолининг сунъий урчитишга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартериш мақсадида маълум муддат бу ишларни бепул амалга ошириш, бундай пунктларга сифатли уруг етказиб бериш, аҳоли пунктларининг тарқоқ жойлашганлиги-

ни эътиборга олган ҳолда, зооветеринария мұассасаларининг транспорт воситалари билан таъминланишини яхшилаш мұхим ахамият касб этади. Четдан наслли чорва моллари олиб келиш ҳам мұхим ахамиятта эга бўлиб, бунинг учун имтиёзли кредит ресурслари микдорини кўпайтириш, мінтақаға мураккаб табий шароитига мос наслларни танлаш ва уларга хизмат кўрсатадиган мутахассисларни кайта тайёрлаш лозим бўлади.

2. Чорвачиликка, хусусан наслли чорва етиштиришга ихтиосослаштирилган фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш лозим. Улар фаолиятини кўллаб-куватлаш учун эса тўйимли озука (хосилдорлиги паст бўлган ерларга беда экишни кўпайтириш) базасини ривожлантириш, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш (асосан чўл зоналарида) ва фонд маҳсулотлари (ёкилғи-мойлаш маҳсулотлари, ўғит ва х.к.) билан таъминлашни яхшилаш мұхим ахамиятта эга.

3. Хизмат кўрсатиш (омухта ем сотиш, зооветеринария пунктлари ва аптекалар) шохобчаларини кўпайтириш лозим.

4. Чорвачилик маҳсулотларини кайта ишлашни, хусусан, ихтиослашган фермер хўжаликларида ривожлантириш, чорвани тирик вазнда, гўшт шаклида ва кайта ишланган ҳолда экспорт қилишни кўллаб-куватлаш мақсадга мувофиқдир.

Мінтақада етиштирилаётган тухум ички талабнинг 1/3 кисмини кондириш учун этади, ҳолос. Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Амударё, Хўжайли, Қораўзак ва Нукус туманларида паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд бўлса-да, улардан самарали фойдаланилмаяпти. Товук парваришилаш мураккаблигини эътиборга олган ҳолда, мінтақа шароитига мос келадиган ўрдак, ғоз, курка ва түяқуш парваришилашни Мўйнок, Кегейли, Кўнғирот, Чимбой ва Тахтакўпир туманларида ривожлантиришини таклиф этиш мумкин.

Умуман олганда, паррандачилик соҳасини ривожлантириш борасида: йирик саноат корхоналари таркибида паррандачилик йўналишини ташкил этиш (бу хусусий тадбиркорларнинг малака ошириши учун ҳам хизмат килади); мавжуд ветеринар врачлар тажрибасини ошириш ва ушбу йўналишда янги ходимларни тайёрлаш; фермер хўжаликларига парранда ва жиҳозлар сотиб олиш учун имтиёзли кредит ресурслари ажратишни кўпайтириш; йирик саноат корхоналари томонидан ташкил этилган инкубаторлардан чикаётган жўжалардан бир қисмини шахсий ёрдамчи

ва дехкон хўжаликларига бепул тарқатиш, курка, ўрдак ва ғоз жўжаларини очиришни йўлга қўйиш; паррандачилик хўжаликларига озука етишириш учун ер майдонлари ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Асосий кўллар Мўйнок, Кегейли, Қўнғирот, Чимбой ва Тахтакўпир туманлари ҳудудида жойлашганлиги сабабли **балиқчиликни ривожлантиришда** уларга устувор аҳамият каратиш лозим. Мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун балиқчилик хўжаликлида кафолатланган сув таъминоти тизимини йўлга қўйиш, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда, озука базасини мустаҳкамлаш зарур. Бундан ташқари, сермаҳсул балиқ чавоқларини етишириш ҳам мухим аҳамиятга эга. Минтақада балиқ ташиш учун “ISUZU” русумли автотранспорт воситаларини мослаштирган ҳолда ишлаб чиқариш ва уларни балиқчилик фермер хўжаликларига лизинг асосида сотиш; қайта ишлаш корхоналари ташкил этилишини рағбатлантириш, дастлабки босқичда минтақада фаолият олиб бораётган нефт-газ компаниялари томонидан кичик қайта ишлаш корхоналарининг ташкил этилишига зеришиш; маҳаллий дон ва ёғ-мой корхоналари томонидан рацион асосида сифатли озука маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхши самара беради.

2.3.2.5 Инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари

Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳам мухим аҳамият касб этади. Бу йўналишдаги илмий изланишлар экинларнинг янги навларини яратиш, чорва ҳайвонларининг сермаҳсул зотлари, замонавий агротехнологиялар ва технологик жараёнлар, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ўстириш, касаллик ва зааркунандалардан химоя қилиш воситалари, юкори самарали машина ва механизмлар, аграр соҳа иқтисодиётини юксалтиришга доир таклифларни ўз ичига олади. Кишлоқ хўжалигига илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий қилишда куйидаги йўналишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Дехкончиликда кишлоқ хўжалик экинларини агротехника талблари асосида парваришлаш, ўғитлардан самарали фойдаланиш,

энергия ресурсларини тежаш, экинлардан юкори ва сифатли ҳосил олишга эришиш зарур. Бу эса, авваламбор, ер майдони текислигига боғлиқдир. Экин майдонларининг нотекислигини бартараф этишда лазерли текислаш усулидан³³ фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Бу иш дала майдони юзасидаги энг паст ва баланд жойлар ўртасидаги фарқ 1-3 сантиметрдан ошмайдиган даражада, маҳсус лазер жиҳозли курилма орқали амалга оширилади.

2. Қорақалпогистонда дренаж тизими ёрдамида ҳар йили ўрта ҳисобда 2 млрд. метр куб заҳ сувлар чиқарилмоқда. Бу суғориш учун ишлатилаётган сувнинг деярли 30 фоизига tengdir. Дренажга оқизилган сувларни қайтадан ишлатиш ва сифатини назорат килиш орқали улардан қишлоқ хўжалик максадларида фойдаланиш мухим аҳамият касб этади. Яъни сизот сувларни чучуклаштириш 140 минг гектарга яқин экин майдонларини суғориш имконини яратади. Бунга эришишда *Lemna minor*³⁴ ўсимлигидан фойдаланиш катта самара беради.

3. Ўзбекистон шароитида зовурларни механик усулда тозалаш катта микдордаги маблағ сарфлашни талаб этмоқда. Мелиорация тадбирларининг вегетация даврида амалга оширилиши сув таркибида биологик ва минерал ўғитлар микдорининг кўпайиши боис сув ўтларининг яхши ривожланишига сабаб бўлмоқда. Сув ўтла-

³³ Мазкур усулни қўллаш ҳисобига сув сарфини 25 фоизгача тежаш ёки минтақада 600 млн метр кубдан ортиқ сувни тежаш орқали қўшимча 50 минг гектардан ортиқ ерни суғориш имконияти туғилади. Бундан ташқари, пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг 4-7 ц/га қадар ўсиб, суғоришга кетадиган вакт, ишчи кучи ва энергия тежалади. Экинлар бир хил меъёрда озиқланиши ва намлик билан таъминланиши натижасида бегона ўтлар микдори 15 фоизгача камаяди. Натижада рентабелликнинг пахтада 50 фоиздан ортикка ҳамда ғаллада 2,4 мартағача ўсишига эришиш мумкин.

³⁴ *Lemna minor* (Ряска малая) – ундан шўр ва ифлосланган сув ҳавзаларини биологик тозалаш мақсадида хорижий мамлакатларда кенг фойдаланилади. Унинг ўсиш тезлиги жуда юкори бўлиб, ифлосланган сув ҳавзаларида тез кўпаяди. Унинг ёрдамида тозаланган коллектор-дренаж тизими сувларидан экин майдонларини қайта суғоришда фойдаланиш мумкин. Ўсимлик таркиби ёғ, кальций, фосфор, магний, йод, бром ва бошқа қатор фойдали моддалардан иборат бўлганлиги сабабли балик ва күшлар учун яхши озука хисобланади. У юкори ҳосилдорликка (бир мавсумда 1 гектар сув ҳавзасидан 80 тоннагача кўк масса йигиб олиш мумкин) эга бўлиб, чорва моллари учун ҳам тўйимли озука вазифасини бажаради. Ҳаттоқи ундан кимматбахо табиий ўғит ҳам олиш мумкин. Ҳалк табобатида ҳам ушбу ўсимликдан дори воситалари тайёрланиб, ундан кўплаб касалликларни даволашда фойдаланилади.

рининг кўпайиши сув йўлини тўсиб, кисқа муддатларда зовурларнинг фаолияти ёмонлашишига олиб келмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида “сув ўсимликлари – балиқ интеграцияси” тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд тизим зовурларда ўтхўр баликлар етиштиришни йўлга кўйишни назарда тутади. Ок амур шундай баликлар сирасига киради. Унинг 1 килограммини етиштириш учун 30-35 кг сув ўти талаб этилиб, 1 гектар ҳавзада 18-20 центнергача балиқ етиштириш мумкинлиги амалда исботланган. Ваҳоланки, канал ва коллекторларни тозалашда 1 м² сув юзасида 3,5-4 килограммагача сув ўтлари чиқишини эътиборга оладиган бўлсак, ок амурни етиштиришни кўпайтириш, бир томондан, механик усулда зовурларни тозалаш харажатларини кескин кисқартириш, иккинчидан, балиқ маҳсулотлари ҳажмининг ортишига эришиш имконини беради.

4. Узбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари томонидан **томчилатиб сүфориш** тизимининг паст босимли схемаси ишлаб чиқилиб, конструкцияси оддийлиги сабабли бошка шундай тизимлардан З баробаргача арzonлиги билан фарқ қиласди. Тажрибада шўрланган ерларда пахта етиштиришда бу усул ёрдамида сув сарфини 40 фоизга кисқартириш ҳамда ҳосилдорликни 30-35 фоизга оширишга эришилган.

5. Кишлок хўжалик маҳсулотлари уруғларини экишдан олдин Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан ишлаб чиқилган **капсулаш технологияси**дан фойдаланиш чигит унучланлигининг юкори бўлиши, ғўзани яганалашга хожат қолмаслиги ва унинг турли касалликларга чидамлилигини таъминлайди. Янги технология ёрдамида аник уяга экиш туфайли урутлик сарфи 30 фоизга камаяди, ғўза бир хафта олдин униб чиқади ва ҳосилдорлиги ўрта хисобда 5 центнергача ошиади. Натижада ишлаб чиқариш сарф-харажатлари 1,7 баробаргача камаяди. Ушбу технологиядан сабзавот ва полиз экинлари уруғларини тайёрлашда фойдаланиш уларнинг униб чиқиш муддатини 20 фоизгача кисқартириш, ҳосилдорликни 7 центнергача ошириш, меҳнат ва моддий сарф-харажатларни 30 фоизгача камайтириш имконини беради.

6. **Биометаногенез технологияси** асосида олинадиган органик ўғитлар тупрок структурасини яхшилаш, кишлок хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда чорвачилик хў-

жаликларининг газга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда мухим аҳамиятга эга. Технология барча ўсимлик ва ҳайвон чиқиндилари асосида ишлаши туфайли юкори иктиносидий самара бериш билан бирга экологик мухит соғлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Унинг самарасини қорамол гўнги мисолида кўрадиган бўлсак, ундан олинадиган органик ўғитда дастлабки ҳолатидагига нисбатан азот ва фосфор миқдори 2 марта, калий эса 3,4 марта кўп бўлиши аниқланган. Ушбу усулда олинган органик ўғитни ғўзага ўртacha гектарига 8 тоннадан минерал ўғитлар (мөъёрдагига нисбатан 60 фоизга қискартирган ҳолда) билан бирга солинганда, минерал ўғитли вариантга нисбатан пахтадан ҳар гектар ер хисобига 5 центнердан кўшимча ҳосил олинниб, рентабеллик даражаси 14 фоизгача ўсган.

2.3.3. Хизматлар соҳасини ривожлантириш

Таҳлиллар натижасида Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасидаги ҳозирги ахвол, уни ривожлантириш имкониятлари, бу борадаги салбий ҳолат ва муаммолар сабаблари ҳам аникланди. Булардан энг мухимлари сифатида транспорт хизматларининг худудлар бўйича номутаносиб ривожланганлиги, алока ва ахборотлаштириш хизматларининг замонавий турлари етарли даражада тарақкий этмагани, савдо ва умумий овқатланишда норасмий фаолият улушкининг юкорилиги, миңтақанинг туризм ва рекреацион ресурсларидан талаб даражасида фойдаланилмаётгани, хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашувидағи фарқлар, соҳадаги худудий номутаносиблик ва бошқа ҳолатларни келтириш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ҳозирча фойдаланилмаётган катта имкониятлар ва салоҳият мавжуд бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- туризмни ривожлантириш борасида кўплаб тарихий обидалар ва қадимий археологик ёдгорликларнинг (манзилгоҳлар, кальалар, карvonсаройлар) мавжудлиги;
- Марказий Осиёда ягона бўлган И.В. Савицкий номидаги санъат музейининг фаолият юритиши;
- миңтақанинг бир қанча худудларида табиий ва сунъий кўлларнинг ҳамда тўқайзорларнинг рекреацион ресурс сифатида мавжудлиги;

– худудларда юкори минераллашган кўлларнинг (Тахтакўпир, Тўрткўл, Беруний ва Кўнғирот туманлари) ва ер ости сувларининг (Кегейли, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли ва Кўнғирот туманлари) мавжудлиги ҳамда улардан тиббиётда фойдаланиш мумкинлиги;

– Қорақалпоғистон Республикаси худудидан ҳалқаро, республика ва туманлар миқёсидаги автомобиль йўллари ва темирйўлларнинг ўтганлиги боис транспорт ҳамда кўплаб йўл бўйи хизмат турларини (кемпинглар, автотранспортларга хизмат кўрсатиш, ёкилғи қўйиш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари) ривожлантириш имкониятлари кенглиги;

– минтақада (айникса, Хўжайли туманида) ҳалқаро аҳамиятга эга логистика марказларини ташкил этиш имконияти мавжудлиги;

– Беруний, Қораўзак, Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа ва Чимбой туманларидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонларида улгуржи савдо базаларини ташкил этиш имкониятлари.

Юкорида келтирилган салоҳият, имконият ва устунликларни ҳисобга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасининг шахар ва туманларида соҳани ривожлантириш бўйича асосий стратегик йўналишлар аниқланди (2.3.3.1-жадвал). Бунда асосий эътибор аҳолининг хизматларга бўлган талабининг ўсиб бориши, худудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Стратегияда белгиланган ўсиш нукталарида (саноат мажмуаларини ва узелларини ташкил килиш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш ва б.) тегишли хизмат турларини ривожлантириш, туманларни барча хизмат турлари бўйича ўртacha минтақа даражасига етказиш каби масалаларга қаратилди.

Ушбу аниқланган салоҳият, имконият ва устунликлардан келиб чиқиб, минтақада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг куйидаги учта стратегик йўналиши белгиланди: мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида соҳани ривожлантириш; худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ўртacha минтақа кўрсаткичига тенглаштириш; истиқболда хизматлар соҳаси ривожига синергетик таъсир этадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда, минтақа худудларида хизматлар соҳасини янада тараққий эттириш (2.3.3.1-чиズма):

**Қоралпогистон Республикаси ҳудудларида
хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Худудлар номи	Алокса ва ахборотлаштириш						
	Компьютерли ластирлаш	Молия хизматлари	Транспорт хизматлари	Курилиш хизматлари	Технологик ускуналарни таймираш	Кишлек хўжалиги техникарини таймираш	Туристик ва меҳмонхона хўжалиги
Нукус ш.	□	□	■	□	□	■	□
Амударё	●	●	○	■	■	■	●
Беруний	●	●	■	●	●	○	■
Қанликўл	○	□	●	●	●	□	■
Кораўзак	●	●	●	●	●	●	□
Кегейли	●	●	●	●	●	□	○
Қўнгирот	○	□	□	△	●	●	□
Мўйинок	●	●	●	●	●	□	■
Нукус	○	●	■	□	□	●	□
Тахтакўпир	●	●	●	●	●	□	○
Тўрткўл	○	●	○	○	●	■	□
Хўжайли	○	●	■	●	●	●	●
Чимбой	●	●	●	●	●	○	■
Шуманай	●	●	●	●	●	□	○
Элликқальба	○	●	●	●	●	○	○

Хизматлар соҳаси паст даражада ривожланган ҳудудларда хизматлар соҳасини ривожлантириш:

- – жадал ривожлантириши;
- – ўртача суръатда ривожлантириши.


Фойдаланилмаётган мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш:

- – жадал ривожлантириши;
- – ўртача суръатда ривожлантириши.

Хизматлар соҳаси ривожланишига синергетик таъсир этадиган омиллар хисобига хизмат турларини ривожлантириш:

- ▲ – жадал ривожлантириши;
- △ – ўртача суръатда ривожлантириши.

Қорабалғыстон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари



2.3.3.1. Худудларда мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш омиллари

Корабалғыстон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришда етарлича фойдаланилмаётган салоҳият ва имкониятлар сифатида туризм ва транспорт хизматларини мисол келтириш мумкин.

Туризмни ривожлантиришнинг резерв ва имкониятлари. Корабалғыстонда 250дан ортиқ археологик маданий мерос обьектлари аникланган бўлиб, улар эрамиздан аввалги I-IV асрлардан то ўн тўққизинчи асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бундан ташкари, эрамизнинг биринчи асиридан то ўн тўққизинчи асригача бўлган даврга тааллукли 27 та меъморчилик ва архитектура ёдгорликлари ҳам мавжуд.

Нукус шаҳрида Марказий Осиёда ягона бўлган И.В. Савицкий номидаги санъат музеи фаолият юритиб келмоқда. Музей фондида шўролар даврида таъкидланган кўплаб авангард усулида яратилган картиналар тўпламлари, тўрт минг йиллик тарихга эга 86 мингга яқин экспонатлар мавжуд. Мана шундай катта маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ноёб коллекциялардан дунёни хабардор килиш ва бу ерга имкон кадар кўпроқ туристларни жалб

этиш ушбу соҳани яқин келажакда ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаларидандир.

Бундан ташкари, миңтака маълум даражада рекреацион ресурсларга ҳам эга. Масалан, Элликқалъа туманида жойлашган кўл атрофида дам олиш зонасини ташкил этиш нафакат миңтаканинг, балки Хоразм ва Навоий вилоятлари аҳолисининг ҳам хордик чикариш мақсадида қизикишини уйғотади. Таклиф этилаётган дам олиш зонасида турли хил қайикларда ва катомаранларда сузиш, болалар ва катталар учун пляжлар ташкил этиш, савдо ва овқатланиш шоҳобчаларини ва бошқа кўнгилочар объектларни очиш мақсадга мувофиқдир. Келажакда эса хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини ошириш эвазига бу ерга бошқа вилоятлар аҳолиси ва чет эллик туристларни ҳам жалб этиш мумкин.

Бундан ташкари, миңтаканинг Амударё ва Беруний туманларида жойлашган Бадай-тўқай давлат кўрикхонаси зонасида ташкил этилган Қўйи Амударё давлат биосфера резерватида экологик туризмни ривожлантириш имконияти бор. Бу резерватда халқаро Қизил китобга киритилган турли хил ҳайвонлар ва ўсимликлар мавжуд. Бу ернинг ўзига хос табиати ва ландшафти сайёхларнинг якидан танишиш иштиёқини оширади.

Миңтакада туризмни ривожлантиришнинг яна бир йўналиши, бу Тахтакўпир, Тўрткўл, Беруний, Кўнғирот туманларида юқори минераллашган кўлларнинг, Кегейли, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли ва Кўнғирот туманларида шифобаҳаш ер ости сувларининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Бундай шифобаҳаш сув ҳавзалари ва конлари негизида истиқболда миңтакада **тиббий хизматларни ҳам ривожлантириш мумкин**.

Корақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғиб килиш борасида кўпроқ чет эл тажрибасини ўрганиш, реклама ва маркетинг ишларини янгича ташкил килиш, ҳар бир тарихий обидаларга тегишли ўзига хос афсоналарни ёзиб олиш ва тарқатиш лозим. Бу борада, мисол учун: “Саҳролар ичра ўтмиш садолари”; “Оролга саёҳат”; “Корақалпоғистонга экотур”; “Тилаклар қудуғи”; “Жип тур-сафари”; “Корақалпоғистоннинг қадимий қалъалари”; “Кумда сузаётган кемалар”; “Тиббий хизматлар” каби янги тадбир **ва йўналишлар** ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.3.3.1(а), 2.3.3.1(б)-харита).

2.3.3.1 (а) ва (б) – харита

Қоракалпогистон Республикасида
туризмни ривожлантириш йуналишлари



Қоракалпоғистонда туристик хизматларни янада ривожлантириш учун миңтақа ва мамлакат даражасидаги бир қатор масалаларни ҳал килиш талаб этилади.

Худуддаги ноёб маданий-тарихий мерос объектларидан, рекреация ресурсларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини ва чет эллик туроператорларнинг бундай салоҳиятдан бехабарлигини ҳисобга олиб, маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотлар томонидан миңтақанинг туристик салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда интернет саҳифаларига жойлаштириб бориш, янги туристик маршрутлар ишлаб чишиш, туристларга буклетлар ва тарихий обидалар каерда жойлашганлиги тўғрисидаги ҳариталарни таркатиш зарур.

Миңтақада туризмни ривожлантириш мақсадида “Узбектуризм” миллий акциядорлик компанияси ва Узбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Курортлар бошқармаси Қоракалпоғистон Республикаси туристик бюроси ишини самарали ташкил этишда кўмаклашиши талаб этилади.

Тегишли ташкилотлар маданий мерос ва архитектура объектларини ўз вактида доимий равишда таъмирлаш ишларини йўлга қўйиши зарур. Шу билан бирга худудни тарихий обидаларга олиб борадиган йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан таъминлаш зарурати ҳам мавжуд.

Транспорт хизматларини ривожлантириш имкониятлари. Миңтақанинг транспорт салоҳияти унинг худудидан ўтган ҳалқаро М-37 автомобиль йўли, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темирйўл ва автомобиль йўлларининг нечоғли ривожланганлиги ва ҳолати билан белгиланади.

М-37 ҳалқаро автомобиль йўли Тўрткўл, Беруний, Нукус, Хўжайли ва Кўнғирот туманларидан ўтади ҳамда бу ҳолат мазкур худудларга транспорт хизматларини ривожлантиришда устунлик баҳш этади.

Ҳозирги вактда Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудидан 16 та йўналиш бўйича хорижий автоташувчиларнинг транзит ҳаракати амалга оширилмоқда¹⁵.

¹⁵ Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автоташувчиларнинг Узбекистон Республикаси худуди бўйлаб транзит ҳаракат килиши учун мўлжалланган йўналишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 9 декабрь 2011 йилда қабул вилинган №323 сонли Қарори.

Қоракалпоғистон Республикасининг бошқа вилоятлардан (Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Наманган) устун томонларидан бири минтака ҳудудидан ўтадиган хорижий автоташувчиларнинг транзит харакатланишидир. Бундан ташкири, темирийўлнинг Қозогистон ва Туркменистан давлатларирига ўтиши чегара олди савдосини ривожлантириш имкониятини беради. Қозогистон орқали Россияга тўғридан-тўғри ўтиш имконияти факат Тошкент вилояти ва Қоракалпоғистон Республикасида мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу транспорт-логистика хизматларини ривожлантиришда минтака учун муайян кулайликлар туғдиради.

Қоракалпоғистон Республикасида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг яна бир йўналиши – бу Мўйнок шаҳри ва Қозокдарё шаҳарчасига темирийўл ўtkазишдан иборат. Чунки истиқболда Мўйнок туманида жойлашган кўплаб фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ва чорва маҳсулотларини қайта ишлап асосида бу ҳудудда саноатни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Ҳозирги вактда бу ахоли пунктларирига олиб борадиган йўллар талаб даражасида эмас. Келажакда бу ҳудудда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ахолининг турмуш даражасини ошириш учун темирийўл курилишинининг икки варианти мавжуд.

1-вариант: Темирийўл линиясини Чимбой станциясидан Қозокдарё шаҳарчаси орқали Мўйнок шаҳрига тортиш ва уни Кўнғирот станцияси билан боғлаш. Бунда темирийўлнинг умумий узунлиги тахминан 200 километрни ташкил этади.

2-вариант: Темирийўл линиясини Чимбой станциясидан Тахта-кўпир шаҳарчасигача қуриш, сўнг бу линияни Қозокдарё шаҳарчаси орқали Мўйноқ шаҳрига тортиш ва уни Кўнғирот станцияси билан боғлаш. Бунда қуриладиган темирийўлнинг умумий узунлиги тахминан 270 километрни ташкил этади. Биринчи вариантда темирийўл қурилишига кетадиган харажатлар иккинчи вариантга нисбатан анча кам бўлади. Лекин бунда автотранспорт билан ташишга кетадиган ишлаб чиқариш харажатлари кўпайиши мумкин. Масалан, автотранспортда хомашёни Бельтау конидан Чимбой-Қозокдарё темирийўл линиясигача олиб келиш керак бўлади. Иккинчи вариантда темирийўл қурилишига кетадиган харажатлар биринчи вариантга нисбатан тахминан 30-35%га ортади.

Бизнинг фикримизча, иккинчи вариант мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда фойдали қазилма конлари жойлашган Бельтау тоғи ҳудуди ҳам темирийўл билан тўлиқ камраб олинади. Натижада Мўйнок

шахри ва Козоқдарё шаҳарчаси учун “боши берк зона”дан чикиб кетиш имкони туғилади ҳамда Нукус шаҳрини шимолий-тарбий туманлар орқали Қўнғирот станцияси билан боғловчи янги темирийўл ҳалкаси шаклланади. Ушбу лойихани амалга оширишда Устюрт платосига бориш орқали туризмни ривожлантириш имкониятлари туғилади. Умуман олганда, келажакда ушбу ҳудудда темирийўл курилиши мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммолар ечимини тошида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт тизимини ривожлантириш бўйича таклиф этилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақа учун куйидаги имкониятларни юзага келтиради:

- а) Мазкур Стратегия доирасида истиқболда кўплаб саноат лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, уларнинг аксарияти таклиф этилаётган транспорт инфратузилмасининг қандай шаклланиши билан боғлик;
- б) Коракалпоғистон Республикаси ҳудудидан қўшни давлатларга транзит юк ташиш ҳажмининг ошиши эвазига минтақада (Хўжайли тумани мос келади) “Логистика маркази”ни ташкил этиш имкони туғилади;
- в) Коракалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтган ҳалкаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган йўллар бўйлаб сервис хизматларини, айниқса Тўрткўл, Беруний, Нукус, Хўжайли ва Қўнғирот туманларида ривожлантириш имкониятлари бир неча маротаба ортади;
- г) Чимбой – Тахтакўпир – Қозоқдарё – Мўйнок – Қўнғирот шаҳарларини ўзаро боғлайдиган 270 километрлик темирийўл линиясини куриш натижасида ушбу туманларда мавжуд табиий хомашё манбаларидан самарали фойдаланиш имкони яратилади ва х.к.

2.3.3.2. Ҳудудларда хизмат кўрсатиши соҳаларини ўртача минтақа кўрсаткичига тенглаштириш омиллари

Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг стратегик ўйналишларини белгилашдаги муҳим омиллардан бири – бу демографик ҳолатдир. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, минтақада 2030 йилга келиб ахоли сони 1,2 баробар ўсади ва 2020 минг кишини ташкил этади. Шу боис хизматлар турларини ривожлантириш ва уларнинг жойлашувини аниклаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вактда Нукус шахри ва Қўнғирот туманидан ташқари барча туманларда ахоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар

ўртача мамлакат кўрсаткичидан анча паст даражада. Хизматлар паст ривожланган туманларда хизмат кўрсатиш даражасини ўртача Коракалпогистон Республикаси даражасига етказиш учун қўшимча инфратузилма обьектларини ташкил килган ҳолда, қуидаги лойихаларни (2.3.3.2-жадвал) амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

2.3.3.2-жадвал

Минтақа ҳудудларида хизматлар кўрсатиш даражасини Коракалпогистон Республикаси ўртача кўрсаткичларига тенглаштиришнинг асосий йўналишлари

Худудлар номи	Алока ва ахборотлаштириш	Молия хизматлари	Транспорт хизматлари	Технологик ускунналарни тальмидалаш	Савдо ва умумий овқатланиш	Машиний хизматлар
Нукус ш.	▲	■	■	▲	▲	△
Амударё	▲	▲	▲	△	■	△
Беруний	▲	▲	▲	△	■	△
Қанликўл	▲	▲	▲	▲	■	△
Қораўзак	▲	▲	▲	▲	■	△
Кегайли	▲	▲	▲	▲	▲	△
Кўнгирот	▲	▲	■	△	■	△
Мўйноқ	▲	▲	▲	△	▲	△
Нукус	▲	▲	▲	△	■	△
Тахтакўпир	▲	▲	▲	▲	■	△
Тўрткўл	▲	▲	▲	△	■	△
Хўжайли	▲	▲	▲	△	■	△
Чимбой	▲	▲	▲	△	□	△
Шуманай	▲	▲	▲	▲	▲	△
Элликқалъа	▲	▲	▲	△	■	△

▲ – жадал ривожлантириш; △ – ўртача суръатда ривожлантириш;

■ – мавжуд ҳолатни сақлаш.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар паст даражада ривожланган туманлар кўрсаткичларини ўртacha минтақа даражасига етказиш учун, хисоб-китобларга кўра³⁶, уч мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш зарур. Бунинг натижасида кўшимча равишда 11 мингга яқин хизмат кўрсатиш соҳаларида иш ўринлари яратилиши мумкин.

Бу борада савдо ва умумий овқатланиш соҳаларини ривожлантиришда ахолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини кондиришга катта аҳамият бериш талаб этилади. Чунки ахоли даромадларининг узлуксиз ўсиб бориши истеъмол товарларига бўлган талабни ошироқда. Ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, Тахтакўпир, Шуманай, Элликқалъя ва Қораўзак туманларида савдо дўйонлари сони меъёрдан анча кам. Амударё, Беруний, Қанлиқўл, Кўнғирот, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой ва Шуманай туманларида минимаркетлар етишмайди. Умумий овқатланиш шоҳобчалари Беруний, Қанлиқўл, Қораўзак, Кўнғирот, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Шуманай туманларида кам ривожланган. Шунинг учун истиқболда юқорида қайд этиб ўтилган туманларда кўшимча савдо дўйонлари, минимаркетлар ва умумий овқатланиш шоҳобчаларини ташкил этиш максадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактаблар, лицейлар ва коллежларда ҳам умумий овқатланиш шоҳобчалари, хеч бўлмагандан, буфетлар филиятини йўлга кўйиш зарур.

Савдо ва умумий овқатланиш тармокларини ривожлантиришда улгуржи савдо хизмати мухим ўрин тутади. Агар Кўнғирот, Мўйноқ, Хўжайли, Амударё, Беруний, Элликқалъя, Тўрткўл, Чимбой, Қораўзак, Кўнғирот, Тахтакўпир туманлари ва Нукус шаҳрида келажакда йирик саноат мажмуаларининг ташкил этилишини хисобга оладиган бўлсак, бу масаланинг минтақа ривожланишидаги аҳамияти янада ортади. Шуларни хисобга олган ҳолда, улгуржи савдо обьектларини Кўнғирот, Хўжайли, Амударё, Тахтакўпир туманлари ва Нукус шаҳрида ташкил этиш максадга мувофиқдир.

³⁶ Кўшимча инфратузилма обьектларини ташкил этиш ҳажмларини аниклаш учун Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган “Хизматлар соҳасида инфратузилма обьектларини жойлаштириш меъёрлари бўйича услубий тавсиялар” да келтирилган меъёрлардан фойдаланилди.

Айнан улгуржи савдонинг ривожланиши ҳисобига минтака савдо ва умумий овқатланиш тизимида мавжуд норасмий тармоқнинг улушкини камайтириш имкони туғилади. Келажакда туман ва шаҳарларда норасмий савдо билан шуғулланаётган, тарқоқ ҳолда жойлашган тадбиркорларни ўз хошишларига кўра бирлаштириб, уюшган савдони ривожлантириш айнан ушбу масала билан боғлиқ. Чунки бунда тадбиркорлар товарларни олиб келиш, сақлаш ва сотишга кетадиган харажатларини анча камайтиришга эришадилар. Бу, ўз навбатида, худудларни кўшимча омборхоналар, шу жумладан, совутгичли омборхоналар билан таъминланни заруратини ҳам кучайтиради.

Худудларда алокা ва ахборотлаштириш хизматларини ривожлантириш ҳам жуда долзарб тус олиб бормоқда. Чунки Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шахри ва Кўнғирот туманидан бошқа барча ҳудудларида ушбу хизмат тури аҳолининг тобора ошиб бораётган талабини кондира олмаяпти. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, минтақанинг интернет-кафелар билан таъминланганлик даражаси меъёрга нисбатан атиги 19 фойизни ташкил этади. Ушбу ҳолатни инобатта олган ҳолда, истиқболда Амударё, Беруний, Қанликўл, Кегейли, Кўнғирот, Мўйнок, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой ва Шуманай туманларида интернет-кафеларни туман марказлари ва йирик аҳоли яшаш пунктларида шакллантириш мақсадга мувофик.

Қорақалпоғистонда уяли алока хизматлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Шунга карамасдан, пайнет шоҳобчалари билан таъминланганлик даражаси меъёрга нисбатан анча кам. Келгусида аҳолига уяли алоқалар хизматини яхшилаш мақсадида кўшимча пайнет шоҳобчаларини Беруний, Қанликўл, Кегейли, Мўйнок, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой ва Шуманай туманларида ривожлантириш мақсадга мувофик бўлади. Натижада пайнет шоҳобчаларида уяли алока хизматлари тўловларидан ташқари коммунал тўловларни ҳам амалга ошириш имкони туғилади.

2.3.3.3. Синергетик омиллар ҳисобига хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари

Қорақалпоғистон Республикаси саноат ишлаб чикишини ривожлантириш борасида ушбу Стратегия доирасида аникланган

максад ҳамда вазифаларнинг амалга оширилиши хизматлар соҳасининг ривожланишига маълум даражада ўзининг синергетик таъсирини ўтказади. Бундай ўзгаришлар, энг аввало, амалга ошириладиган лойиҳалар, саноат ишлаб чиқариши талабини кондирадиган хизмат турларининг ривожланиши билан боғлиқ. Булар жумласига транспорт ва логистика, умумий овқатланиш, ахборот алмашуви, молиявий ва бошқа хизмат турлари киради.

Масалан, минтақада ёнилғи-кимё мажмуасини ривожлантириш, Кўнғирот туманида мавжуд йирик газ конларини ишга тушириш ва газни қайта ишлаш имкониятлари рӯёбга чиқарилиши билан юкорида келтирилган хизмат турларининг пайдо бўлиши ва ривож топиши эвазига, хисоб-китобларга кўра, 1800 дан ортик иш ўринлари ташкил этилиши мумкин.

Бундан ташқари, истиқболда Мўйнок туманида конлардан газ казиб олиш ва Кўнғирот туманида уни қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, Кўнғирот сода заводида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари мўлжалланган бўлиб, бу ҳам хизмат кўрсатиш билан боғлиқ камидаги 300 та янги иш ўринларини очиш имконини беради.

Минтақанинг Беруний, Элликкальъ ва Тўрткўл туманларида ташкил этилиши таклиф этилаётган енгил саноат (тўқимачилик) мажмуасини ривожлантириш лойиҳаларида ҳам ушбу мажмуаларнинг ҳар бирида 1500 нафар одам ишлаши мўлжалланган. Ушбу мажмуаларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғланган хизмат кўрсатувчи тармоқлар: транспорт хизматлари; лизинг хизматлари; майший хизматларнинг барча турлари; савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари; мобиъл алоқаларни ривожлантириш; мини банклар очиш заруратини юзага келтиради (2.3.3.2-чизма)


Хисоб-китобларга кўра³⁷, битта саноат мажмуаси билан боғлиқ 70 дан ортик инфратузилма обьектларини ташкил этиш талаб қилинади. Ҳар бир обьектда ишловчилар сонини нормативлар асосида хисоблаганда ҳам ҳаммаси бўлиб, энг камидаги ушбу обь-

³⁷ Саноат мажмуалари ва йирик корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хизмат турларини ривожлантириш хисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқикотлар институти томонидан ишлаб чиқиган “Хизматлар соҳасида инфратузилма обьектларини жойлаштириш меърлари бўйича услубий тавсиялар” да келтирилган меъёрларни қўллаган ҳолда аникланди.

ектларда 300 дан ортик киши хизмат кўрсатиши мумкин. Саноатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан келиб чикиб, минтақанинг Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл ва Кўнғирот туманларида саноат мажмуалари барпо этилишини хисобга олсан, ушбу саноат мажмуаларида 1800 дан зиёд ходим хизмат кўрсатиш билан банд бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бундан ташкари, минтақанинг барча туманларида кичик саноат узеллари ва қишлоқ жойларини индустрлаштириш кўзда тутилган. Бу кичик саноат узелларida ҳам 1600 дан ортик ходим хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлади.

2.3.3.2-чизма

Қорақалпоғистон Республикаси худудларида истиқболда саноат тараққиёти билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари



Истиқболда минтақада қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, минтақада йилига 900 минг тоннага яқин турли хил мева, сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, 100 минг тонна гуруч етиширилади. Ҳозирги вақтда етиширилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бор-йўғи 1 фоизи кайта ишланяпти, холос. Истиқболда минтақада қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари, айниқса мева ва полиз маҳсулотларини етиштириш, саклаш ва қайта ишлаш жараёнларини узвий боғлиқликда ташкил қилиш борасида лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бу маҳсулотларни ички ва ташки бозорда истеъмолчиларга ўз вактида етказиб бериш мақсадида, бошқа туманлар билан автомобиль йўллари ва темирйўллар орқали боғланганлигини ҳисобга олиб, Амударё туманида “Агрологистика маркази” ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агрологистика марказида йилига 120 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш, кадоклаш, саклаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ишларини амалга ошириш мумкин. Маҳсулотларни кисман ички бозорга чиқариш, асосий қисмини эса МДҲ мамлакатларига экспорт қилиш имконияти яратилади.

Агрологистика марказини ташкил этиш учун йирик замонавий омборхоналар куриш, уларни зарур техникалар билан таъминлаш, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш зарур. Омборхоналарни Беруний, Кўнғирот, Тўрткўл, Элликқалъя, Чимбой ва Кораўзак туманларидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонларида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишларни амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий ишбилармонларни жалб этиш тавсия қилинади.

Бундан ташкари, қишлоқ хўжалигига тегишли хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш мақсадида минтакада савдо дўконларини, яъни уруғчилик, кимёвий ўғитлар сотиш дўконларини, зооветеринария аптекаларини, омухта ем сотиш шохобчалари ва ёқилғи-мойлаш пунктларини ташкил этиш керак. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва саклаш хизматларини, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, зооветеринария хизматларини ривожлантириш зарур.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш натижасида мавжуд дастурлардан ташкари, кўшимча равишда 4,4 мингга яқин инфратузилма обьектларини ишга тушириш ва 18 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш имкони туғилади (2.3.3.1-илова).

2.3.4. Ахоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда унинг бандлик даражасини оширишда худуд иқтисодиётини маҳаллий мутахассислар билан таъминлашнинг истиқболли йўналишлари

Бугунги кунда минтақа меҳнат бозорида вужудга келган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик кенг камровли чора-тадбирлар қабул қилишни талаб этмоқда. Хусусан, минтақада ҳар йили яратилётган янги иш ўринлари ҳамда улар учун мутахассислар тайёрлаш жараёни ўзини окламаяпти. Бунга, бир томондан, яратилаётган янги иш ўринларининг вактинчалиги юкори даражада бўлиб, иш ҳаки нисбатан паст даражада экани, бошқа томондан эса, мутахассислар тайёрлаш жараёни иқтисодиётнинг талабларига тўла мос келмаслиги сабаб бўлмоқда. Бунда таълим ва иқтисодиёт ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқлиги сезилиб қолмоқда.

Узоқ муддатли истиқболда Коракалпогистон Республикаси ижтимоий соҳасини ривожлантириш борасидаги асосий мақсад – бу янги муқим иш ўринларини яратиш ва худуд иқтисодиётини маҳаллий мутахассислар билан таъминлаш, шунингдек, тегишли инфратузилмалардан самарали фойдаланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш орқали ахоли турмуш шароитини яхшилашдан иборат.

Ҳозирги кунда Коракалпогистон Республикаси меҳнат бозоридаги мавжуд номутаносибликларнинг олдини олиш ҳамда минтақа меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги тафовутни бартараф этиш мақсадида истиқболда кўйидаги уч йўналишдаги, яъни: қўшилган киймати нисбатан юкори соҳаларни ривожлантириш орқали ахоли бандлигини ошириб, уларнинг даромадларини кўпайтириш; минтақа меҳнат бозорида ишчи кучига бўладиган талабга ишчи кучи таклифини мослаштириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ахоли бандлик даражасини кучайтириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик бўлади.

Саноат ишлаб чиқариши, бозор хизматларини кўрсатиш ва савдо (жумладан, улгуржи савдо) тармоқларида қўшилган киймат даражаси нисбатан юкорилигини ҳисобга олган ҳолда, истиқболда шу соҳаларда янги иш ўринларини яратиш катта самара беради. Бу борада, мазкур Стратегиянинг саноат бўлимида келтирилганидек, минтақа ҳудудларининг аксариятида истиқболда кимё ва нефт

кимёси, енгил ва озик-овқат, шунингдек, курилиш материаллари саноатини ривожлантириш мухим аҳамият касб этади (2.3.4.1-илюва). Бунда ҳар бир тармок бўйича иш ўринларини хисоблашда Ўзбекистон ва қўшни МДХ давлатларида юкорида келтирилган саноат тармокларида амалга оширилган лойиҳалар бўйича зарур бўлган мутахассислар сонидан келиб чиқилди.

Ушбу хисоб-китобларга кўра, 2014-2030 йиллар мобайнида ушбу Стратегия доирасида таклиф килинаётган лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида саноат тармоғида 2000 дан ортиқ янги муқим иш ўринларини яратиш имконияти пайдо бўлади. Ушбу иш ўринларига олий маълумотга эга бўлганларнинг 80 нафардан ортиғи маъмурӣ-бошқарув, қарийб 350 нафари муҳандис-техник ходимлар ҳамда ўрта-максус маълумотга эга бўлганларнинг 70 нафарга яқини хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ҳамда 1400 нафардан ортиғи малака талаб қилинмайдиган оммавий ишчиларни ташкил этиши кутилмоқда.

Туманлар кесимида ушбу лойиҳалар куйидагича манзара хосил килади. Жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуасининг ривожланиш истиқболлари Мўйнок ва Кўнғирот туманларидағи углеводород конларини ўзлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда электр энергетика соҳасида бир канча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида (Хўжайли туманидаги Тахиатош ИЭСда янги буғ турбиналарини ўрнатиш, Кўнғирот туманида шамол ва куёш ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш ва бошқалар; жами – 10 та лойиҳа) ушбу туманларда истиқболда 200 га яқин янги иш ўринлари яратилади (2.3.4.2-илюва).

Ушбу йўналишда ҳозирги кунда “Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари”, “Нефть ва газ кудукларини бурғулаш”, “Нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш ва саклаш” ҳамда электроэнергетика соҳаси учун “Иссиклик электр станцияларининг иссиқлик куввати жиҳозлари”, “Электр энергияси (соҳалар ва йўналишлар бўйича)” ва “Иссиклик энергетикаси” ва бошқа мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бирок истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ушбу йўналишлар бўйича амалдаги квоталар етарли эмас ҳамда бу соҳада кадрлар тайёрлашда янги ихтисосликларнинг очилишигта талаб мавжуд. Хусусан, мажмуасининг ривожланиши учун истиқболда жами еттидан ортиқ йўналишларда мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади. Жумладан, “Энергетика

(соҳалар бўйича)”, “Иссиклик энергетикаси”, “Қайта тикланадиган энергия манбалари”, “Геология, фойдали қазилма конларини қидириш (конлар турлари бўйича)”, “Нефт-газ саноати обьектлари ни лойиҳалаш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш”, “Нефт-газ саноати геологияси”, “Технологик машина ва асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш” мутахассисликлари бўйича Қорақалпок давлат университетида кабул квотасини кўпайтириш мақсаддага мувофик.

Минтака худудларида қурилиш материалларига бўлган талаб юкорилигини хисобга олиб ҳамда мавжуд конларнинг бой захираларидан фойдаланган ҳолда, цемент заводи қуриш ва исикка чидамли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш (Кораўзак тумани), гиперпрессланган ғишт (Кўнғирот тумани) ҳамда темирбетон маҳсулотлари ва шлакоблоклар (Беруний тумани) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу саноат тармоғидаги йирик инвестиция лойиҳалари доирасида (жами – 4 та лойиха) истиқболда 350 дан ортик янги иш ўринлари яратилишини таъминлади.

Ушбу йўналишда истиқболда самарали фаолият юритиши учун бугунги кунда кўшимча янги йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш зарур. Ҳозир ушбу тармок “Кўтарма-транспорт ва қурилиш машиналарини ишлатиш” ва “Саноат маҳсулотларини лойиҳалаш ва безатиш”, “Қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва ишланмаларни ишлаб чиқариш” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Истиқболда эса кўшимча яна тўртдан ортик йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга эҳтиёж мавжуд бўлиб, улар “Материалшунослик ва янги материаллар технологияси”, “Электротехника, электромеханика ва электротехнология (соҳалар бўйича)”, “Энергетика (соҳалар бўйича)”, “Мухандислик тизимлари ва маҳсус асбоб-ускуналарни монтаж қилиш технологияси” каби йўналишлардир.

Енгил саноат доирасида истиқболда йирик лойиҳаларни амалга ошириш (жами – 9 та лойиха), жумладан, йигирув фабрикасини ишга тушириш, трикотаж газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (Амударё тумани), тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш (Амударё ва Беруний туманлари), “Астера текстиль” масъулияти чекланган жамиятининг йигирув қувватларини модернизация қилиш (Беруний тумани.), “To’rtkol Asaka Textile” масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (Тўрткўл тумани), “Global National Textile” масъулияти чекланган жа-

миятининг йигириув ва тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилиш (Элликқалъа тумани), жундан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тайёр тикувчилик маҳсулотларини (маҳсус кийимлар) ишлаб чиқариш (Хўжайли ва Кўнғирот туманлари) каби тадбирлар бу саноат тармоғида 1000 дан ортик иш ўринларини яратиш имконини беради.

Шу билан бирга, санаб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш учун “Дизайн”, “Табиий толани бирламчи қайта ишлаш технологияси (турлари бўйича)”, “Енгил саноат маҳсулотлари конструкцияси ва технологияси (соҳалар бўйича)”, “Тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)”, “Кимё технологияси ва тўқимачилик хомашёсини қайта ишлаш” ҳамда “Материалшунослик, енгил саноат ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспертизаси ва сифати назорати (кўллаш соҳалари бўйича)” мутахассисликларига қабул квотасини ошириш ёки мавжуд йўналишларни оптималлаштириш мақсадга мувофиқ.

Булардан ташқари, йирик корхоналар билан ҳамкорлик асосида қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бу ерларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга ҳамда саноатнинг бошқа тармоклари билан бир қаторда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш имконини кенгайтиради. Хусусан, бундай истиқболли лойиҳалар сирасига (жами – 7 та лойиҳа) йодланган ош тузи ишлаб чиқариш (Кўнғирот тумани), мева-сабзавот консервлари ва томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (Нукус ва Чимбой туманлари), ёғ ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш (Чимбой, Хўжайли ва Беруний туманлари), гўшт-сут мажмуасини ташкил этиш (Элликқалъа тумани) кабилар киради. Ушбу лойиҳаларнинг мувафаккиятли амалга оширилиши туманларда келгусида қарийб 350 янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди. Бунда “Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”, “Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”, “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (соҳалар бўйича)”, “Технологик машиналар ва асбоб-ускуналар (соҳалар бўйича)” йўналишларига қабул режаларини ошириш максадга мувофиқдир.

Минтакада қишлоқ хўжалиги соҳасини бугунги кунда кадрлар

били таъминлаш даражаси коникарли бўлса-да, истиқболдаги ривожланиш салоҳиятига кўра, бир катор мутахассисларга бўлган талаб кучаяди. Зеро, истиқболда аҳолига сугориладиган, фойдаланилмаётган экин майдонларини оиласвий пудрат шаклида таксимлаб бериш (барча худудларда), фермер хўжаликлари ва йирик корхоналарга, уларнинг ҳоҳишига караб, ер майдонлари ажратиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали минтақада 4000 дан ортиқ иш ўринлари яратиш кўзда тутилаётир. Ушбу соҳаларнинг ривожланиш истиқболларини таъминлаш учун келгусида “Агрономия (дехкончилик экинлари бўйича)”, “Дехкончилик механизацияси”, “Фермер хўжалигини юритиш ва бошқариш”, “Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича)”, “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси”, “Мева-сабзавотлар биотехнологияси” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш зарур.

Шунингдек, минтақа аҳолисининг хизматларга бўлган талабининг ўсиб бориши ҳамда Стратегияда кўрсатиб ўтилган хизмат турларини ривожлантириш учун бир қанча йўналишлар танлаб олинган бўлиб, уларга хизматлар паст даражада ривожланган туманларда хизмат кўрсатиш инфратузилма обьектларини ташкил этиш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда хизматлар соҳаси ривожланишига синергетик таъсир этадиган омилларни хисобга олиб, хизмат кўрсатиш турларини йўлга кўйиш каби масалалар киради (2.3.4.3-илова).

Хизматлар соҳасида яратиладиган янги обьектларга зарур бўлалиган ишли-ходимлар бўйича килинган хисоб-китобларга кўра, истиқболда бу соҳада 4400 дан ортиқ инфратузилма обьектларида 18500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш мумкин. Бу борада минтақа худудларида истиқболда транспорт ва алоқа, майший, банк-молия, таълим ва бошқа хизмат турлари бўйича ўрта малакали мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади.

Хизматлар соҳасининг истиқболда қўшимча ривожланиши мумкин бўлган йўналиш ҳамда худудлар кўйидагилардан иборат:

- молиявий хизматлар (Беруний, Кўнғирот ва Шуманай туманларида);
- транспорт хизматлари (Беруний, Қанликўл, Қораўзак, Мўйнок, Хўжайли, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳрида);

- кичик бизнес субъектлари ўртасида қурилиш хизматларини ривожлантириш (Амударё, Нукус ва Тўрткўл туманларида);
- кичик майший хизмат кўрсатиш корхоналари (деярли барча худудларда, хусусан, Нукус шаҳри, Чимбой, Шуманай, Беруний, Қораўзак ва Кегейли туманларида);
- узок муддатли истиқболда қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар (Қораўзак, Кегейли, Нукус, Шуманай ва Элликқалъа туманларида);
- меҳмонхона хизматлари (Нукус шаҳри, Амударё, Қораўзак, Кўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида).

Умуман олганда, жами минтақа иқтисодиёти бўйича таклиф этилаётган йўналишлар бўйича кўзланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 12 мингдан ортик янги муқим иш ўринлари ташкил этилиши кутилмоқда. Ўз навбатида, бунда касб-хунар коллажлари ва олий ўкув юртларининг юкорида зикр этилган профессионал кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашга мослашувчанлигини ошириш зарур. Бу эса, пировардида, таълим сифатини яхшилашга хизмат қиласи. Бугунги кунда минтақада яратилган касб-хунар коллажлари ва олий ўкув юртлари инфратузилмаси тижорат келишуви асосида кисқа муддатли ўкув курсларини ташкил килиш учун зарур моддий базага эга. Айникса, таркибий ўзгаришлар окибатида қишлоқ хўжалигидан бўшаган аҳоли истиқомат қиласидан қишлоқ жойларида бундай ёндашувга эҳтиёж катта. Шунингдек, бундай ёндашув ўз мутахассисликларини ўзгартирмокчи бўлган касб-хунар коллажлари ва академик лицей битурувчиларига қўшимча мутахассисликларни эгаллашда ёрдам беради ҳамда ўз ходимларини зарур мутахассисликлар бўйича кайта тайёрлашни ҳоҳлаган корхоналарга кўл келади. Истиқболда эса таълим тизими ва иқтисодиётнинг бир-бирига янада яқинлашувига хизмат киласи.

Аҳоли бандлигини оширишда **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни жуда катта**. Бугунги кунда минтақадаги меҳнатга лаёкатли аҳолининг 51,2 фоизини 16-30 ёшлардаги йигит-қизлар ташкил этади. Бундай ҳолат, бир томондан, бу аҳоли қатламини иш билан таъминлашда турли муаммоларни келтириб чиқарса, бошқа томондан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Бирок тадбиркорликни илк бора ўйлга қўйишда инвестиция ресурсларини жалб килишдаги муаммолар (банкдан кредит олиш харажатлари – гаров суммаси ва

фоиз ставкасининг катталиги, кредитлаш муддати кисқалиги, ва б.), тадбиркорлик субъектларини молиявий-кредит жиҳатдан қўллаб-куватлаш механизмларидан кўпчилик тадбиркорларнинг тўлиқ хабардор эмаслиги, шунингдек, зарурий инфратузилмалар – кўргазма мажмуалари, савдо ва омборхона бинолари камлиги, минтака ахолисининг тадбиркорлик фаолияти сустлиги, жумладан, бизнесни самарали юритиш малакаси етишмаслиги, хукукий ва иқтисодий билимларининг камлиги ва бошқа муаммолар кичик бизнес ва хуссий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик килмоқда. Шулардан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятига қизикиш уйғотиш мақсадида минтақадаги ўкув муассасаларида “Амалий тадбиркорлик” курсларини ташкил этиш, ўкув жараёнида бозордаги реал ҳолатни моделлаштириш, бизнес-режа ва лойиҳалар тузиш асосларини ўргатиш, тадбиркорлик борасида яратилган имкониятлардан тўлиқ хабардор килиш, ёшлар ўртасида инновацион тадбиркорлик ғояларини қўллаб-куватлаш орқали маҳсус кўриктанловлар ўтказиш керак бўлади.

Ахолининг бандлик даражасини ошириш билан бир каторда унинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ахоли саломатлигини сақлаш соҳаси нисбатан паст ривожланган ҳудудлар, хусусан, Кўнғирот, Элликқалъа, Шуманай ва Хўжайли туманларида шифокор ва ҳамшираларнинг етишмаслигини на зарда тутган ҳолда, бу борада айнан ушбу туманларда мавжуд тиббиёт коллежлари битирувчилари салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда шифокорларни туманларга жалб этишнинг маҳаллий дастурларини ҳаётга жорий этиш;

– Чимбой, Қораўзак, Муйнок, Нукус ҳамда Тахтакўпир туманларида сил касаллиги билан касалланиш ҳолатлари йилдан йилга камайиб бораётган бўлса-да, бошқа туманларга нисбатан юқорилигига қолмоқда. Ушбу касаллик билан боғлиқ вазият туманларда ахоли турмуш даражасини акс эттирадиган мезонлардан бири хисобланади. Истикболда минтақада сил касаллигига қарши комплекс чора-тадбирларнинг маҳаллий доирада мунтазам равища амалга оширилиши ахоли ўртасида нафас йўллари касалликларининг камайишига хизмат қиласи.

Минтақанинг барча ҳудудлари ахолисини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш. Бунда “Узоқ муддатли истиқболда

Қоракалпогистон Республикаси худудларида сув таъминотини яхшилаш бўйича комплекс дастур”ни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурда минтака сув таъминотини яхшилаш бўйича янги курилиш, кенгайтириш, модернизациялаш, асбоб-ускуналар олиш, лойиҳалаш каби тадбирлар акс этиши керак;

Минтақанинг барча худудларида, хусусан, қишлоқ жойларида уй-жой фондини яхшилаш ва ободонлаштириш. Бунда хом ғишт ва пахсадан қурилган уйларни босқичма-босқич янгилаш зарур (Шуманай, Мўйнок, Кораўзак, Тахтакўпир ва Чимбой туманларида).

Умуман олганда, Қоракалпогистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Стратегиясининг пирвард мақсади ахоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш жойларини ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, биринчи навбатда, унда меҳнат бозоридаги талаб ҳамда таклифнинг ўзаро мослиги га эришиш, яъни мутахассислар тайёрлашда таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда меҳнат бозорининг мувозанатлашувига хизмат қиласи. Бу эса, ўз навбатида, минтака худудлари ахолиси турмуш шароитини яхшилаш имконини беради.

III. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Стратегияни амалга оширишда бошқарув сифати ва са- марадорлигини кучайтириш масалалари

Қорақалпогистон Республикасини узок муддатли ижтимоий ва иктисодий ривожлантириш Стратегиясини амалга оширишда бошқарув тизимининг сифати ва самарадорлиги мухим ўрин тутади. Минтақада амалга оширилаётган иктисодий ва ижтимоий ўзгаришларни бошқаришнинг сифати, энг аввало, маҳаллий ташаббу-скорликни оширишга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар билан узвий боғлиқидир.

Бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг саъй-харакатлари Жукорғи Кенгес, кенг жамоатчилик ташкилотлари ва бошка маҳаллий органлар билан уйғунликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу Стратегияни амалга ошириш, унда кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларга эришишда бошқарувни такомиллаштиришга йўналтирилган айрим жиҳатларни кўриб чиқиш зарурати мавжуд ва у куйидагилар билан асосланади:

1. Минтақани ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган ижтимоий ва иктисодий сиёсатини белгилашда маҳаллий ҳокимликларнинг тажрибаси етарли эмас ва бу ишлар кўпроқ мамлакат миқёсидаги юқори ташкилотлар иштирокида амалга ошириб келинганд. Маҳаллий органлар ўзларининг эътиборини асосан жорий вазифалар ва кисқа муддатга мўлжалланган дастурий мақсадларга йўналтирганд. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўрта ва узок муддатга мўлжалланган стратегик ёки келажак тасаввурларини шакллантириш имкониятларини чеклаб қўйган.

2. Демократик ва технократик ёндашув асосида маҳаллий ҳокимлик ва кенг жамоатчилик (партиялар, уюшмалар, олий ўқув юртлари ва х.к.) иштирокида консенсус асосида хужжатлар тайёрлаш ва уни мувофиқлаштириш борасида ҳам амалий тажриба деярли мавжуд эмас. Бу барча томонлар ва иштирокчиларнинг конструктив фикрларини бир жойга тўплаган ҳолда, стратегик йўналишларни белгилаш имконини бермайди.

3. Маҳаллий ҳокимликнинг иктиносидий ахборот-таҳлил ресурс-

лари ва салоҳияти кўпроқ жорий ва қиска муддатли масалаларнинг ечимига қаратилган бўлиб, узок муддатга мўлжалланган мақсад ҳамда вазифаларни белгилаб олишда маҳаллий кадрлар етарлича малакага эга эмаслар. Шу туфайли ҳам мавжуд салоҳиятдан асосан оператив маълумотларни йигиш ва умумлаштириш, юкоридан туширилган жадваллар асосида маълумотлар тўплаш, умумлаштириш каби кўпроқ техник аҳамиятга эга бўлган ишларда фойдаланилади.

4. Бошқарув тизимини марказдан қўйи бўғинларга ўтказиш борасида аниқ, тизимли ва босқичма-боскич амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасининг йўклиги натижасида марказий органлар ва худудлар ўртасида айrim функционал келишмовчиликлар пайдо бўлмоқда. Бунга мисол тарикасида маҳаллий бюджетни шакллантириш ёки бўлмаса йиллик инвестиция дастурларини ишлаб чиқишида юзага келадиган айrim муаммоларни олиш мумкин. Бундай ҳолатлар шундан далолат берадики, маҳаллий ҳокимликларнинг ташабbusи билан киритиладиган таклиф ва лойиҳалар ҳар доим ҳам маблағ билан таъминлаш борасида марказий ташкилотлар томонидан етарлича кўллаб-қувватланмайди. Маҳаллий ҳокимликда реал иктисодий ва молиявий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги ёки чекланганлиги натижасида маҳаллий лойиҳаларни танлаш ва амалга ошириш борасида қизикиш пастлигича қолмоқда.

5. Маҳаллий органларнинг маъмурий жиҳатдан салоҳиятини оширишга қаратилган масалалардан бири бевосита ҳокимлик тизимида фаолият олиб бораётган кадрлар салоҳиятидан тўғри фойдаланиш билан боғлик. Бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш ушбу Стратегияни муваффакиятли амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун маҳаллий ҳокимлик органлари кундаклик фаолиятида тўпланаётган ахборотларни мазмунан хатловдан ўтказиш, маълумотларни бир тизимга келтириш, ортиқча ва бирбирини тақрорловчи ахборотларни кисқартириш мақсадга мувофик бўлади. Тахлилий гурух аъзолари бир пайтнинг ўзида ҳам тезкор, ҳам жорий ва истиқболга оид тахлилий ишлар билан шугуллана олмайди. Шу туфайли Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши кошидаги тахлилий гурух ўз фаолиятини кўпроқ оператив ва жорий масалаларнинг тахлилига йўналтириши, Иктисолёт вазирлиги эса кўпроқ истиқболли дастурлар ва лойиҳаларнинг амалга

оширилиши билан боғлиқ таҳлилий ишлар билан машғул бўлиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги кунда маҳаллий бошқарув органлари томонидан қабул килинаётган дастурлар ва алоҳида лойиҳаларнинг амалга оширилишига доир доимий мониторинг тизими йўлга қўйилмаган. Қабул килинган худудий (маҳаллий) дастурларнинг ижросини кузатиш асосан ҳар чоракдаги ҳисоботлар билан чекланади. Ўрта ва узок муддатга мўлжалланган дастурларнинг бажарилиши устидан мунтазам мониторинг деярли олиб борилмайди. Таҳлилий ишлар ва мониторингни йўлга қўйиш билан бирга ходимларнинг профессионал малака ва тажрибасини ошириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис жойларда худудий стратегик таҳлил ва режалаштириш, узок муддатли прогнозларни ишлаб чикишга оид маҳсус ўкув курслари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, худудлардаги иқтисодий жараёнларни бошқариш бўйича мавжуд ташкилий ва функционал асосларнинг ҳолати, бу борадаги муаммо ҳамда камчиликлар бугун кунда жойларда мустакил иқтисодий сиёsatни амалга оширишда улардаги иқтисодиёт органларининг худудий вазифаларни бажариши, иқтисодий имкониятлари ҳамда ҳуқукий ваколатлари ўртасида тафовут кузатилаётгани ҳакида муайян холосага келиш мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий-иктисодий жараёнларни тартибга солишга доир узок муддатли мақсадли йўналишлари ва жорий харакатлари ўртасида ҳам фарқ кўзга ташланмоқда.

Бу муаммоларни худудлар даражасида ҳал этиш минтақанинг мурракаб иқтисодий бошқарув механизмини модернизация қилишга тизимли ёндашув асосида самарали бошқарув моделини яратишни тақозо этади. Ушбу масалалар, аслида нафакат таркибий ва ташкилий ўзгаришларни, балки стратегик вазифалар ҳамда комплекс дастурларни амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳамжамиятлар, худудий бошқарув органларининг иш услубини ишлаб чикишни талаб этадиган тузилмавий хусусиятга эгадир.

Иқтисодий жараёнларни бошқаришга доир ўхшаш тизимларни шакллантириш маълум даражада маҳаллий ташабbusларга асосланган худудий комплекс дастурларни ишлаб чикиш принциплари, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий ҳамжамият фаоллигига таяниши мақсадга мувофиқдир. Шу нуктаи назар-

дан, ушбу вазифа худудий стратегик режалаштириш принциплари билан чамбарчас боғлиқдир. Тез ривожланиб бораётган давлатлар тажрибаси (Хитой, Жанубий Корея ва бошқалар) шундан далолат берадики, маҳаллий ташаббусларни муваффакиятли амалга ошириш кўпинча узоқ муддатли истиқболда худудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда уларга кўпроқ мустақиллик беришни тақозо этади. Бу, аввало, ижтимоий-иктисодий тараккиёт вазифаларини амалга оширишдаги номарказлаштириш жараёнлари, марказ ҳамда худудлар ўртасидаги устувор муносабатларга тааллуклидир.

Юкорида айтилганлардан келиб чиккан ҳолда, минтақада иктисодий жараёнларни бошқаришни горизонтал жиҳатдан функционал вазифалардан (ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириши ва жойлаштириш, ишбилармонлик мухити ва инвестицион фаолликни яхшилаш, иктисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш оркали таркибий туб ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий ривожланиш ва инфратузилма масалалари), вертикал жиҳатдан эса бошқарув вазифаларидан (бошқарув карорларини қабул қилиш, харакатларни мониторинг қилиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш жараёнлари) иборат ўзаро боғлиқ тизим сифатида тақдим этиш мумкин (3.1-жадвал).

Таклиф этилаётган ташкилий-функционал схема маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бажариладиган назорат, бошқарув ва мувофиқлаштириш вазифаларини тизимлаштиришдан келиб чиқади. Амалиёт шуни кўрсатадики, маҳаллий ҳокимият органлари ва худудий бошқарув органларининг бир пайтда етарлича тизимлаштирилмаган ва бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир канча турли вазифаларни бажаришига тўғри келмоқда. Функционал вазифаларнинг ташкилий бошқарув тузилмаси билан мувофиқлаштирилмагани оҳир-оқибатда жорий вазифаларнинг минтақани узок муддатли ижтимоий-иктисодий ривожлантириш максадларига мос келмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шу ҳолатлардан келиб чиккан ҳолда, бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини худудий даражада кучайтириш чора-тадбирлари белгиланган вазифаларнинг самарали адo этилишини таъминлайдиган ташкилий тузилмага мувофиқ тизимлаштириш оркали бажарилиши лозим. Бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволи, иктисодиётни эркинлашти-

риш даражаси хисобга олиниб, шунингдек, миңтақаны худудий бошқариш тизимининг функционал таҳлилидан келиб чиқиб, куйидаги ташкилий-функционал кичик тизимларни шакллантириш таклиф этилади:

1. Миңтақаны ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, узок муддатга мўлжалланган концепция, стратегик мақсадларни шакллантириш, уларга эришиш учун йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлайдиган стратегик бошқарув;

2. Стратегия ва дастурларнинг мақсадли йўналишларига эришишни баҳолаш, иктиносидиёт, ижтимоий соҳадаги жадал жараёнлар ва таркибий ўзгаришларни кузатиш, айрим худудларни (миңтақаларни) кенг кўламли ривожлантириш омилларини қиёсий баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш имконини берадиган стратегик вазифалар амалга оширилишини мониторинг қилиш;

3. Тезкор, ўрта ва узок муддатли хусусиятга эга, худудий маҳсулотлар ва хизматлар ракобатбардошлигини, модернизация ва технологик янгилаш самарадорлигини ошириш, инновацияларни жорий килиш, бизнес мұхитни, инвестиция мұхитини яхшилаш ва хоказоларга қаратилган тартибга солиш ва мувофиқлаштириш.

Худудий ижтимоий-иктисодий тизимнинг таклиф этилаётган ташкилий-бошқарув моделининг ўзига хос жиҳати функционал йўналишнинг учаласи ҳам интеграциялашган холда амалга оширилишидир. Стратегик ва жорий мақсадларни амалга ошириш худудларни кенг кўламли ривожлантириш, лойиҳа менежменти, стратегик ва тизимли таҳлил ҳамда бошқа кенг доирадаги бошқарув вазифаларини ўз ичига олади. Мазкур ташкилий-бошқарув модели ижтимоий-иктисодий жараёнларни жорий ва тезкор бошқариш билан бирга, худудларни узок ва ўрта муддатли ривожлантириш вазифаларини, қисқа муддатли мақсадли йўналишларга эга худудий иктиносий сиёсатнинг стратегик мақсад ҳамда вазифаларини бир-бири билан боғлаш, тезкор бошқарув, тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг мослашувчанлигини ошириш имконини беради.

3.1-жадвал. Минтақадаги иқтисодий жарабайларни бошқаришнинг ташкилий-функционал схемаси

	Ишлаб чикариш құчларини ривожлантириш ва жойлаштириш масаласи	Ишбилиармонлик мұхити ва инвестиация фаолитигини яхшилаш	Таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация килиш	Инфратузилма, инсон капиталини ривожлантириш, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва башка масалалар
Тизимли чора-тадбирлар :				
Бошқаруу	Худудларнинг табакалашуу даражасини баҳолаш; Худудларнинг тенглаштириш ахволи бүйічә тақлифлар тайёрлаш; Ишлаб чикариш объектларини самарали жойлаштириш чоралари	Ишбилиармонлик иекими ва мұхити омилларини аниклаш; Худудларнинг инвестицион жозыбадорлыгини оширишга доир чора-тадбирларни тайёрлаш; Тадбиркорлык фаолиятини ривожлантириш чоралари	Минтақанинг инновацион ва имитацион салохиятини ошириш орқали иқтисодиёттинг технологик даражасини юксалтириш, юкори қүшімча кийматта эга тармокларни ривожлантириш	Минтақада инфратузилмани ривожлантириш лойихалари, бандлик ва иш ўринларини ташкил этиш дастурлари, инновация лойихаларини ишлаб чикиш.
Мониторинг	Ишлаб чикариш салохиятининг ўзгариши, иқтисодиётни диверсификация килиш, махаллік табий-хомаше ва меҳнат ресурсларини ўзлаштириш, мажкуд инфратузилмадағы фойдаланыш ва ҳоқаошарни баҳолаш	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлык, бозор инфратузилмаси, хорижий инвестициялар иштирокидеги корхоналар, товар ва хизметлар экспортининг ўсиш сұръятлари	Иқтисодиётни ривожлантиришнинг технологик дарајаси, тоаарлар, тармоклар ва фаолият турлари, шуннингдегі, худудларнинг ракобаттардошлигини киесін баҳолаш	Минтақа инфратузилмасининг таъминланган/ривожланганлык, бандлик ва ишсизлік даражаси, инновация ва юкори технологиялар махсулотлар ишлаб чикаришни баҳолаш.
Тартибға солиш ва мувоффикаштириш	Худудларни ривожлантириша мувозанатни таъминлаш, иқтисодиёт тузылмасидаги номутаносибликни, ижтимоий кескинликни бартароф этиш за хоказо чора-тадбирлар	Солик ва божхона бошқаруви, хорижий инвесторлар учун күлай шароит ыратиши, экспортни көнгайтириш, реал тармоқта банк кредитлатыны ажратишини яхшилаш чора-тадбирлари	Технологиялар трансферти, технопарклар ташкил килиш, асосий капитални жадал амортизациялаш чора-тадбирлари	Ижтимоий-иктисодий лойихаларни бошқаришнинг дастурий-мақсадлы услугаларини күллаш орқали инвестиция сиёсатини юритиши

3.2. Маҳаллий ташаббуслар асосида ишлаб чиқиладиган дастурий чора-тадбирлар

Жойлардаги органларнинг янги бошқарув моделига ўтиши дастурий чора-тадбирлар ва худудий лойиҳаларни ўз ичига олган худудий иқтисодий сиёсатнинг стратегик максад ҳамда вазифаларини бажариш борасидаги харакатларнинг мувофиқлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

Бу борадаги асосий максад ресурс салоҳияти ва аникланган киёсий афзалликлардан худудлараро ҳамда глобал миқёсда саварали фойдаланиш ҳисобидан минтақа иқтисодиётининг ракобатбардошлигини оширишдири. Худудий иқтисодиёт идораларидан асосий максадга эришиш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- худудлараро ва глобал бозорда товар ва хизматлар бўйича минтақанинг яширин ҳамда аникланган ракобат устунликларини белгилаш;
- минтақадаги меҳнат, материал ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш захираларини аниклаш;
- аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш, минтақада бизнес ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- товар ва хизматларнинг ракобатбардошлигини ошириш учун кулай ракобат мухитини шакллантириш, хўжалик субъектлари, аҳолининг инвестиция фаоллигини ошириш ҳамда ташки молиялаштириш манбаларини жалб қилиш учун шароит яратиш;
- минтақанинг илмий-таълим ва инновация салоҳиятини кучайтириш, инсон капитали ҳамда аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган давлат хизматлари самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.

Кўйилган максадга эришиш ва худудий ривожланишнинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун кўплаб чора-тадбирлар куйидаги функционал йўналишлар бўйича жамланади:

- минтақани узок муддатли ривожлантиришнинг концептуал асосларини белгилаш, бу борада макбул модел ва устувор йўналишларни танлаш;
- минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг 15-20 йилга мўлжалланган узок муддатли стратегик йўналишларини белгилаш (бош максаднинг асосий параметрларининг тахминий йўна-

лишлари – ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, жумладан ахоли жон бошига, ахоли даромадлари, меҳнат унумдорлиги ва иктисодиётга сарфланаётган энергия ҳажми ва бошқаларни белгилаш);

- узоқ ва ўрта муддатли истиқболда минтақани ривожлантириш шартлари;
- минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш кўрсаткичларини прогноз килиш;
- минтақани ривожлантиришга доир комплекс дастурларни шакллантириш, минтақа иктисодиёти учун стратегик аҳамиятта эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- рақобат, бизнес ва ишбилармонлик мухитини, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини яхшилаш;
- хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ахолининг тадбиркорлик фаоллигини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- минтақанинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- минтақанинг илмий-таълим ва инновация салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш, минтақанинг инновацион-имитацион салоҳиятини оширишга доир чора-тадбирлар кўриш ва ҳ.к.

Юкорида кайд этилган функционал йўналишлар минтақавий ривожланишнинг барча тизимли жиҳатларини камраб олади. Худудий иктисодиёт органлари томонидан ишлаб чиқиладиган, илгари суриладиган ва амалга ошириладиган дастурлар, комплекс чора-тадбирлар ҳамда ташабbusлар ушбу йўналишлар асосини ташкил килиши мақсадга мувофик (3.2-жадвал).

Мазкур йўналишларни муваффақиятли рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан худудий инвестиция дастурларини шакллантириш тизими самарадорлигига боғлиқdir. Мавжуд механизм эътиборга олинган холда, алоҳида блоклар бўйича инвестиция дастурларини шакллантиришнинг илмий-асосли услугиятини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқdir:

давлатнинг устувор вазифалари бўйича марказий манбалар хисобидан молияланадиган лойиҳалар;

ишлаб чиқариш ва унинг инфратузилмасини модернизация килишга қаратилган тармок лойиҳалари;

мintaқani мувозанатли ривожлантиришга қаратилған худудий лойиҳалар;

маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан ишлаб чиқиладиган лойиҳалар.

Дастурнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун уни молиялаштириш ва белгиланған чора-тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам мониторинг килиш, кабул қилинган инвестиция дастурларини ҳаётга татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Дастурда объектларнинг манзилли рўйхатидан ташкари лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлайдиган чора-тадбирлар тизими хам ўз ифодасини топиши максадга мувофик.

Инвестиция дастурини шакллантириш, mintaқani мувозанатли ривожлантиришга қаратилған худудий лойиҳаларни ажратиб олиш вазифалари маҳаллий бюджет ва бюджетлараро муносабатларни шакллантириш бўйича мавжуд механизмни янада такомиллаштиришни талаб қиласди. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги иқтисодий-хукукий муносабатлар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида бюджетлараро муносабатларга кучли таъсир кўрсатади.

Маҳаллий бюджет ва бюджетлараро муносабатларни шакллантириш жараёнининг таҳлили батафсил алоҳида тадқиқот ишларини амалга оширишни ўз ичига оладиган қатор принципиал масалаларни кўриб чиқишини талаб қиласди. Бирок, бюджетлараро муносабатларда тенглаштириш, субъективизм, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетда даромадни оширишдан манфаатдорлигининг йўқолиши каби муаммоларга эътибор қаратиш зарур. Амалиётда бундай масалаларнинг пайдо бўлиши mintaka салоҳиятини оширишга қаратилған инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бекарорлик ва кутилмаган муаммоларни юзага келтиради, маҳаллий ҳокимиятларни mintaka ракобатбардошлигини ошириш жараёнини стратегик бошқаришда асосий бўғин ҳисобланған иқтисодиётни модернизация қилишга доир чора-тадбирларни мустақил амалга оширишдан маҳрум этади.

Махаллий ташаббус асосида ишлаб чиқиладиган ҳудудий дастурлар ва комплекс чора-тадбирлар

<i>Дастурлар</i>	<i>Асосий мақсад</i>	<i>Асосий вазифа ва мақсадлар</i>
Минтақанинг инвестиция жозибадорлигини ошириш	Минтақанинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, унга инвестицияларни жалб қилиш учун кулай шароит яратиш.	Инвестиция мухитини баҳолаш; инвестиция таваккалчиликлари дарражасини баҳолаш; инвестиция салохияти ва жозибадорлиги омилларини таҳлил қилиш; стратегик шерик ва инвесторларни (ташки ва ички) баҳолаш; инвестиция фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; инвестиция киритишнинг асосий йўналишларини амалга оширишга доир стратегик тадбирларни ишлаб чиқиш; инвестиция жараёнларини бошкариш тизимини такомиллаштириш.
Мехнат бозорини ривожлантириш ишларини рагбатлантириш ва ахоли банддлик даражасини ошириш	Аҳолининг юкори даражада бандлигини тъминлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича минтақа имкониятларини кенгайтириш	Касб-хунар таълимини ривожлантириш ва малакали ишчи-кадрларни тайёрлаш; ташкилотлар учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; иш ўринларининг расмий турларини яратиш ва кўпайтириш орқали ишсизликни бартараф этиш ҳамда ноконуний фаолиятни камайтириш; иктисолиёт учун техник кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жумладан, кадрларни максадли тайёрлаш/қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

<p>Минтақа ахолисининг хаёт сифати ва давомийлик кўрсаткичларини яхшилаш</p>	<p>Минтақа ахолисининг хаёт даражаси, сифати ва давомийлик кўрсаткичларини яхшилаш учун шароит яратиш</p>	<p>Ахоли даромадларини ошириш учун шароит яратиш; минтақа ахолисининг демографик аҳволини, барқарорлиги ва нуфуси ўсишини яхшилаш, оила институтини ривожлантириш, перинатал даврда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, болалар тиббиёти даражасини ошириш, ўлим, аввало, болалар ва оналар ўлими холатларини камайтириш; соғлиқни саклаш тизимини ривожлантириш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; мактабгача, ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими юкори сифатига эришиш; маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шароит яратиш; уй-жойдан самарали фойдаланишни таъминлайдиган шароитларни яратиш; уй-жой-коммунал хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш; инфратузилма билан таъминланишнинг меъёрий даражасига эришиш (табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, йўллар ва х.к.)</p>
